

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

اوزبیکستان ادبیاتی وصنعتی

1991

ҲАФТАЛИК 1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

9 АВГУСТ, № 32 (3236). ЖУМА

МИР АЛИШЕР БОҒИ

ТОШКЕНТДА АЛИШЕР НАВОИЙ ЁДГОРЛИК БОҒИ БУНЁД ЭТИЛМОҚДА

Пойтахтнинг Бешёғоч даҳасида — Комсомол боғи билан СССР халқлари дўстлиги саройи ҳамда Абулқосим мадрасаси ва «Наврўз» мажлислар маркази оралиғида буюк бобомиз номи билан аталадиган улкан боғ қурилиши тезкорлик билан олиб борилмоқда.

— Боғ учун бу жойнинг танланганлиги бежиз эмас, — дейди ёдгорлик комплексини лойиҳалаган меъморлар гуруҳи раҳбари, Тошкентнинг бош меъмори Дилшод Латипов. — Комсомол кўлининг ўнг соҳилидаги ана шу майдон Тошкентнинг баҳаво ва баланд жойларидан бўлиб, у тўрт томонга қон томирларидек таралиб кетган шоҳкўчалар туташадиган ўзига мос марказни ташкил этади. Унга шаҳарнинг исталган томонидан келиш қулай, айни пайтда Тошкент марказидан ўтган ҳар бир кишининг ажойиб боққа, унинг ўртасидаги баланд қуббали шийпон ичида қад кўтарган муҳташам ҳайкалга кўзи тушмаслиги мумкин эмас.



Ёдгорлик бир нечта ажойиб меъморий иншоотдан иборат бўлади. Улардан бири рангли мусиқий фаввора. Бу иншоотнинг қурилиши бошланганига кўп йиллар бўлган, бироқ анча вақтдан буён иш тўхтаб қолган эди. Ниҳоят, энди у улуғ шоиримиз номидаги ёдгорлик боғининг муҳим меъморий иншоотларидан бири сифатида ишга тушмоқда. Унинг олд томонида эса ажойиб ҳовузчалар, фавворалар ва гулзорлар жойлашади. Классик ротонда услубида қурилган баланд қуббали шийпон эса боғнинг энг асосий меъморий иншооти ҳисобланади. Боғ комплексини лойиҳалаган меъморлар унинг келгусида Халқлар дўстлиги проспекти, Бўзсув канали ҳамда Бешёғоч майдони оралиғида ҳозирги Комсомол боғи ва кўлини ҳам ўз ичига олган Алишер Навоий номидаги улкан халқ боғи сифатида шаклланишини кўзда тутганлар.

Бугун ана шу ажойиб ёдгорлик боғи қурилиши улкан ҳашарни эслатади. Тошкентнинг деярли барча қурилиши бўлинмалари унга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бунёдкорлик ишлари кечаю кундуз давом этмоқда. Ёдгорлик комплекси буюк бобомизнинг 550 йиллиги нишонланадиган сентябрь ойидаги тантаналаргача тўла битказилиши зарур. Тошкент Бош қурилиш бошқармасига қарашли баланд бинолар қуришга ихтисослашган 11-трестнинг моҳир бинокор Мухтор Ҳабибуллаев раҳбарлик қилаётган қурилиш бошқармаси рангли мусиқий фавворалар пайвандлаш ишларини олиб бормоқда. У ҳадемай ишга тушади.



Бу жойдан мовий қуббали улкан шийпон томон қадам ташлаб бораркансиз ҳар икки ёнда бунёд этилаётган бетакрор меъморий шаклдаги гулзорлар, ҳовузчалар, фавворалар гўзаллигидан ҳайратланасиз. Янги боғнинг ўртасидан кесиб ўтган Анҳор канали ёнлаги қўриқлаб юрган аскар болалар билан «Газик»да зуд жўнаб кетди.

Ўқ овозлари, бақирган-чақирган товушлар эшитилар, ҳаммаёқдан қўнғироқ қилишар — теваракда, шаҳар атрофларида, туманларда, айниқса, Узганда ўлганлар ва яралар кўп, ҳаммаёқда ёнғин, босқин, одамлар жонларини қутқариш учун қочиб борардилар...

Тарихдан «Варфоломей кечаси» ҳақида ўқиганмиз. Бу ўзбеклар билан қирғизлар ўртасидаги ўшандоқ «Варфоломей кечаси», яъни қирғин-чопқин кечаси, яъни қисматимизнинг қора туни эди! Бундай бўлади деб сира ўйламаган, хаёлимга келтирмаган эдим, зах, шўр зимдан хатарли тус олган экан ўша қарғалар уяси узра ер ютган тоғ мисоли.

Ниҳоят, мана, бир йил ҳам ўтди. Қирғизлару ўзбекларни қўшиб ҳисоблаганда бутун Ўш халқи мана шунчалар қонли фожиаларни бошдан кечириб, оғриқ, аламларни ичига ютиб, муроса-мадора йўлига ўтганда ва шу билан бирга туркигўй Фарғонанинг қадим марказида тоғликлар билан водийликлар ўртасида азалдан мавжуд бўлган шу халқларга хос тарихий бирликнинг моҳиятига кўра ягона асрий анъаналарини тиклаётган бир пайтда, ўзбеклару қирғизлар бир-бирлари билан борди-келди қилаётган, бир ёқадан бош чиқариб, ўч, қасос олиш каби ибтидоий истакларни енгиб ўтиб, ва бу йўлдан воз кечиб, вайрона деворларни биргаликда тиклаётган бир маҳалда, яна эски яраларни тирнагиси келмайди одамнинг. Зотан, буларнинг барини оғир йўқотишлар баробарида татиб кўрдик.

Ўтган йилнинг аламли воқеалари ҳақида рости ҳам, ёлғони ҳам, яхшиси ҳам, ёмони ҳам етарлича айтилди. Бемаъни зиёнкорлик селининг дами қирқилди. Ҳолбуки, буларнинг бари гап-сўзлардан бошланган эди, лекин бу тўғрида сал кейинроқда...

Давоми еттинчи бетда



Менинг болалигим

В. БОТИРОВ сурат-лавҳаси

...ЖУМАГАЧА

●

СССР Вазирлар маҳкамаси қрим татарларининг Қрим АССРга ташкилий қайтиб келиши ва уларни жойлаштириш кафолатлари ҳақида қарор қабул қилди. Қарорга биноан Қрим АССРга қайтиш истагини билдирган қрим татарларига мансуб фуқаролар истиқомат жойидаги комиссияга берган аризаларидаги шахсий навбат тартибига асосан кўчадилар.

●

Ўзбекистон ССР Президентининг маданият, таълим ва ижтимоий ривожланиш бўйича маслаҳатчиси Бахтиёр Назаровнинг республика оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда 1991 йилда Навоий номидаги давлат мукофоти берилиши муносабати билан белгиланган тадбирлар ҳамда маданий мерос, миллий урф-одатларни ўрганиш, муҳофаза ва тарғиб қилиш, тарихий ёдгорликларни тиклаш ва сақлаш масалаларининг оммавий ахборот воситаларида қандай ёритилаётганлиги ҳақида сўз борди.

Бой маданий меросимиз, миллий урф-одатларимиз матбуот саҳифаларида кенг ифодаланмаётганлиги таъкидланди. Навоий йили муносабати билан маданий меросимизни ўрганишга бағишланган йиғилиш ўтказиш лозимлиги айтиб ўтилди.

●

Жиззахда партия-хўжалик фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Маълумки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси Жиззах вилоят партия комитетининг бозор муносабатларига ўтиш шароитида Ўзбекистон Компартияси XXIII съезди талаблари асосида мафкуравий ишни қайта қуришга доир фаолиятини кўриб чиққан, бир қанча камчиликлар, бажарилиши лозим бўлган масалаларни кўрсатиб ўтган эди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Матбуот маркази хабар беришича, фаоллар йиғилишида шу борада қилинган ишлар, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида мафкура ишини кучайтириш юзасидан вилоят партия ташкилотларининг вазифалари хусусида сўз борди.

Вилоят партия-хўжалик фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети котиби К. Юсупов нутқ сўзлади.

●

Ўзбекистон Маданият жамғармасининг Бош тўпланти (конференция)си бўлиб ўтди. Бош тўплантини жамғарма раиси Мамадали Маҳмудов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг иштирокчилар Ўзбекистон Маданият жамғармасининг Низомини муҳокама қилдилар ва тасдиқладилар.

Муҳокама юзасидан жумҳурият Президент кенгашининг аъзоси Шукрулло, СССР халқ артисти З. Муҳаммаджонов, таниқли олима Ф. Сулаймонова, шоир Тўра Мирзо, журналист А. Жўрабоев ва бошқалар сўзга чиқишди. Жамғарманинг жумҳурият фуқаролари Ватан ва жаҳон маданияти бойликларини ҳар томонлама, чуқур ўзлаштириб олишларида, халқимизни эстетик руҳда тарбиялаш, миллий-маданий бойликларни қўпайтиришда тутажақ ўрни хусусида фикр ва мулоҳазалар билдиришди.

Бош тўпланти жамғарманинг эндигина таъмирдан чиқаётган ўз биносида бўлиб ўтди. Бу — Маданият жамғармаси ҳар икки маънода оёққа тураётганидан далолат.

КЕЛГУСИ СОНДА:

● Янги рукн: Хўш, қандай яшаяпмиз...

● Ўз юртига қайтаётган халқ

● Манзар Салим жасорати

● Кўнгил гўзаллиги

● Гўдак юзидаги қон

Чингиз АЙТМАТОВ

ЖАҲАННАМ УЗРА ҚАРҒАЛАР ФАРЁДИ

БИР ЙИЛ ЎТГАЧ ЎШ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

УЗОҚ ЎТМИШДА бошдан кечирганларинг эсингга тушади.

Олис ўсмирлик чоғим — қирқ иккинчи йилнинг кўкламида бир куни каллаи саҳарлаб қарғалар безовта қағиллаб фарёд кўтардилар. Улар овул атрофида шанғиллаб айланардилар. Ёнбағирдаги чуқур жарликка тоғ сурон солиб қулаган, одатда шу яқин атрофдаги болалар ўйнаб юрадиган жойни бутунлай босган эди. Эрталабдан бу ерга қўйларини ҳайдаб чиққан подачи бола билан унинг қўйлари ер тагида кўмилиб қолиб кетган эдилар. Қушлар ва одамларни ана шу фалокат даҳшатга солган, зотан барча махлуқлар ер оёқлари остида мустаҳкам тургандагина, ўзларини орқайин яшагандай сезадилар. Ўша дамда нималарни бошдан кечирганим, қанчалар ларзага тушганим ҳамон ёдимда: кўзлари ола-кула бўлиб кетган хотинлар сочларини юлиб телбанамо қичқиришар, тоғнинг худди асов отдай жаҳаннамга қулаши яхшиликдан дарак бермайди, худонинг қаҳри келди, қиёмат қойим бўлди, деб уввос солишардилар! Биз шўрлик бева-бечораларга ким раҳм-шафқат қилади, эрларимиз урушда жон олиб, жон беряпти, болаларимиз оч-яланғоч, ерни ким қайдайди, уруғни ким сочади. Бу кунимиздан кўра бизни ер ютгани яхшироқ, қайга қочиб қутуламиз бу бало офатдан...

Қарғалар ҳам уларнинг бошларида тинмай чарх урар, тинмай қағиллаб, нола қилиб, юракларни ўртарди.

Мен ўн тўрт яшар йигитча эдим, қишлоқ советида котиб бўлиб ишлардим, елкамдаги сумка ичида куни кеча туман марказида қўлимга тутқизишган ҳарбий муҳр босилган яна ўнлаб «қорахат», уларни қандай қилиб топшираман деб, маслаҳатлашгани темирчи чолларнинг қошига йўл олардим. Алам, қўрқинч, хафагарчиликдан, қолаверса, елкамдаги сумканинг оғирлигидан, овул ёқасида тоғ қулаб тушганидан юрагим пора-пора бўлар, дод деб йиғлагим келарди. Ҳар томондан йиғилиб келган қарғалар эса тоғ қулаган ер узра қағиллашар, ёруғ дунёдаги барча махлуқлар ва жумладан одам болалари учун йиғи-сурон солишар, тинмай айланишар, уларнинг ғам-андуҳ тўла фарёдлари узоқ-узоқларга тараларди.

Неча ўнлаб йиллар ўтгач, бу даҳшатли нолалар яна қайта аламли акс садо топди. Ўтган кулфатзада йил июнь ойининг бошларида Ўшда бўлганимда ўша ноумид нола қилган қарғалар тушимга кириб чиқди. Москвадан Тошкентга, Тошкентдан Ўшга оғир ўйлар ичра учиб келган, кутилмаганда бир зум кўзимни уйқу босган эди, назаримда мен қағ-қағ қилиб оламни бузаётган қарғалар билан бирга ер узра чарх уриб учаётгандай, аламимдан ҳўнгир-ҳўнгир йиғлаётгандай, жон ҳолатда қичқираётгандай эдим. Пастда эса гўё тоғни ўз қаърига ютган ер ҳамон кўкка тўзон кўтариб, тўзғиниб, гувраниб ётарди. Аёллар бошларинг сочларини юлишар, дод-фарёд кўтаришарди. Ўша олис йилларда бўлиб ўтгани каби юрагим алам ва оғриқдан санчар, тун зулмати мени бўғар эди. Назаримда, худди тошлар билан тўлдирилгандай муҳрли қорахатлар билан тўла зил сумкам ҳамон елкамдан тушмаган, унинг қайиши ҳамон суякларимни эзарди... Ҳаво етмас, иссиқ бўғарди... Кўп ўтмай уйқусизликдан кўзлари телбаланган, халати йиртилиб, қон сачраган «Тез ёрдам» врачи шошилинч етиб келиб, апил-тапил босимимни ўлчади, укол қилди-да, сўнг уни

Жумҳурият ҳамда вилоятда илгари ўз ҳолига ташлаб қўйилган, сўнг жанжал қўзғаган ўткир ҳаётий муаммоларни дарҳол, пайсалга солмай ечиш зарур. Қочоқлару уй-жой, ёш-яланглару миллий кадрлар, тил ва бошқа шуларга ўхшаш ҳар қайсиси миллатлараро турмуш тарзи учун фавқулодда деб ҳисобланган масалаларни ҳал қилиш булар — алоҳида сўз юритишга дахлдор.

ХОЗИР ЭСА СЎЗИМИЗ БОШҚА ХУСУСДА. Зимистон кунлардан, ҳар икки халқ азобу-уқубатларидан сабоқ чиқариб, ўйлайдиган, тавба-тазарру қиладиган фурсат етди. Шунга имкон туғилганлигининг ўзида биз учун халоскорлик бор, қайнаб турган қаҳр-ғазаб, ваҳшиёна қасос туйғуларини енгиб ўтиб, ўз олий омолини англаб етиш, ақл-идрок йўлини танлашда биз учун халоскорлик бор... Буларни англамаслик ёхуд уларга менсимай қараш ва боз устига яна ҳатто кин-адоват чоҳига ташлашга уриниш эндиликда нақадар хатарлидир. Бу наслларимизнинг қарғишига қолиш билан тенг.

Шу маънода мен қаламкаш дўстларим ўзбек ёзувчилари Пиримқул Қодиров ва Одил Ёқубов билан биргаликда ўз ватандошларимиз тақдиридан ташвишланиб Ўшга шошилган ўша оғир, хафагазак кунларда дўстларим ва мен ўзим бошимдан кечирганларимиз ҳақида ўртоқлашмоқчиман. Эҳтимол, бизнинг тажрибамиз миллий зилзилалар алғов-далғов қилиб турган мамлакатимизда жанжалли вазиятларни англашда қўл келар. Буни яна шу боисдан зиёлиларни ҳам назарда тутиб айтяпманки, улар кўп маҳал шу вазиятларни зўрайтирувчи ва товловчи куч сифатида юзага чиқмоқдалар; бу куч эса васваса, қутқуга солувчи иблисона қувват касб этиши ёхуд фойдали томонга бирлаштирувчи, инсонийлик кувватига эга бўлиши ҳам мумкин.

Кўпмиллатли ҳамжамият қучоғида миллий ўзўзини англашни бош ўринга кўтариш холис тарихий эҳтиёждан келиб чиқади, деб эълон қилган қайта қуриш тафаккуридаги нозик бир жиҳатни илғаб олган жойлардаги ватанпарварлик ғояларининг эгалари ўз давраларида қандай бўлмасин бир халқнинг иккинчи халқдан гўёки ҳуқуқий устунлиги, гўёки баланд мавқеда туриши ҳақида тўхтовсиз сафсата сўқиб юрарканлар, вазиятдан фойдаланиб, низо оловини ёқиш, фақат ўз манфаатини устун қўйишга уринавердилар ва бу охир-оқибатда аввал Ўш, сўнг бутун вилоятда очиқ-ойдин табақалараро тўқнашувларга олиб келди, вилоят ерларига бир-бирлари билан жиққамушт қилиб қўйилган қирғизлару ўзбекларнинг қони тўкилди. Ўрмонга ўт кетти, ҳўл-қуруқ баравар ёнди.

Давоми иккинчи бетда



СУРАТДА: таниқли адиблар П. Қодиров, Ч. Айтматов, О. Ёқубов

ОБУНА – 92

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» жамиятнинг адабий, маданий, маънавий ҳаётини кенг доирада ёритади. Ҳафталигимиз адабиёт ва санъат, ижтимоий ҳаёт масалалари, жумҳурият муаммолари, халқимизнинг дарду ташвишлари билан яқиндан таништиради.

Обуна нархи бир йилга 15 сўм 60 тийин. Ҳар сони обуначи учун 30 тийин, сотувда эса 40 тийин.

Ҳафталикка обуна бўлишни унутманг!

Ф. СП–1

ССЖИ Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» 64593
(нашр номи) (нашр кўрсаткичи)

ҲАФТАЛИГИГА ОБУНА

обуна сони

1992 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ

64593

п.в. жойи

(нашр кўрсаткичи)

«ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ»

(нашр номи)

обуна янги манзилга юбориш	баҳоси	сўм	обуна сони
	баҳоси	сўм	

1992 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ЖАҲАННАМ УЗРА ҚАРҒАЛАР ФАРЁДИ



Чингиз АЙТМАТОВ

Боши биринчи бетда

Биз, ёзувчилар доимо ўз халқларимизнинг миллий ҳуқуқларини ҳимоя қилиб чиққанмиз ва миллий демократик сиёсатнинг тадрижий ўсиб бориши шундай томонларга айланиб кетади деб кутмаганмиз, олижаноб маданий-тарихий интилишлардан ўсиб чиққандай бўлиб кўринган маънавий-руҳий янгиланиш тамомила тескари оқибатларга олиб бориши, ўзининг зиддига айланиб кетишини тасаввуримизга ҳам келтирмаганмиз. Мана шундай таранг вазиятда биз, ёзувчилар нима қилишимиз мумкин эди.

Айтайлик, хусусан, ўзбекларнинг тарихий-маърифий «Адолат» жамияти ҳамда Ўшдаги қирғизларнинг «Ўш аймоғи» деб аталган ёшлар бирлашмаси ўз қобиғига ўралиб олиб, миллий обрў-эътибор талашиб, ўз таъсир доираси учун гуруҳбозлик курашлари қилиб юриб, вақти-соати келганда икки табақа ўртасида низо алангасини авж олдириб юборади деб кимнинг хаёлига келибди дейсиз. Боз устига бунга пахтакор Ўрта Осиёнинг носоғлом воқелигига чуқур томир отиб кирган жуда кўп сабаб-баҳоналар бағоят қўл келди.

Биз қанчалар ўзимизга маъқул томонга буришга уринмайлик, тарих ҳеч қачон аслидагидан бошқача бўлиб қолмайди.

Асримизнинг энг оғир ҳодисаси бўлмиш — тоталитар-яккаҳокимлик тузумига асос солган (Пол-Потнинг фуқароларни оммавий суратда маҳв этган тузуми шунинг бир нусхаси эди) алоҳида олинган бир мамлакатда юзага келган социализмнинг тақдири шундай бўлди. У чок-чоғидан сўкилиб кетти. Унинг ҳалокатига жамиятнинг ҳақиқий аҳволини яширилгани, хомхаёлларга берилиб кетилгани учун оғир, шафқатсиз жазо қўшилиб бормоқда. Кўп замонлар биз сиёсатни юқоридан тушган хомхаёлларга ўрадик, ахлоқ ва маънавийликни тепадан келадиган кўрсатма асосида белгиладик, иқтисодни партия мафкураси оталари тўқиб чиқарган шиор ва чақириқларга булғадик. Улар қутқуси билан синфийлик назарияси ва социалистик тажрибага нимаики тўғри, мос келмаса, барини қоралдик, уларга нафрат ёғдирдик ва бу бемаъниликни муқаддас бир нарса деб қарадик. Халққа эса мавҳум хаёлий сифатлар бердик. Ҳолбуки, ижтимоий-миллий ишкалликлар ва шу боисдан мамлакатда кучайиб бораётган норозиликларни, айтайлик, Ўш аҳолиси ўртасидаги тарангликларни кузатиб бориш ва ҳатто оддийгина ҳисоблаб чиқиш қийин эмасди. Миллий ва ижтимоий ҳодисалар доим бир-бирига боғлиқ — жамиятнинг юксалиш онларида ҳам, таназзул онларида ҳам шундай.

Айтайлик, қирғиз ёки ўзбек чўпони манавиндай қулларча ҳисоб-китоб нисбатларини кўрганда, қандай пўзал ҳис-туйғуларни бошидан кечириши керак: 1 кг майин жун олиш учун қишин-ёзин иссиқ демай, совуқ демай юриш керак. 1 кг шундай жундан битта эркаклар костюмига етадиган мато тайёрланади. Нарх ошмасдан илгари шундай матодан тикилган костюм ўртача 250 сўм эди. Ана шуни тайёрлаш учун асосий хомашёни етказиб берган чўпонга 3 сўмгина тегарди. У тақдирига лаънат ўқирди, холос. Тили бошқа интернатга дучор қилмай, болаларни бемалол рисолада ўқитиб одам қиламан, уй қураман, енгил машина оламан, йигит-қизларим шаҳарга қочиб кетмай, шу ерда, қишлоқнинг ўзида яхши уй-жойлик қилиб қўяман, деб хаёлига келтира олармиди? Ароққа ғарқ бўлиб ётган чўпоннинг мана шу ғам-қайғусида ҳалокатли бир тарзда рўёбга чиқиши мумкин бўлган жиддий норозилик яшириниб ётарди. Ўш вилоятидаги ўзбек ва қирғиз пахтакор деҳқонлари агар баттар бўлмаса, мана шундай аҳволда эдилар. Бутун Ўрта Осиёда аҳвол шундай эди. Оқ олтин деб аталган пахта етиштирадиган туманлар аҳолисининг асосий зич бўлагини ташкил этувчи ана шу меҳнаткашларни аёвсиз эзиш, ғайриинсоний бир тарзда ишлатиш ҳақида қанчадан-қанча сўзлар айтилган. Ҳақиқатан ҳам, оқ олтин. Фақат марказий идоралар учун, марказий монополиялар учун. Кимга эса тонг қоронғусидан тун қоронғусигача машаққатли меҳнат эвазига бериладиган арзимас сариқ чақа. Бепоён пахта далалари. Арзон ишчи кучи, арзон меҳнат. Четга катта фойдалар ҳисобига сотиладиган пахта. Ҳаммаёқ пахта. Ҳаммаёқда пахта ҳукмрон. Ҳозир ҳам шундай. Бу бепоён далаларда деҳқон товуқ катагича ерга ёлчимасди. Биз ғоялар кишанида, ғоялар қули бўлиб яшардик. Биз узоқ замонлар бу ҳақда ҳақиқатни айтолмадик. Тоталитаризмнинг асири эдик. Маълумки, қашшоқлик ва йўқчилик доимо ўзида ижтимоий ғазаб ва ғалаён уруғларини яширган бўлади.

Ўша соат етти.

ТЎҚНАШУВ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ УЧУН АЖРАТИЛГАН жанжалли ердан бошланди. Тўпланган қаҳр-ғазаб портлаши учун шу пиликнинг учини ёқиш кифоя қилди. Тўдаларнинг манфаатларини қачонлардан бери «ёқлаб», оммавий ёнғин учун ўтин қалаб келганлар шуни шармандаларча хоҳлаган эдилар. Улар қирғинни авж олдириб юбордилару, сўнг ўзлари секин ғойиб бўлдилар... Лекин воқеа содир бўлган онда томонлар ёрдам сўраб, адолат талаб қиларкан, фақат ўзларинигина жабрланган, хўрланган деб қарар эдилар. Ҳар бир тараф ўзини жавоб чораларар кўришга ҳақли деб биларди. Бу янада машъумроқ телбаликларни келтириб чиқарарди. Миллий низолар шуниси билан қўрқинчлики, ҳар бир тараф одамлар бошдан кечираётган азоб-уқубатларни фақат миллий белгига кўра, ўз йўқотишлари ва даъволарига кўра қабул қилади. Шу билан бирга кўр-кўрона ўч олиш истаги ўз-ўзидан жўш уради, бу бениҳоя даҳшатли бир юқумли касаллик — нафрат вабосини урчитади. Нафрат вабо каби урчигандан сўнг худди тоғдан тушган сел оқими каби бир зумда асрларча шаклланган ақл-идрокни босиб-янчиб, суриб кетади. Халқнинг фожиаси ана шунда. Шунда қасос олишга интилган тарафлар ўртасига тушган ҳар ким улар учун ҳам, булар учун ҳам душманга чиқади. Яраштирувчининг фожиаси ана шунда.

...Кечаси соат учлар бўлиб қолган. Обком биносида телефонлар жаранглар, ҳамма қават-ма-қават югуриб юрарди. Бир-биридан хавотирли маълумотлар келади, қонли қирғин бораётган ерларга қўшин етиб улгурмасди, милиция эса, надоматлар бўлсинки, «ўзиники»ни ҳимоя қилиб, «ўзгалар»ни қора калтак қиларди. Аммо энг даҳшатлиси — жанжал ўчоқлари атрофида «Халқ қасоскорлари» кучлари ёриб киришга, «ўзимизникилар»ни ҳимоя қилиш ва қутқаришга шай бўлиб йиғиларди. Ўзбекистоннинг қўшни вилоятларида оломон жунбушга келган, қирғиз Олойи ерларида эса юзлаб отлар эгарланарди. Қаҳр ўтига тутошган оломон ҳар қадамда бир қишлоқ бўлган Фарғона бўйлаб юришга шай эди... Тунда Москвани, Туркистон ҳарбий ўлкасини зудлик билан қўшимча ҳарбий кучлар ажратишга кўндиришга тўғри келди. Тошкент, Фрунзе билан алоқа ўтдай қизиган, тиним билмайди...

Юрагимда қулоқни батанг қилгувчи ўша қарғалар фарёди тўхтовсиз янграйди. Назаримда, Ўш фожиасига у ёки бу тарзда дуч келганлар албатта жаҳаннам узра кўтарилган ўша суронни эшитишлари керакдай эди. Фақат бу гал энди у садо, у фарёд одамлар ўртасида, ёвлашишнинг бемаъни қора қаърига қулаган ақл-идрок ўртасида рўй берган фожиа узра эшитиларди. Бу эса табиий офатдан кўра минг бора даҳшатлироқ эди. Ва мен бу дунёни қирғин учун эмас, бошқа бир дурустроқ қисмат учун яратган ўша олий бир қудратга алам билан нидо қилдим: биз одамлар киммиз ўзи? Ахир, ҳатто жониворлар бир-бирларидан қасос олишни ўйламайдилар.

Биз тонг отишини кутардик. Ёзувчи сифатида бу сафар аҳволимиз одатдагидан бошқача. Иложимиз битта. Одамларга сўз айтишимиз керак. Ҳа, сўз айтгани борамиз. Албатта, эндиги кескин ва қаттиқ-қуруқ тушунчаларга кўра бу ўта соддалик эди. Бунинг устига ёшимиз ҳам бир ерга етиб қолган: гуруллаб ёниб турган жаҳолат ёнига сўз билан бориб бўладими? Оломон тупурмайдими, тошбўрон қилмайдими? Лекин биз ҳали ўша эски тасаввурларимизда юрардик. Бизни ўзбек ва қирғиз ўқувчилари билан узоқ йиллик муносабатларимиз бор, бизни бир-биримизга кўплаб китоблар боғлаб туради. Уларни ҳар икки тилда ҳам, ҳатто баъзан таржимасиз ҳам ўқийверишади. Улар ҳар қалай бизнинг ўқувчиларимиз, кеча бизнинг сўзимизга ҳурмат-эҳтиром билан қулоқ тутишган, балки энди ҳам сўзимизни тинглашар, бирга чекаётган дардимиз, изтиробларимиздан огоҳ бўлишар, ўйлаб кўришар, зарбга кўтарилган қўлларини пастга туширишар ва бизнинг сўзимиз баҳона бўлиб, бундай пайтда аччиқ ва аламли сабоқ каби келадиган бир фикрни очиқ тушуниб етишар: миллатлар аралаш бўлиб яшайдиган ерларда бундай тўқнашувларда биттагина чора бор — зўравонликдан қатъиян воз кечиш, айирмачиликдан қатъиян воз кечиш, ҳар қандай бахсни, жанжални ўртада, баҳамжиҳат ечиш, бир-бировнинг фикрига, далолатига қулоқ осиш, ўзаро сабр-тоқатли, саботли бўлиш. Фақат ана шундай. Идеализм дейсизми? Ҳа! Лекин бошқа йўл йўқ! Акс ҳолда — қонга қон, жонга жон, наслдан наслга узоқ замонларгача ўтиб бораверади.

Тонг отишини кутардик. Оғир хабарлар ичимизни куйдирарди. Лекин шу билан бирга ҳар биримиз ўз халқимизнинг фожиасини ўзгача алам, изтироб билан қабул қилардик. Дилда зўрайиб бораётган оғриқни босиш қийин эди. Қийин эди қонимизнинг дарғазаб чақириғига қулоқ солмаслик, телбаланмаслик, олишувлар бўлаётган кўчаларга ўзни урмаслик, кимнидир ҳимоя қилмаслик, кимнидир абадул-абад лаънатламаслик, золимлик қилаётганларни қарғамаслик, зотан, золимлик қилувчилар ўзларини нечоғлик ватанпарвар қилиб кўрсатмасинлар, зўравонлик кўрсатиб, ўз халқлари бошига зўравонлик ва ситам бошлаб келадилар...

Одил Ёқубов ва Пиримқул Қодиров нима аҳволда эканликларини кўриб турардим, изтиробнинг зўридан кўзларидан ёш қуйилиб келарди. Киши ўзини тутиб туриши қанчалар қийин эканлигини мен ўзимдан яхши англардим.

БИЗНИ ЎШГА БОРИШГА УНДАГАН асосий умумий ғоямиз шунда эдики, ўзбеклар ва қирғизлар низосини миллий белгимизга кўра алоҳида-алоҳида олиб қарамаймиз, у бизнинг умумий кулфатимиз, тарафлардан ҳеч бирининг ёнини олмаймиз, улар учун ҳам, булар учун ҳам баб-баравар қайғурамиз ва ёниб-куямиз, йўлдан озганларнинг диққат-эътиборини асил бирлигимиз манбаларига, туркий халқларнинг азоб-уқубатларга тўла биргаликда яратган тарихлари, умумий маданий-улусий мерослари ва хазиналарига, ўлка, мамлакат, дунё олдидаги масъулиятимизни англашга тортамиз. Туркистон ўзаро оилавий қирғин-чопқинларнинг ўчоғига айланиб кетмаслиги керак. Фақат мана шундай қарагандагина, Қодиров ва Ёқубов ўзбеклар тарафидагина туриб, уларни оқлаш ва ҳимоя қилишларидан, мен эсам, шунга яраша қарши томонга ўтиб, ўзимнинг қирғизларимнигина ҳимоя қилишдан сақланишимиз мумкин эди. Ҳолбуки, ҳаётнинг ўзи бошқа жуда содда бир ечимни, яъни бирон тарафнинг ёнини олишликни тақозо қилмоқда эдики, бу бизни боши берк кўчага киритиб қўйиши тайин эди. Миллатлар зиёлиларининг ўзаро тарқоқлиги, боши қовушмаслигининг асос сабабларидан бири ҳам шунда эди, тарқоқлик ва аста-секин Ўш табақалари ўртасида очиқ-ошкор авж олдирилган душманчиликка айланиб кетди. Туркий қавмлар тарихий ўтмишидаги ижобий тажрибаларни яшириш ва умуман билмаслик, ўтган даврлардаги оғир, мушкул қарама-қаршиликлар одамларни бир-бирларига бегона деб қарашларга олиб келди. Миллатпарастлик бошда бир қарашда безиён бўлиб кўринган маданий тепачалардан жилдираб оқиб тушди — айтайлик, — ашаддий яккаҳокимчиликдан, ўтмиш тарихий шахслар номлари ҳамда фаолиятларининг фақат ўзигагина тегишли қисмини кўчириш ва ўзлаштиришдан, бошқаларнинг ҳам умумий туркий маънавий-руҳоний манзараларга мансуб эканлигини инкор этишлардан куч олди миллатпарастлик. Бунга жавоб тариқасида эса тим-терс ишончсизлик билдириб келинди, тарихий онгнинг чегараланиши ва торайиши бошланди. Тасодифий эмасдирки, ҳали бу кунгача мактаблар ва олий ўқув юртлари учун биргаликда яратилган Ўрта Осиёнинг жамулжам тарихи йўқ. Ҳар бир жумҳурият ўз қобиғига кириб олди ва фақат ўз улусига тегишли тарих манзараси билан чекланиб қолди. Шунча йиллар қатағонидан сўнг, куни кечагина пантуркизм хуружлари деб қаралган ва қаттиқ жазоланган ягона туркий онг асл манбаларига қайтиш биз адибларга, ўша вазиятда ҳаётий кучга эга ва таъсирчан бир нарса бўлиб кўринди. У ярашиш ва Ўш қирғизлари билаб ўзбеклари ўртасидаги анъанавий муносабатларни ўзаро тиклаш учун асос хизматини ўтади.

Ўз ватандошларининг онгига таъсир кўрсатишга қарор берган хусусан биз адиблар илгари бу нарсалар хусусида ўйлаганмидик? Ҳа, ўйлаган эдик. Ҳозирги ҳолдагидай гарчи оммавий тарзда бўлмаса-да, биз ҳар доим ўз муҳитимизда туркигўй зиёлиларни бир бутун руҳоний-улусий бирлик сифатида ўзаро яқинлаштирмасликка очиқдан-очиқ қаратилган сиёсатнинг ўткир тиғларини доим жонимизда ҳис қилиб турганмиз. Бўлиб ташлаш ва ҳукм суриш азалдан маълумки, салтанатнинг фойдасига хизмат қилади.

Аралаш яшовчи аҳоли ўртасида бир-бирига душманчилик кайфиятидаги миллий тўдалар қарашларини шакллантирадиган бундай ҳалокатли жараёнга қарши биз бир тусдаги намунавий фаровонлик шароитида фақат ижодимизни, халқларимизнинг бўялиб-бежалмаган воқелиги ва тарихидаги инсон тақдирларини яратиш, тасвирлаш, маънавий-руҳоний соҳадаги изланишларимизни қўйишимиз мумкин эди. Бундай гапларнинг кўпи китобларимизда айтилган. Қуръон каримнинг тақиқланган донишмандлиги, аянчли халқ турмушининг ман этилган мавзулари, казарма социализмнинг маданий орқага кетиши, улусий анъаналарнинг йўқолиб бораётгани, миллий тилларнинг фожиаси — нимаики ҳаддан ташқари қаттиқ назорат остидаги матбуотда муҳокама қилишнинг иложи бўлмаса, — Ўрта Осиё адабиётларида зимдан бўлса-да ўз ташвишли ифодасини топарди. Булар бизни, янги реалистик адабиётлар оқимида бораётганларни яқинлаштирар ва бирлаштирар эди. Бизнинг қарашларимиз ва демократик йўналишларимизда XIX, XX аср рус бадиий тафаккурининг таъсири муҳим роль ўйнади. Бу тақдир! Бундан ташқари Ўрта Осиё адабиётлари замирида асосан араб ҳамда форс шеъриятидан ўтган Шарқ мероси ҳам йирик аҳамиятга эга, бунда табиийки, бизнинг тожик маданияти билан бир минтақада эканлигимизни ҳам таъкидламоқ керак. Яна бир тақдиримиз ва туркий адабиётларга такрорланмас ўзига хослик бағишлаб турувчи асос моҳиятга молик — қудратли улусий эпос — Култегин битигидан тортиб то Мухтор Авезовгача бўлган Олтой фазоси худди океанлар қаъридаги яширин оқим каби бизда яшайди, макон ва замонда таралиб оқиб боради. Бу оқимсиз «океан»нинг ўзи ҳам йўқ. Океан эса қардош улусларни худди тўп-тўп оролларни бирлаштириб, биров-бировига жипслаштириб тургувчи маънавий-руҳий моддийликдир.

Бу гапларнинг барини бир нарса тушунарли бўлсин деб, айтяпман: Ўш воқеаси туфайли биз Москва ва Тошкент ўртасидаги телефонда турганимизда, бир-биримизни тушунишимиз қийин бўлмади. Биз доимо битта адабий карвоннинг йўловчилари бўлганмиз. Унда ҳар ким ўз юкини ўзи кўтариб борган. Шунинг учун Пиримқул Қодиров ва Одил Ёқубов оғзимдан сўз чиқмай мени тушунишди, мен ҳам уларни худди шундай тушундим: тақдир халқларимизга ва демак, бизга ҳам янги синовлар юбормоқда эди. Ҳар бир давр ўз ҳалокатлари билан келади. Ҳа, бу ҳалокат бизники эди. Биз қўлимиздан келганча, китоблар саҳифаларида одамийлик уруғларини экишга ҳаракат қилдик, аммо ҳаёт бизни қонли ўримга дучор қилди...

Бу «ўрим»га бизни бирлаштирган ғоя билан бормоқ керак эди. Бу уч ягона сўз. Инсон навмидлик ва умид чоғларида дилида шу уч сўзга мурожаат қилади. У ҳам бўлса, Худо, Ўлим, ва Нурдир.

БИЗ ҲАЯЛЛАМАЙ ЎШГА ЖЎНАБ КЕТИШ УЧУН Тошкент тайёрагоҳида учрашдик ва шу ондан эътиборан ҳар қайда бирга бўлдик. Бизни бирга кўрганлар, имоним комилки, буни тарафларнинг муросага келишида илк қадам деб билдилар. Ҳар ҳолда, ўзбек раҳбарлари, шунингдек, оппозициядаги «Бирлик» ва «Эрк» партияларининг йўлбошчилари тайёрагоҳга келиб, бизнинг «учлик» ташаббусимизни қизғин қўлладилар ва энг муҳим нарсада бизга сиёсий мадад кўрсатдилар. Бусиз бизнинг яхши ниятларимиз юзага чиқмас эди. Қатъий шуларни келишиб олинди: амалдаги чегараларнинг дахлсизлигига риоя қилиш, ҳар қандай сепаратчилик имо-ишораларини на расмий равишда ва на демократик ҳаракатлар номидан қўлламаслик. Ўзбек раҳбарлари шуни Ўш аҳолисига ишонтириб айтишни топширишдики, қўшни қардош вилоятларда Ўшга ёриб кирмоқчи бўлиб турган «мададкорлар» жойларидан қимирламайдилар. Фақат қирғиз тоғларидан «ҳимоячилар» ёпирилиб тушмасалар бас. Бундай бўлмайди деб улар ишонтирилди. Энг муҳими, ўшликларнинг ўзлари ўз хатти-ҳаракатларини жиловлаб олсинлар, бу ишларнинг оқибатини ўйлаб кўрсинлар, токи, ёнғин ўзбек ерларига ўтмасин, ахир бу ерларда қадимдан яшайдиган қирғизлар камми.

Шундай аҳд-паймон билан биз туманли чўққилар, чақнаган ёзги чақинлар узра Ўшга қараб учдик. Биз билан бирга Ўшга бир қанча қочиб юрган ва бизга Тошкентда келиб қўшилган депутатлар учдилар. Ҳа, илгари бир-биримизга конференциялар, санъат ўн кунликлари, улуғ адибларнинг тўйларига борардик, бундай тадбирларни жуда муҳим деб билардик (дарвоқе, маълум маънода шундай ҳам эди, эҳтимол, бу ишларнинг барида биз халқлар дўстлиги, маданиятлар равнақи нишоналарини кўришни истагандирмиз). Энди эса биз бошқа бир йўналишда, бошқа қоронғу дунё сари учардик, ҳаёт бизни бутунлай бошқача шароитларга, ёвузлик ўз ҳукмига кирган ерларга йўлламоқда эди ва балки шу асно бизни ўтмиш сароблар учун жазоламоқда — миллатлараро низонинг алангаи оташига ташламоқда эди. Ҳа, биз у ерларга Мудофаа вазирлигининг тайёрасида шошилинч учиб бормоқда эдик. Бу ҳам ҳарбийлар фавқулодда ҳолатни тушуниб турганликларини кўрсатарди. Бундай пайтда умум ишнинг манфаати учун қўшинлар ва зиёлилар қўлни қўлга бериб ишлаганлари маъқул. Шуни ҳам эслатиш кераккки, бу шошилинч чорасиз биз барча жойларга етиб боролмасдик — Тошкентга қайтиш, Фрунзега, ҳозирги Бешкекка учиш керак эди.

Ана осмон, ана тоғлар — устивор, қудратли табиат, пастда ҳов, қайдадир водийларда одамларнинг эҳтирослари қайнарди. Ўш тайёрагоҳига келсак, у бўзарган ой каби бўм-бўш эди, атрофни танклар ўраб олган, дастлаб нигоҳимиз шуларга тушиб юрагимиз орқамизга тортиб кетди. Ватандошларимизга айтмоқчи бўлган фикрларимиз, далолатларимиз, ундовларимиз бир зумда кераксиздай бўлиб қолди. Фақат кўчаларга чиқиб, жунбушга келган оломонга дуч келгандагина, сўзларимиз бу қаҳр-ғазабга тўла издиҳом суронига қўшилиб жонлангандай бўлди. Издиҳомлар фақат ўз ҳақини талаб қилиб, фақат ўзини ҳақ деб, айюҳаннос соларди. Бошқа тарафни жазолаш, томир-томири билан қурутиб, йўқ қилиб юборишни талаб қиларди. Бизни буларга худонинг ўзи етказган экан. Миллатлараро низонинг даҳшатли қора кучи худди яшин-қайтарғич мисоли бизга келиб чарсиллаб урилди, зарбани биз ўзимизга қабул қилдик. Уларни ақл-идрокка чақирдик. Ғазабдан кўзи кўр, қулоғи кар оломонга замонларнинг буюк маънавий чақириғини такрорладик: Ўлдирма!

Худди йўлда бўронга учраган йўловчилардек шу гапларимизни Ўш ойна жаҳонидан туриб айтдик, таъна ҳам қилдик, уришдик ҳам, тарихлардан сабоқ келтирдик, замон воқеаларига қайтардик, охир-оқибат фақат бир нарсани ёлвориб сўрадик: болаларингиз бахт-иқболига зомин бўлмангиз. Яна шуни ҳам қаттиқ огоҳлантирдикки, эртага эс-ҳуш жойига келганда, бу ваҳший қилғиликларни тан олиш янада оғир бўлади...

Кўрган-кечирганларимиз ҳақида зудлик билан Тошкент ойна жаҳонидан сўйлаб беришимиз, Ўшдан хабарлар кутаётган бутун ўзбек аҳолисига мурожаат этишимиз, бу сафар энди қирғиз халқининг маънавий ваколати билан сўйлашимиз керак эди. Зотан шу халқ ерида миллатлараро низо аланга олган эди. Жадалламоқ лозим эди. Негаки, Тошкентда ҳам, Фрунзеда ҳам студентлар митинглари бўлмоқда, жўшган, қизиган каллалар Ўшга, «оммавий қирғин»га учраганларга мададга борамиз, бизга самолёт, транспорт берасан, деб ҳокимиятдан талаб қилмоқда эдилар. Агар жумҳуриятларда бу талабларга ён боссалар, нималар рўй беришини яхши тасаввур қилиш мумкин.

Тошкентдан сўнг зудлик билан Фрунзега бориб, жумҳурият ойна жаҳонидан қирғиз халқига худди шундай мурожаат қилмаса, унинг ерларида бўлаётган воқеалар учун алоҳида бир масъулиятга чақирмаса, иложи йўқ эди. Қирғизистон ижодий уюшмаларининг бирлашган пленумида ҳам гап шу ҳақда борди. Бу ерда ҳам Ўш эҳтирослари жўш урди, масала бориб кўпроқ бурч ва ижодий зиёлиларнинг ролига тақалди.

БОШҚА БИР ТАРАФДА ҲАМ МАСАЛА ХУДДИ ШУНДАЙ ТАРЗДА қўйилиб турганда, ўз халқингнинг ҳимоясига туриш қандоқ бўлади? Афтидан, бу иккита бўлса-да, ҳар сафар биргаликда ечиладиган битта жуфт масала. Унда ҳар бир миллатнинг манфаатларини ҳисобга олишга, дунё ва унинг ишларини маданий-маърифий нуқтаи назарда туриб қабул қилиш, табақалар ўртасида адоват чиқармаслик, қўрқитмаслик, ҳақоратли тамғалар босмасликка ўрганиш зарур бўлади. Айтилган сўз — отилган ўқ, дейдилар. Сўздан сўнг иш келади.

Сўзи инсон руҳига қаратилган адабиёт ва санъат аҳли ўз халқининг маданияти, ўз халқининг хатти-ҳаракати учун алоҳида жавобгардир. Миллий маданият осмондан тушмайди, у тафаккур ва руҳнинг тинимсиз ҳаракатидир. Шу маънода адиб тўда жарчиси ортидан эмас, ўзи эргаштириб, йўл бошлаб боргувчидир. Унинг сўзи оламда мавжудлигининг нишонасидир.

Мен тақдиримдан миннатдорман. Йирик ўзбек романнавислари Пиримқул Қодиров ва Одил Ёқубов сиймосида ўзимга ҳамфикр одамларни топдим. Лекин кўнглимда уларнинг ҳаётини кўчалардаги қутурган оломонга дуч қилиб хавфга қўйдим-ку, деган нотинчлик ҳам йўқ эмасди. Бироқ қандай бўлмасин, биз одамларни душманчиликка эмас, бир-бировларига шафқатли бўлишга даъват эттик. Ўшдаги низоларни ёзувчиларнинг чиқишлари тинчитди, деган ўйдан йироқман. Аксинча, асосий, оғир, «қора» ишни кечани кундуз демай, ҳафталаб, ойлаб давлат учун, маъмурият учун, Қирғизистондаги тартиб-интизом учун жавобгар шахслар адо эттилар. Бунда ҳарбий кучлар шубҳасиз ҳал қилувчи роль ўйнадилар. Шундай бўлса ҳам, бизнинг сўзимиз кўзга тўтиёдек зарур эди.

Замин бор, ҳаво бор, сўз ҳам шундай — биз учун ҳаво...

Булар ҳақида Москвага қайтаётганимда ўйладим. Кетаётганда бошқача одам эдим, қайтаркан, онтарилиб тушган, турмушнинг даҳшатли бир ёриғида кутилмаганда очилиб кетган ўзгача бир дунёни кўрган бошқача одам эдим. Ақл-идрок одамларнинг йўлларида қайта-қайта баъзан янгича мезонларда ўзини тиклаши, одамлар ва теварак дунёда рўй бераётган ўзгаришлар учун ўзини масъул тутиши, шунда у ўзининг устивор ва абадий моҳиятини топишига ишонгим келарди.

Барибир, кўнглимда ҳамон жаҳаннам узра қарғалар фарёди акс садо бериб турарди...

Ҳеч шубҳа йўқки, олдинда ҳали жуда кўп қийинчиликлар турибди, уларни фақат вақт даволаши мумкин. Миллатлар ўртасидаги низолар бир марта аланга олгач, худди кўзга кўринмас радиоактив қуюн каби таъсир қилади. Минг афсуски, уни худди Чернобилдай қўрғошин кафан билан ўраб қўйиб бўлмайди...

БИРОЗ ВАҚТ ЎТГАЧ, БИР ЁШ ЎЗБЕК ЁЗУВЧИСИ «Столица» журнали саҳифаларида менга очиқ хат билан мурожаат қилди. Унда Ўш ўзбекларига нисбатан қилинган ваҳшийликларни қаҳр-ғазаб билан санаб ўтади. Мен уни тушунаман, дилидаги дардларга ҳамдардман, лекин хатга жавоб бермаганим учун мени маъзур кўрсин — бундай ҳолларда матбуот воситасида ҳисоб-китоб қилиш билан иш битмайди. Худди шундай тарзда бошқа бир даҳшатли ваҳшийликлар рўйхатини ҳам кўрсатиш мумкинки, булар оқибатида ўн минглаб қирғиз хонадонлари худди курдлардай тоғларга қочишга мажбур бўлдилар. Яхшиямки, ҳарбий вертолётлар бор экан, уларни оч-яланғоч ўлиб кетишдан сақлаб қолди, яхшиямки ҳали ёз эди... Туриб-туриб аламинг келади, ахир бунақада ўзаро қирғиш надоматларнинг адоғи бўлмайди-ку. Кейин-чи, кейин нима?

Ҳеч ким ўзи ака-сингилни танлаб олмайди, ҳаётнинг ўзи танлаб беради. Энди тушунмоқ ғали келди, бу ота маконда биз бир-бировимизсиз яшолмаймиз. Тафаккурнинг янги сифат даражаси сари кўтарилиш пайти етди. Бунда миллий манманлик ва чиранишга, энг хатарли касаллик — жиноятқорона мафиябозликка олиб борувчи тор манфаатли тоифабозликка ўрин бўлмагай. Тилларни бир-бирига қарама-қарши қўйишдай ёмон одатимизга барҳам берайлик. Тилимизни бизга ягона онамиз — туркий маданият ато этган. Дарвоқе, у ёки бу тилнинг давлат тили бўлиши учун адолатли кураш олиб борар эканмиз, алоҳида олинган ҳар бир ҳолда агар атрофда ўз ўлчов доираларида бошқа тиллар мавжуд бўлиб тургандагина давлат тили ўз маъносига эга бўлади.

Жумҳуриятларда давлат тилининг ўз ҳуқуқларига эга бўлиши баъзилар айтмоқчи, рус тилига зид равишда эмас, балки чуқурроқ таҳлил қилиб кўрилса, унинг улуғвор юксалтириб берувчи қудратига кўра амалга ошмоқда. У худди улкан фазо кемаси каби бошқа кўп йўлдошларини ҳам ўз мустақил доирасига олиб чиқди. Рус тили йўлдош ва ҳамкор маданий ҳодиса каби қолади. Миллий тиллар унинг паноҳида конституция имтиёзларига эга бўлади ва мунтазам ривожланиб боради. Лекин қайд қилиб ўтайликки, биз тилларнинг йўқ бўлиб кетиши каби даҳшатли хатарни бошдан кечирдик, албатта. Лекин бунда ўз ҳолича олганда, рус тили айбдор эмасди. Аксинча, бизнинг бирёқлама миллий дастёрчилик, ялтоқилик сиёсатимиз айбдор эди. Агар, мисол учун, қайта қуришгача Қирғизистон пойтахтида, Бешкекда ўттизинчи йилларда очилган ягона мактабга эллик йил ичида биронта қирғизча мактаб қўшилмаганлигини олсак, бунда, албатта, рус тили эмас, бизнинг амалдорларимиз айбдор. Улар миллий муаммоларни қанча кам эслатсак, Москванинг кўзига шунча яхши кўринамиз, деб ўйлардилар.

Давримизда тил фаоллиги тобора ортиб боряпти — ҳозирги замон кишиси ўз ўзак — она тили билан бир қаторда бир неча чет тилларни ўзлаштиришга интиляптики, бу — даврнинг бош, етакчи талабларидан бўлиб қолмоқда. Бусиз энди миллатнинг янги умумий тараққиётини тасаввур қилиш қийин. Бунга мисол қилиб, жаҳон маданиятида етакчилик қилаётган оврупоcликларни кўрсатиш мумкин. Уларнинг ҳар бири, айтиш мумкинки, бир қанча регионлар ва қитъаларнинг тилларини яхши биладилар. Боз устига бизнинг замонамизда, бизнинг шароитларда масалани кенг англаш беҳад муҳимдир, бу тўла маънода жумҳуриятлардаги рус аҳолисига ҳам тегишлидир. Янги воқелик руслар томонидан миллий давлат тилларини ўзлаштиришни тақозо этмоқда. Бунга, бошқаларини айтмаган тақдирда ҳам, жойлардаги муносабатларнинг тинч-барқарорлиги, уйғунлиги далолат беради. Буларнинг барини биз давримизнинг янги «алжабри» каби умумий тарих ичида англаб олмас, ўтмишда бошдан кечирганларимиз ва эндиги кунларда бошдан кечираётганларимиз устида фикрламас эканмиз, бизнинг миллий муносабатларимиз ўз бағрида янги ғалаёнларни яшириб ётаверади.

Бизни душманчилик руҳида ажратиб турадиган, улусларни бир-бирига ёт кўрсатадиган нарсалар бўлмаслиги керак. Муроса истаги ҳар икки томондан ҳам бўлса, яхши.

Учаётганимизда тун эди. Москвагача тўрт соатлик йўл. Яна ўша юксаклик, юлдузлар — устивор табиат, пастда эса одам болалари дунёси — тарих йўллари...

СССР Олий Кенгашида Ўш воқеалари муҳокамасида айтиладиган гапларни ўйлардим. Оила, турмушга доир гаплар ҳам хаёлимни олиб қочарди.

Москвада яшаётганимизга уч йил бўляпти, шундай бўлиб қолдики, бу ёзда ҳам ота юртга боролмайдиганга ўхшаймиз, Ўшдагина эмас, Фрунзеда ҳам фавқулодда ҳолат эълон қилинган. Бундай ҳолларда бориб бўладими? Албатта, бу уйда болаларга ёқмайди. Бу тўғрида Ўшдан Москвага қўнғироқ қилганимда гаплашиб ҳам улгурдик.

Ўш фожиасидан кейин бир йил ўтиб, бу йил ёзда «Комсомольская правда» газетасида гўё мен Президент Кенгаши аъзоси бўлган пайтимда оиламни Фрунзедан ҳарбий самолётда олиб чиқиб кетишга «эришганим» ҳақидаги гапларни ўқиб, ҳайратдан ёқамни ушладим. Мен агар истаган тақдиримда ҳам бундай қилолмасдим, ҳарбий машинани олиб кетолмасдим. Хонадоним — рафиқам, қизим, ўғлим, қайнанам (ёши 87 да) ўша пайтда Москвада, уйда эдилар. 1990 йил 16 июнда учган самолётда оила аъзоларим бўлмаганлигини ўша рейс билан Ўшдан Москвага қайтиб келаётган ўртоқлар тасдиқлашар. Кимга керак бу ёлғон? Нега газета текширилмаган фактларни ёзиб одамларни чалғитади? Наҳот биз абадул абад туганмас ёлғончиликка маҳкуммиз? Наҳот ижтимоий турмушнинг ушбу ярамас қусуридан ҳеч қутулолмаймиз? Бир қарасак, мажруҳ қилинган, майиб одамларимиз қават-қават бўлиб кетган ёвузлик остидан, ўтмиш ёлғончиликлари ичидан чиқиб келаётгандай кўринамиз, йўқ, яна бир қарасак, йўлларга яна ўшандай ёлғонлар тепа-тепа қилиб тўкилмоқда, фақат энди буни кечагидай бадқовоқлик билан эмас, сурбетларча тиржайиб туриб, роҳатланиб, маза қилиб бажарилмоқда...

Невлай, ҳаётнинг яна бир сабоғидир-да, бу...

Ниҳоят, мана, бир йил ҳам ўтди. Шамоллар яна эсган жойларида эсмоқда... Ҳеч нарса билан ҳисоблашмасдан бизнинг кунларимиз ўша асрий, ўзгармас иштибоҳ ичра ўтаётир — нега яшаяпмиз? Тўғри яшаяпмизми?

Ажабо, тақдир ҳам бизни ҳеч қўймай хоҳ каттада бўлсин, хоҳ кичикда, тинимсиз имтиҳон қиляпти. Бунинг маъноси не? Умумжаҳон миқёсида ер кўчармикан, умумжаҳон миқёсида қарғалар фарёди бошланармикан? Ёки маданий дунёда ўз янги ўрнимизга эга бўлармикинмиз?

Иброҳим ҒАФУРОВ таржимаси («Известия», 180-сон).

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

НАВОИЙ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

ЎЛКА КАЙҒУСИ

«1938 йили Ғарбий Туркистоннинг буюк ўғлони Мустафо Камол Ота Турк вафот этди... Худди шу йилда Туркиядан мингларча чақирим узоқда — муқаддас Туркистон тупроғида икки қаҳрамон ўлдирилди. Бу мусибатни сезганлар, билганлар балки пинҳона йиғлаб кўз ёшларини ичларига тўкандилар. Эҳтимол, бошқа бирлари бўғилиб инграгандирлар... Билмаймиз буни, биз билмаймиз... Аммо уларнинг ҳар иккиси ҳам туркий дунёнинг буюк қалбли, теран фикрли, ишқ ила ёнган фарзандлари эди», — деб ёзади Ҳусайн Узбой.

ТУРК ОЛИМИ ҲАҚ. Туркнинг ўша икки ўғлони ҳам фидойи эди. Зулмга қарши бош кўтарган қаҳрамон эди. Қуллик ва хўрликдан кўра ўлурга рози шоир эди. Улардан бири — ўзбекнинг улуғ шоири Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон. Иккинчиси — эрксевар қозоқ шоири Мағжон Жумабой ўғли. Мағжон Жумабой ўғлида шундай байт бор:

Туркистон икки дунё эшигиғўй,
Туркистон эр Туркининг бешигиғўй.

Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Мағжон Жумабой ўғли, Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон сингари ёзувчи ва шоирлар туркнинг ана шу табаррук «бешиги» ва «эшиги»нинг муқаддаслиги, дахлсизлиги учун курашиб, ҳақсизлик қурбони бўлганлар.

Мустафо Камол Ота Туркнинг вафотига Туркия ва бутун турклар олами йиғлаган. Ота Турк ўлган кун барча турклар учун унутилмас мотам кунига айланган. Аммо Чўлпон ёки Мағжон Жумабой ўғли 1938 йилнинг қайси машъум кунида ўлдирилган? Қандай алам, қандай қийноқлар исканжасида жон таслим этган улар? Сўнгги сўзи, сўнгги хаёллари-чи? Балки, уқубатли умрнинг охирги дақиқаларида ҳам «Эй, муқаддас Туронимнинг хаёли, кетмай тур... Мана мен, чин кўнгул билан сенинг йўлингда ўлурға рози... Мен сенинг учун тирилдим, сенинг учун яшарман, сенинг учун ўларман. Эй, турклрнинг муқаддас ўчоғи», — дея ўзларича шивирлагандир улар. Буларни энди ҳеч қачон аниқ била олмаймиз. Тасаввур эса қийноқдан ўзга, армондан бошқа юпанч бермайди. Қарангки, Чўлпоннинг ўлим санаси ҳам сохталаштирилган. Демак, озодлик жаллодларига шоирнинг ўлими ҳам қўрқинч туюлган.

Чўлпон ижодининг замини ва осмони — Ватан. Ҳур ва музаффар Туркистон куйчиси. Чўлпон ўзини юртнинг пок истакли шоири деб билган, ва ҳеч қачон покиза истакларидан кечмаган. Чўлпон орзу-истакларининг мусаффолиги шундаки, шоир она Туркистон тупроғи келгинди ёвлар томонидан топталишига қарши муносабатини яширмаган. Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Мирзо Бобур авлодларининг тарихи, тили, маданияти, фан ва санъати бузғунлик, сиқувга гирифтор этилаётганини баралла сўзлай олган. Чўлпонни ана шунинг учун айблашган. Ҳеч бир замон Ватанни севмоқ Туронда гуноҳ ҳисобланганми? Ҳеч бир даврда бир халқ ва юртнинг фарзанди ўз миллатининг вакилини «ватанпарастлиги учун бадбинликда айблаганми? Ватанни севмоқ, миллат дардида ёнмоқ бадбинлик бўлса, некбинлик нима? Ватанни сотмоқми? Чўлпонга отилган туҳмат тошлари, юртини Мажнун бўлиб суйган шоир шаънига тўқилган бўҳтон ва заҳарли айбномаларни табиий деб қараш ҳам мумкин. Чунки Чўлпоннинг изтиробли қалбида ўткинчи кимсаларга насиб этмаган ва ҳеч қачон насиб этмайдиган ЭЪТИҚОД юксаклиги бор эди. Бу юксакликдан замон ҳодисотларини баҳолаш учун журъат ва жасорат керак эди. Бу юксаклик даврдан жуда баланд эди.

Маълумки, совет давлатининг илк босқичларидан бошлаб «коллектив фикр» тушунчасига алоҳида аҳамият берилганди. Натижада «коллектив фикр» қисқа муддатда шахснинг мустақил фикрини емириб ташлади. «Коллектив фикр»ни ривожлантиришдан кўзда тутилган яширин мақсад ҳам аслида мана шу эди. Шахсга сиғиниш йилларига келиб, эркин фикр қатағон қилинди ва миллион-миллион совет кишиларининг фикр-қарашлари давлат, сиёсат, партия раҳнамолари томонидан бошқарилди. Манқуртлик ахлоқи шакллантирилди. Сталинизм сиёсати инсоннинг миллий идроки, ватаний ахлоқи, тарих ва келажак олдидаги масъулиятини тамоман сўндирадиган машъум сиёсат эди. Бу сиёсат одамни ботинан одамдан узоқлаштирар, акага нисбатан ука кўнглида ишончсизлик, душманлик уруғларини сепар, барчани синфий манфаатлар ҳақида, «озодлик», «тенглик», «шодлик, бахтиёрлик» тўғрисида сайрашга мажбур этарди. Лекин Октябрь тўнтариши илк йилларидаёқ тарихга, маърифатга, динга ва халқларнинг асрий урф-одатларига қарши инқилоб тусини олганди.

ДИНДАН АЖРАТИШ ИЙМОНСИЗ, ДИЁНАТСИЗ ЖАҲОЛАТ ИЧИДА яшашга ўргатди. Тарихни қоралаш эл-юрт ХОТИРАСИни зулматга чулғади. Миллий анъаналардан йироқлашиш ЎЗЛИК туйғуларини ер билан яксон этди. Улуғ Туркистон тарихида ҳам янгича қуллик, сотқинлик, риёкорлик замони бошланганди. Шунинг учун Чўлпон шеърларидан бирини «Бузилган ўлкага» дея атагандир. Албатта, бу шеърнинг ўз ўқувчилари, унда тасвирланган фикру туйғуларнинг тарафдорлари бўлган. Лекин оммавий қирғин-қабоҳатлар қаршисида улар ўзларини кучсиз сезишган. «Бузилган ўлкага»ни ёқлаш — ҳақиқатга тик қараш, бир пайтлар «тоғлари кўкларга салом берган зўр ўлка»нинг бузғун ва оғир аҳволини рўй-рост эътироф қилиш эди. Ўзбек зиёлиларига хос бир хусусият бор. Ҳақ сўз учун жазо берилмаслигига аниқ ишонч ҳосил этмагунча, уларнинг аксарияти ҳақиқатдан сўз очишмайди. Бугунги «ботир» ёзувчи, шоир, олимларимизнинг деярли барчаси «ёв» чекингандан кейин майдонга чиққан азаматлардир. Бир-икки йил муқаддам Чўлпоннинг номини эшитса эти жунжикадиган «даҳолар» энди Чўлпон яратган улуғ мактаб тўғрисида сўзлай бошлашди. Бу ҳам Чўлпон руҳини таҳқирлаш. Бундан уялмоқ керак... Узоқ йиллар давомида Чўлпон «миллатчи, ватанпараст бадбин зиёлилар шоири», «миллатчилар онаси», «контрреволюционер», «халқ душмани» сифатида айбланиб келинди. Чўлпон ижодиёти қораланган бирор-бир тадқиқот ёки мақола йўққи, «Бузилган ўлкага» шеъри четлаб ўтилган бўлсин. Нега шундай? «Чўлпоннинг «Булоқлар» тўплами «Бузилган ўлкага» достони билан бошланади, — дейди Иззат Султон. — Бу асар Совет Туркистонининг аҳволи ҳақида, туҳматкорона сўзлар билан тўлгандир». Наҳотки? Одамларни алдаш, чалғитиш туҳматкорона сўзлар тўқиш эмасми? Ахир, энг қалтис ва таҳликали шароитда ҳам Чўлпон «Совет Туркистонининг аҳволи ҳақида» реал гапни айтмаганмиди?..

«Шоир ўз тилини, ўз маданиятини севади. Ўз халқининг тарихи билан фахрланади. Бундай одам миллатчи бўлмаслиги мумкин эмас. Умуман, шоир миллатчи бўлмаслиги мумкин эмас...», деб ёзади ҳақгўй бир шоиримиз. Мен бу фикрга қўшиламан. Миллатчи ўз миллатини бошқа миллатлардан устун қўядиган кимса эмас, балки уни ҳеч қайси улуғ миллатдан паст кўрмайдиган, тил, тарих ва маданиятининг камситилишига чидай олмайдиган ғурурли ШАХСдир. Миллатчи — миллат қалбини тушунувчи киши. Миллатчи — ўз тақдиридан миллат тақдирини беҳад баланд қўювчи одам. «Босмачи» сўзини ким ўйлаб топган? Қандай киши босмачи дейилади? Бу саволларга Ўзбекистон тарихига доир кўп жилдлик китоблардан ҳам тўғри жавоб топа олмайсиз. Худди шунга ўхшаб, ўтмиш асрларда аждодларимиз ишлатмаган «миллатчи» сўзи не мақсадда истеъмолга киритилган, нега у қўрқинч сўзга айлантирилган, қандай кишиларнинг мафзи пуфдир. Қандай шоир ўзига қарши ёзилган шеърларни «таҳрир қилиб» беришга куч топади? Ўзининг ҳақлигига иноннан улкан санъаткоргина шундай ишни қила олади.

Бошқа бир адабиётшунос эса «Бузилган ўлкага»ни «антисовет достони» деб ҳукм чиқаришдан аввал уни «миллатчи шоирлар»нинг «руслар билан ўзбеклар дўстлигига раҳна солиш», «янги тузумни қоралаб, ўтмишни улуғлаш» мақсадини кўзлаб ёзилган асарлари тоифасига киритади. Аммо «антисовет достон»дан ҳатто бирор-бир байт далил келтирмайди.

«Ўзбек совет адабиёти тарихи» (I том, 1968) китобида таъкидланишича, «миллатчи шоир Чўлпон янги ҳаёт қурилишини кўргиси келмай, эски ҳаётнинг бузилишига ачиниб, «Бузилган ўлкага» деб шеър ёзган экан, унга қарши совет шоири Ғайратий «Тузалган ўлкага» шеърини ёзади, унинг додига қаттиқ зарба беради».

Худди шундай, шунга яқин кўчирмаларни бошқа катта адиб ва адабиётшунослардан ҳам келтиришим мумкин. Лекин бу билан ўша пайтга хос фикр моҳияти ўзгармайди.

Ғайратий ижодининг тадқиқотчилари ҳам «миллатчи шоир» билан «совет шоири» ўртасидаги муросасиз кураш масаласини четлаб ўтишмаган.

Кетма-кет кўчирмалар, худди бир каллада туғилиб бир неча киши оғзидан янграётгандек таассурот уйғотадиган танқидий мулоҳазаларга диққатни қаратаверганимиз учун ўқувчилардан узримиз бор.

«Чўлпонни миллатчиликда айблаган одамлар асосий далил сифатида, — дейди Озод Шарафиддинов «Шарқ юлдузи» журналида (1990, 3-сон) босилган мақоласида, — «Бузилган ўлкага» шеърини келтиришади. Салкам 70 йил мобайнида бу шеър ҳақида нималар дейилмади? Уни ҳатто «босмачилар гимни» деб аташгача боришди. Гўё шеърда инқилоб туфайли вайронага айланган Фарғона водийси тасвирланган-у, Чўлпон совет воқелигини қора бўёқларда кўрсатган». Шеърда «баландпарвоз оҳанглар, кўтаринки кайфиятлар, ҳайқириш ёхуд фахриялар» йўқлигини қайд этиб, мунаққид ундаги «ҳақсизликларга, адолатсизликларга қарши курашга ундовчи эҳтиросли мисралар»дан далиллар келтиради.

Тўғри, салкам 70 йил мобайнида «Бузилган ўлкага» шеъри ҳақида бир-бирига яқин кўп айбловлар тўқилган. Савол туғилади: Чўлпоннинг ушбу шеъри хусусида О. Шарафиддиновнинг ўзи нима деган? Наҳотки, таниқли ва пешқадам олимимиз ҳам ўша гапларни ўқиб, эшитиб жим тураверган? Йўқ, жим турмаган. О. Шарафиддинов 1967 йили босилган «Йиллар ва йўллар» мақоласида «адабиётимизда миллатчилик идеологиясига қарши кураш турли формаларда амалга оширилган»лигидан баҳс юритиб, шу формалардан бири баъзи шоирларнинг «миллатчилик кайфиятидаги айрим шеърларини олиб, ўша шеърнинг асосий ғояларига қарама-қарши ғояларни олға сурадиган баҳсли шеърлар» ёзиш бўлганлигини айтган. «Масалан, «Бузилган ўлкага» қарши, — дейди мунаққид, — Ғайратий «Тузалган ўлкага» шеърини ёзди. Агар Чўлпон шеърида тоғлари кўкларга салом берган ўлканинг бошида булут «кўланка» солаётганидан шикоят қилса, Ғайратий унга қарама-қарши ўлароқ революция туфайли қайнаб-тошаётган жўшқин ҳаёт манзарасини чизади».

ДАРҲАҚИҚАТ, ҒАЙРАТИЙНИНГ ШЕЪРИ «коммунистик мафкура назариясида туриб» Чўлпонга қарши ёзилган. Энди инсоф ва адолат юзасидан андак мубоҳаса юритайлик. Ғайратий шоир сифатида Чўлпоннинг «панжасига панжа урмоқ» лаёқатига эга эдими? Умуман, Чўлпон Ғайратийни ўзига ғоявий мухолиф деб билганми? Яхшиси, бу ҳақда Ғайратийнинг ўзига мурожаат этайлик: «Чўлпон ўзбек классик адабиётини ҳам, халқ оғзаки ижодини ҳам, рус ва жаҳон адабиётини ҳам пухта билган ёзувчи эди... Қизиғи шундаки, менинг Чўлпонга қарши ёзган шеърларимни унинг ўзи таҳрир қилиб берарди. Унинг шунақа одати бор эди. «Биламан, сен менга қарши ёзаяпсан, Ғайратий, — дерди у. — Сен бошқа, мен бошқа. Кел, сенинг бошқа шеъринг чиқаверсин, менинг ҳам бошқа шеърим чиқаверсин».

Биз бугун ожиз, заиф, бағри эзилган
сен учун,
Бу қадар қонлар тўкилди ул дахлдор
сен учун.

дейди шеър қаҳрамони. «Бу қадар қонлар тўкилди ул дахлдор сен учун». Бундай гапни фақатгина Фарғона эмас, балки бутун Туркистон хусусида ҳам айтиш мумкин эди. Бухорои Шарифнинг 1918—20-йиллар қисматини эсланг. Хевачи?! Муаррихларнинг маълумотларига кўра, 1918 йил 31 январда берилган фармондан сўнг қизил қўшинлар арманларнинг Дашноқсутюм партияси аскарлари билан биргаликда Қўқон мухторияти ҳукуматини йўқотиш учун 5 февралдан бошлаб Қўқонга ҳужум қиладилар. Икки ўртадаги жанглар давомида Қўқон шаҳри уч кун ёнғин ичида қолади ва 10 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлади. «1918 йилнинг бошида Марғилон шаҳрида 7000 га яқин, Андижон шаҳрида 6000, Наманган шаҳрида 2000, Бўзқўрғон ва Қўқонқишлоқ туманларида 4500 га яқин туркистонли ўлдирилади». Неча минглаб одамларнинг очликдан, ночорлик ва зўравонликдан жон таслим этганлари-чи? Ўша йилларда содир этилган ваҳшийлик ва хунхорликларга баъзан ақл бовар этмайди. «Коновалов Бозорқўрғондан кетар экан, — дейди Туркистонда инқилобий ҳаракатнинг таниқли арбоби бўлган Турор Рисқулов, — қўшни Никольское қишлоғидаги русларга Бозорқўрғонни босмачилардан тозалашни топширди ва бу қишлоқни уч ҳафта давомида обдон «тозалашди». Аввалига, шунчаки талон-тарож қилишди, сўнг ҳеч нимани сўраб-суриштирмай отиб ташлай бошладилар: эркакларни босмачиларни қўллаб-қувватлагани учун, болаларни эса бир неча йилдан сўнг босмачи бўлиб етишади, дея ўлдиришди...».

Бундай мусибатли воқеалар учун революцияга «миннатдорлик туйғулари билан тўлган» шеърлар ёзиш керакмиди? «Бузилган ўлкага»нинг илк байтини ўқиймиз:

Эй, тоғларн кўкларга салом берган зўр ўлка,
Нима учун бошингда қуюқ булут кўланка?

Бу «қуюқ булут кўланка» — зўрлик, қўрқинч, ўлка толеидаги қоронғулик тимсоли. Бу кулфатларнинг таъсири шу даражадаки, «Учмоҳларнинг кавсаридек покиза, Садафларнинг донасидек топ-тоза, Салқин сувлар тоғдан қуйи тушаркан», йиғлар ҳолатда:

«Ёв борми!..» деб тўрт тарафни тинглайлар...

Табиатнинг ҳарорати ҳам сўнгандек. Қоронғу тунлар қаъридан ҳазин илтижолар эшитилади. Кўм-кўк, гўзал ўтлоқлар босилган. «Устларида ҳа, истеъдод йўналиши, давр зиддиятларини теран идрок этиш, маслак даражаси ва ҳаётий идеал нуқтаи назаридан Чўлпон Ғайратийдан «бошқа» шоир эди. У Ғайратий сингари ижодкорларнинг ҳолати ва шижоатини чуқур англар, шу боис улардан ўзгача ғоявий йўналишларда қалам юритишни талаб ҳам қилмаган. Ғайратийнинг «Тузалган ўлкага» шеъри Чўлпонга «қаттиқ зарба берди», унинг «белини синдирган эди» сингари тантановор ҳукмларнинг мағзи пуфдир. Қандай шоир ўзига қарши ёзилган шеърларни «таҳрир қилиб» беришга куч топади? Ўзининг ҳақлигига иноннан улкан санъаткоргина шундай ишни қила олади.

Чўлпоннинг 1921 йили ёзилган «Гўзал Фарғона» шеъри «Эй, гўзал Фарғона, қонли кўйлагингдан айланай» сатри билан бошланади. Унда тасвирланишича, Фарғона тупроғини «бир қора парда» қуршаб олган. Дилбар Фарғонанинг кўзлари сўлган. Фарзандларига у «ўлик руҳ» билан боқади. Фарғона «чечаклар водийсидан қонлар водийсига» айланган.

Биз бугун ожиз, заиф, бағри эзилган
сен учун,
Бу қадар қонлар тўкилди ул дахлдор
сен учун.

дейди шеър қаҳрамони. «Бу қадар қонлар тўкилди ул дахлдор сен учун». Бундай гапни фақатгина Фарғона эмас, балки бутун Туркистон хусусида ҳам айтиш мумкин эди. Бухорои Шарифнинг 1918—20-йиллар қисматини эсланг. Хевачи?! Муаррихларнинг маълумотларига кўра, 1918 йил 31 январда берилган фармондан сўнг қизил қўшинлар арманларнинг Дашноқсутюм партияси аскарлари билан биргаликда Қўқон мухториятини ҳукуматини йўқотиш учун 5 февралдан бошлаб Қўқонга ҳужум қиладилар. Икки ўртадаги жанглар давомида Қўқон шаҳри уч кун ёнғин ичида қолади ва 10 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлади. «1918 йилнинг бошида Марғилон шаҳрида 7000 га яқин, Андижон шаҳрида 6000, Наманган шаҳрида 2000, Бўзқўрғон ва Қўқонқишлоқ туманларида 4500 га яқин туркистонли ўлдирилади». Неча минглаб одамларнинг очликдан, ночорлик ва зўравонликдан жон таслим этганлари-чи? Ўша йилларда содир этилган ваҳшийлик ва хунхорликларга баъзан ақл бовар этмайди. «Коновалов Бозорқўрғондан кетар экан, — дейди Туркистонда инқилобий ҳаракатнинг таниқли арбоби бўлган Турор Рисқулов, — қўшни Никольское қишлоғидаги русларга Бозорқўрғонни босмачилардан тозалашни топширди ва бу қишлоқни уч ҳафта давомида обдон «тозалашди». Аввалига, шунчаки талон-тарож қилишди, сўнг ҳеч нимани сўраб-суриштирмай отиб ташлай бошладилар: эркакларни босмачиларни қўллаб-қувватлагани учун, болаларни эса бир неча йилдан сўнг босмачи бўлиб етишади, дея ўлдиришди...».

Бундай мусибатли воқеалар учун революцияга «миннатдорлик туйғулари билан тўлган» шеърлар ёзиш керакмиди? «Бузилган ўлкага»нинг илк байтини ўқиймиз:

Эй, тоғларн кўкларга салом берган зўр ўлка,
Нима учун бошингда қуюқ булут кўланка?

Бу «қуюқ булут кўланка» — зўрлик, қўрқинч, ўлка толеидаги қоронғулик тимсоли. Бу кулфатларнинг таъсири шу даражадаки, «Учмоҳларнинг кавсаридек покиза, Садафларнинг донасидек топ-тоза, Салқин сувлар тоғдан қуйи тушаркан», йиғлар ҳолатда:

«Ёв борми!..» деб тўрт тарафни тинглайлар...

Табиатнинг ҳарорати ҳам сўнгандек. Қоронғу тунлар қаъридан ҳазин илтижолар эшитилади. Кўм-кўк, гўзал ўтлоқлар босилган. «Устларида эл эрки ва шижоатини емирувчи зўравонликка қарши чиққан. Бу шеърда ўлка «умидларининг ўлиши», кўзларида оловларнинг сўниши, танларида «қамчиларнинг кулиши»га тоқат эта олмаган улуғ шоирнинг виждон овози янграгандир. Чўлпонни халқ душманига чиқариб, унинг оти бир умр қаро бўлиб қолишини истагувчи кимсалар бугун мана бу саволларга нима деб жавоб беришаркан:

От минганда қушлар каби учқучи,
Эркин-эркин ҳаволарни қучқучи,
От минганда учар қушни тутғучи,
Учар қушдай ёш йигитлар қаерда!

РОСТДАН ҲАМ ҚАНИ ЎША ЭРКИН ҲАВОЛАР? Қани ўша учқур ва ўктам доно йигитлар? Ваъда қилинган бахтиёр келажак, фаровон турмуш, осуда ҳаёт қани? Хотиржамликдан кўра нохотиржамлик, жасоратга қараганда жонсараклик, яшашга нисбатан ўлим имкониятлари кенгроқ-ку, бугун! Нега? Энг ёмони, бу «имконият»ларнинг кундан-кун кенгайиш ва кучайиш хавфидир. Инонинг, дунёнинг оқу қорасини чуқур англайдиган кишилар учун кўчага чиқиш исмсиз азоб ва ранжга айланиб қолган. Гоҳо одамлар гуруҳига эмас, адоват, нафрат, гумроҳлик оқимига дуч келасан. Халойиқ сийратида норозилик, нимадандир аламзадалик, ишончсизлик ҳислари ҳуруж қилиб етибди. Бир-бировни авайлаш, андиша, кечирим, мурувват туйғулари соат сайин камайиб бораётгандек. Сал тортишув, озгина келишмовчиликдан дарҳол нафрат қайнайдики, бу биринчи галда, руҳониятсизлик, ахлоқ қуллигининг натижаси. Узоқ йиллар ёлғон ва алдовлар билан озиқлантирилган, қўрқув ичида кўрқмай турмуш кечирган оломоннинг ўзаро муносабати бошқача бўлиши мумкин эмас. Булар оқибат. Бундай фожиаларнинг сабаблари эса Чўлпон дард билан тасвирлаган вайронкорликлар, хунрезликлар ва забунликларга бориб тақалади.

Оламнинг бош фалсафаси — ЭРК. Бу дунёда ҳар бир халқ ўз юртига ўзи эга, ўзи ҳоким бўлмоғи шарт. Озодлик дегани — ИНСОН. Инсон она Ватанида ҳамма жиҳатдан ўзини озод ҳис қилмас экан, ЭРК тўғрисидаги ҳар қанақа гап қуруқ сафсата. Фақат ҳур элгина юртининг ҳурлигини муҳофаза эта олади. «Бузилган ўлкага» шеъри яратилган даврларда кўнгли «кишанлар бирла» дўстлашган одамларнинг сафи анча кенгайган эди. Эҳтимол, шунинг учун шоир бир қанча долзарб саволларга улуши «ёлғиз қон бўлмиш», танлари таланган, «куч тангриси» иноятидан маҳрум бўлиб қолган ўлкадан жавоб эшитмоқ истайди ва дейди:

Сенинг эркин тупроғингда ҳеч ҳаққи йўқ
хўжалар,
Нега сени бир қул каби қизғанмасдан
янчалар!

Халқни «ҳақир кўрган» бу мустабид «хўжалар» кимлар? Нечун улар эркли кишиларнинг эркига тажовуз ўтказишни касб этишган? Ким уларга ўзгаларнинг ўлкасини «бир қул каби қизғанмасдан» янчишга ҳуқуқ берган? Ахир, инқилоб номи билан шундай қабиҳ ишлар қилинган бўлса, бу жиноят-ку! Гап шундаки, Чўлпонни Октябрь инқилобининг ғаними деб эълон қилганлар ўзлари билиб-билмасдан зулм ва қулликни ёқлаганлар. Ҳақиқатнинг кўзига тик қарай олмасликдан кўп ҳақиқатсизликлар туғилади. Ўтмишни қўя турайлик. Шу яқин йилларда жумҳуриятимизда раҳбар ниқобида иш кўриб, шовинистик сиёсат юргизганлар кимларнинг ворислари? Афсуски, бундай «байналмилал»чиларнинг қаттолликлари туфайли Туркистонда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қон тўкишлар, вайрон қилишлар бўлган. «Ҳар турли қулликларни сиғдирмаган ҳур ўлка»миз-нинг Қўқон мухторияти тугатилишидан кейин кечган бир неча йиллик ниҳоятда қайғули тарихини мукаммал билмас эканмиз, Чўлпоннинг:

Кел, кўзингнинг ёшларини сўриб олай,
Кел, ярали танларингни кўриб олай,
тўйиб олай...

дея Ватанга қилган илтижоларининг моҳиятини тўла тушуна олмаймиз.

О. Шарафиддинов «5 мисралик катта шеърнинг бирон жойида «Фарғона» деган сўз тилга олинган эмас. Бинобарин, шоир шеърда Фарғонани эмас, Шарқнинг бошқа бирон ўлкасини назарда тутган бўлиши мумкин», — дейди. Албатта, «Бузилган ўлкага» шеърини Чўлпоннинг Шарқ мавзуидаги шеърларидан ажратиб бўлмайди. Чунки сарлавҳадан пастда «Шарқ учун» деб ёзиб ҳам қўйилган. Шоир бошқа бир шеърида дейди:

Шарқнинг қайси бурчагига қарасанг,
Йўқлиқ, ўлим, зулм, қарғиш кўрардинг...

ЙИГИРМАНЧИ ЙИЛЛАРДА АЙНИ ШУНДАЙ МАНЗАРА Бухоро, Хоразм, Тошкент, айниқса, Фарғона учун хос ҳаёт манзараси эди. Бундан кўз юммаслик керак. Зеро, тарихнинг нигоҳи очиқ. Бизнингча, «Бузилган ўлкага» шеъри ночор, қашшоқ, мазлум Шарқ қайғусини ифода этса-да, биринчи навбатда, «кўйлаги» қон, юраги қон, вужуди вайрон этилган Фарғона фожиаларининг моҳиятини очади. Шеър Фарғонада содир этилган бешафқат воқеалар, ижтимоий, сиёсий, ахлоқий жиноятлар ҳасратидан туғилгандир. «Гўзал Фарғона» шеъри билан «Бузилган ўлкага» шеъри орасидаги ғоявий-руҳий яқинлик, улардаги баъзи шеърий образ ва сатрларнинг фавқулодда ўхшашлиги ҳам бизнинг даъвомизга бир далил бўлмоғи мумкин. Масалан, «Гўзал Фарғона»да «Кўзларингда ҳеч кўринмас бир олов, бир ўт ёниш», дейилса, «Бузилган ўлкага» шеърида айни шу маъно «Нима учун кўзларингда тутошгувчи олов йўқ» тарзида айтилган.

Нима учун ёвларингни бир замон
Йўқ қилгудай темирли ўч йўқ сенда!

Бу байт билан «Ул баланд зўр тоғларнинг нега тўсолмас ёв йўлин? Йўқмидур ўткир қилич кесмакка ёвларинг қўлин!» сатрлари ўртасида ҳам моҳиятан жиддий тафовут йўқ.

«Ярим оч, ярим яланғоч миллат динга ҳам, санъатга ҳам эга бўла олмайди», — деганди Маҳатма Ганди. Биз наинки моддий жиҳатдан, маърифатда ҳам оч ва яланғоч халқ бўлиб қолдик. Саводи йўқ кишига савод ўргатиш унча қийин эмас, албатта. Саводсиз китобларни ўқиб таълим олган кишиларни илмли, зиёли қилиш ниҳоятда қийин. Уларни тўғри сўзни эшитиш, чин ҳақиқатлар устида мушоҳада юритишга ўргатиш бундан-да мушкул. Тарихга доир китобларнинг аксарияти халқни тарихдан узоқлаштиради. Чўлпоннинг «Бузилган ўлкага» шеърига ўхшаш асарлар ана шу бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилиши билан ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир. Юрак қони билан битилган бундай шеърларни яратмоқ учун фақат шоир бўлиш етмаслигини унутмаслик керакдир.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ

ШОИР ТЎЙИГА ҲОЗИРЛИК

Жумҳурият Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон халқ шоири Шукруллонинг 70 йиллик тўйини ўтказиш бўйича тузилган юбилей комиссиясининг Одил Ёқубов раислигида навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда «Сайланма» асарларнинг дастлабки жилдини тайёрлаш, театрларда драматик асарларини саҳналаштириш, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Адабиёт институтида ва бошқа олий билимгоҳларда Шукрулло ҳаёти ҳамда ижодига бағишланган илмий сессия, учрашувлар ўтказиш, жумҳуриятимиз вилоятларида шоир иштирокида адабий кечалар уюштириш белгиланди.

Шоирнинг тўйи шу йилнинг октябрь ойи охирларида нишонланадиган бўлди.

ДОИМИЙ ҲАМРОҲ

Ўзбекистон халқ шоири Шукруллонинг 70 ёшлик тўйи муносабати билан шу йил мамлакатимиз ва жумҳуриятимиз нашриётларида унинг асарлари юбилей совғалари сифатида нашр этилди.



●

«КРИК ДУШИ». Шоирнинг Москвадаги «Советский писатель» нашриётида босилиб чиққан драматик асарлар тўплами ана шундай деб номланган. Тўпламга драматургнинг ўзбек китобхонларига яхши таниш бўлган, жумҳуриятимиз театрлари репертуаридан ўрин олган «Табассум ўғрилари», «Ўғрини қароқчи урди», «Жанжал», «Унсиз фарёд», «Хатарли йўл» сингари пьесалари киритилган. Адиб бу драма ва комедияларда замондошларимизнинг характерларини кўрсатиш орқали давримизнинг энг актуал ижтимоий ҳамда ахлоқий муаммолари ҳақида баҳс юритади. Ҳаётимиздаги баъзи бир камчиликлар устидан кулади.

Асарларни рус тилига москвалик шоирлар О. Дмитриев, Ҳ. Исмоилов, бошқирд ва татар ижодкорлари И. Каримов, С. Ғаниев ўгиришган. Китоб беш минг нусхада чоп этилган.



Бордию яхшини десанг
ҳам ёмон,
Аминман, топилур сенга
тарафдор.
Дунёда бор экан ҳақиқат,
ёлғон,
Ҳаммага тенг ёқиш
мумкинмас зинҳор.



Шоирнинг Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган «ЯХШИКИ, МУҲАББАТ БОР» деб аталган китоби ана шу мисралар битилган шеъри билан бошланади. Унда шоирнинг кейинги йилларда ёзган шеърлар ва «Унсиз фарёд» номли драматик достони ўрин олган.

Китоб унга кирган асарларнинг мавзуи ва жанрига кўра «Рубоийлар», «Севги оқшоми», «Она дуоси» ва «Драматик достон» каби бўлимларга бўлинган. Яхшиямки, бу дунёда меҳру муҳаббат бор, зотан инсонларни бирлаштириб, дунёни асраб турғувчи ҳам ана шу меҳру муҳаббатдир. Китобга кирган барча асарларни ана шу туйғу ўзаро бирлаштириб туради.

Тўпламга М. Ҳайдаров муҳаррирлик қилган. Расмларни эса А. Бобров чизган.

«АЛИШЕР МИЛЛАТНИНГ ФАХРИ ОЛАМДА...»



Ики пил ўлса Хисрав ё Низомий,
Эрур юз пил чоғлиғ пил Жомий.

Алишер Навоий Низомий Ганжавий, Амир Хисрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ҳақида ўз хамсасининг бешала достонида ҳам фикр билдирган. Ҳазрати Жомий ҳам Туркий хамсанавис шоирни ўзлари даражасида, балки туркий тилда биринчи «қўриқ очгувчи» шоир бўлгани учун, ўзларидан ҳам юқорироқ кашфиёт поясида турганлигини эътироф этади.

Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий «Юсуф ва Зулайхо», «Фарҳод ва Ширин» достонларини деярли бир йилда ёзиб тамомлаганлар. «Фарҳод ва Ширин» достонида Жомийга бағишланган боб ўқувчиларга тўла етиб келган. Аммо Жомийнинг «Юсуф ва Зулайхо»сидаги Низомиддин Мир Алишер Навоийга бағишланган махсус боб шоирнинг 575 йиллиги муносабати билан 1988 йили Душанбанинг «Адиб» нашриётида босилган 4-жилдга ҳам киритилмаган. Бу ҳақда Абдураҳмон Жомий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан Душанба «Ирфон» нашриётида, 1964 йили чоп этилган шоир куллиётининг 4-жилди сўзбошисида шундай дейилган эди: «Юсуф ва Зулайхо» маснавийси ишқий достон бўлиб, аввало анъанавий тарзда ундан сўнг 13 байт сарогоз, худо мадҳи пайғамбар ва унинг ёронлари, меърож баёни, замон тариқати пири Хожа Убайдуллоҳ Нақшбанддан табаррук изламак, шунингдек, замона шоҳи Султон Ҳусайн Бойқаро мадҳи билан бошланган. Сўнг, қаҳрамонларнинг ишқу ошиқлик можаролари муфассал баён этилиб, дўст зикри ва китоб соҳиби шогирди Алишер Навоий билан интиҳо топган.

Тилга олинган мазкур маснавийни бугунги алифбога ўгириб, нашр қилишда, юқорида номлари зикр этилган фасллар, диний характер ва тасаввуфий фалсафий тушунчага эга бўлган, ўз мазмуни ва моҳияти билан бугунги китобхонлар онгини заҳарлайдиган боблар китобга киритилмади ва (...) уч нуқта ишораси қўйилди».

Биз қадимий дўстлик, ташқи кўринишу ички дунёларимиз бирлиги ҳақида, Жомий ва Навоийнинг («сийқаси чиққан», — қайси бир алломанинг таъкиди) дўстлиги ҳақида оғиз кўпиртираяпмизу Навоийнинг 550 йиллигига марҳум Жонибек Қувноқ амалга оширган «Лайли ва Мажнун» достони таржимасини ҳисобга олмаганда эту тирноқ бўлган қардошлигимиз миқёсида қилинган ишлар кам.

Абдураҳмон Жомийнинг 575 йиллиги Ўзбекистонда кенг нишонланди, «Жомий ва Навоий» буклетидан ташқари, шоирнинг беш босма табоқ ҳажмида ғазаллари, ўн беш босма табоқ ҳажмида икки достони «Лайли ва Мажнун», «Саломон ва Абсол» нашр этилди.

Лекин негадир бугунги қайта қуриш ва ошкоралик кенг имкониятлар яратиб берган ҳолда, ўзга боблар киритилиб, «дўст ва шогирди китоб Алишер Навоий» боби тушириб қолдирилган.

Мана форс шоири Абдуллоҳ Ҳотифийнин

Тошпўлат АҲМАД

МАҲМУД ТОРОБИЙНИНГ СИНГЛИСИГА

Бугун тарих қатларидан донгинг излайман,
Жувайний[1]нинг хатларидан номинг излайман,
Гарчи исминг аён эмас... шонинг сўзлайман,
Бухоронинг она қизи — азиз сингилжон.

Гулойимми, Гуласалми, Гулбарчинмидинг,
Мунавварми, Моҳирўйми, Моҳпарчамидинг,
Ким бўлсанг ҳам бир қондошим — чин лочин эдинг,
Бухоронинг она қизи — азиз сингилжон.

Мен ойдан-да, юлдуздан-да изн сўрайман,
Оппоқ-ойдин хаёлларим нурга ўрайман,
Минг йилларнинг эшигидан сенга қарайман,
Бухоронинг она қизи — азиз сингилжон.

Ногаҳоний тиғ текканда Маҳмуд акангга,
Юрагингда пок туйғудан ёқиб аланга,
Қулликка ўт қўймоқ бўлиб ташландинг жангга,
Бухоронинг она қизи — азиз сингилжон.

Тобеликни истамаган мағрур қуш эдинг,
Уйларимда эркаланган ширин туш эдинг.
Ёғийга ўч, дўстларингга ақлу ҳуш эдинг,
Бухоронинг она қизи — азиз сингилжон.

Сен қалбингга «эрк» сўзини битдинг қон билан,
Озодликни тенг кўролдинг тотли нон билан.
Нафас олдинг тўзғин элинг — Туркистон билан,
Бухоронинг она қизи — азиз сингилжон.

То ҳанузким авлодларинг эрк деб курашар,
Бўлинганни бўри ер деб тутақиб яшар,
Бир кун бу юрт яхлит бўлар дея ишонар,
Бухоронинг она қизи — азиз сингилжон.

[1] Жувайний — Маҳмуд Торобийга замондош тарихчи.

ШЎР ҲАҚИДА ШЕЪР

Бухоро заминига қадам қўйган Ф. Хўжаевнинг туркиялик жияни Темур Хўжа бир ҳовуч тупроқ олиб, аввало кўзларига суртди, кейин ўпди.

Бир оздан сўнг у мендан:

— Муаллим, тупроқ дегани ширин бўлмиши керак-ку! Нега бу шўр? — деб сўради.

Олис Туркиядан келган меҳмоним,
Саволинг ёқди-ку бу азиз жоним,
Ёлғон сўзламакка йўқдир имконим,
Дўстгинам, бизлар шўр ялаб юрибмиз.

Кўкларга сачраган дулдул эдик биз,
Бир хушхон, ғазалхон булбул эдик биз,
Бугун тузга тўлган қароқларимиз
Рости гап: бизлар кўр бўлиб юрибмиз.

Инону ихтиёр ўздан чекинган,
Имону эътиқод сўздан чекинган,
Она замин дарди кўздан чекинган,
Рости гап: бизлар ғўр бўлиб юрибмиз.

Бу тупроқ сенга ҳам бегона эмас,
Азиз ота юртинг — Туркистондир, бас.
Қўлни — қўлга берсак... шўрдан ном қолмас,
Шу бахтга умидвор бўлиб юрибмиз.

ШАҲАРЛИК МУСАВВИРАНИНГ ОТАСИГА ИЛТИЖОСИ

Шофирконга мени элтинг, отажон,
Бир кўрайин сиз туғилган қишлоқни,
Гул маконга мени элтинг, отажон,
Кўрай сизни қучган ҳовли-ўчоқни.

Унда яшар экан бобожонгинам,
Хизмат қилиб дуоларин олайин.
Унда яшар экан бувижонгинам,
Ўрнингизга бориб дардкаш бўлойин.

Ўрганайин тандирга ўт қалашни,
Хамир қориб, қаймоқли нон пиширай.
Ўрганайин кўрпачалар қавишни,
Сигир соғиб сутларини шопирай.

Ўтлар солай қўйларнинг охурига,
Улоқчани суғорайин ариқдан.
Бобомларни ўтқазайин сўрига,
Хабар олай жўхоридан, тариқдан.

Намозшомда сувлар сепай ҳовлига,
Чиннигулни аритайин чанглардан.
Сабзи кертиб, олов ёқай паловга,
Куй таралсин капкирнинг жарангидан.

Оқшом чоғи кўчаларда кезайин,
Атрофимга жам этганча қизларни.
Саболарга қулочимни ёзайин,
Томошалар айласин ой бизларни.

Тонгда эса пешвоз чиқай қуёшга,
Чорбоқчада кетмон уриб ишлайин,
Донлар сепай товуқларга, қушларга,
Сўнг палакка гул солишни бошлайин.

Олиб боринг, жон отажон қишлоққа,
Ўзингиз ҳам юрибсиз-ку сарғайиб,
Дала-даштнинг бўйи урсин димоққа,
Қирққа кирмай кетибсиз-ку қартайиб.

Жисмингизни ютди бетон деворлар,
Айри тушдик қариндошу уруғдан.
Хаёлимиз тўсди ғафлат, ғуборлар,
Айри тушдик қувончдану фироқдан.

Олиб боринг, чизайин бир суратлар,
Яшнаб-ёнсин ҳавасларда кўзингиз.
Мен англадим: кенгликдадир ҳайратлар,
Ўша ердан бахтин топар қизингиз!...

Шофирконга мени элтинг, отажон,
Гул маконга мени элтинг, отажон!...

Наргиза РАҲМАТОВА

ОРЗУ

Бу ёш кўксимдаги ўсмир умидим
Тонг қушлари янглиғ чуғурлай бошлар.
Кафтимни очаман: ёғдуга тўлиб
Чўққидан ҳовучга инар қуёшлар.

Дарёлар ҳайқириб оқар бағримда,
Тўлқину юлдузлар кетар қоришиб.
Умидим — кўкдаги ҳув митти юлдуз,
Дарё сувларига юз ювар шошиб.

Нурлар ўйини-ю, биллур томчилар,
Минг хилда товланиб ҳушимни олар.
Тонгда юзин нурга чайган умидим
Қатрагина шеърга айланиб қолар.



Муҳаббатга сиғинаман

ШОИР АЗИМ СУЮН БИЛАН СУҲБАТ

— **Сиз бир неча йил Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ёш ижодкорлар билан ишлаш кенгашининг масъул котиби бўлиб ишладингиз. Аёнки, баркамол ижод манзилини кўзлаган истеъдоднинг бош йўли ҳамиша изланишдир. Ёшлардаги қобилиятнинг униб-ўсиши, кўп жиҳатдан уларнинг изланувчанлигига боғлиқ. Ижодкор сифатида Сиз бу жараён билан қизиққанмисиз? Қолаверса, ёш ижодкорларда у қандай кечади!**

— Ривоятларга кўра, бўзтўрғай саккиз бола очар экан. Шундан еттитаси ўз қавмига тортиб, далаю дашт қолиб, биттаси эса булбул бўлиб боғларга учиб кетаркан. Боғларга етмак йўли — булбулга осон кечмаса керак.

Таъбир жоиз бўлса истеъдод — ўша булбул, истеъдод туғилади. Истеъдоднинг униб-ўсиши, шаклланиши унинг ўзлигини англай билишига, табиий, маънавий, ижтимоий шарт-шароит, муҳит-иқлимга боғлиқ. Булбулнинг эса кушандаси кўп...

Истеъдоднинг ҳам... Аммо истеъдод булбул каби жисмонан ожиз эмас.

Тўғри, истеъдоднинг бош йўли — изланиш. Истеъдод, энг аввало, ўзлигини излайди.

Ижодкор ўз давридан айро яшаши мумкин эмас. Бироқ ижодкорнинг, яъни Истеъдоднинг замондошларидан фарқи шундаки, у ўз давридан илгарилаб кетиши мумкин. Улар етишажак ҳаётда аввалроқ «яшаши» мумкин. Гап шунга келиб тақалаяптики, машҳур фаранг ёзувчиси Антуан де Сент-Экзюпери айтганидек, «ёзишдан аввал яшаш керак».

«Яшаш» дегани — узун йилларнинг кечиши эмас, қисқа умрда жуда «кўп яшаб ўтган» даҳо шоирлар, ёзувчилар, олимлар сон-саноқсиз. Гап «яшаш»нинг, умрнинг самарадорлигида! Умр самарадорлиги эса болалик дунёсининг нечоғлик бой эканлигида, деб биламан.

Ҳозирги ёш ижодкорларимизнинг таржимаи ҳоли ҳақида ҳеч нарса деёлмайман. Бироқ ўз тенгдошларим, яъни эллигинчи йилларда туғилганлар тўғрисида оз-моз бўлса-да, гапиришим мумкин. Асосан қишлоқларда туғилишган. Ўн-ўн бир йиллик чала-чулпа ўқув... пахта далалари. Икки йиллик аскарлик. Дорулфунун: кундузги ёки кечки бўлим. Ёки акси: дорулфунун, икки йиллик аскарлик, иш, редакция-нашриёт оралиғи. Умр ўтаяпти.

1978 йил «Ёшлик баёзи» тўплами нашр этилиб, ундан 48 нафар (аслида улар сони 100 дан ортиқ эди) ёш шоирнинг шеърлари босилган. Шундан айни пайтда еттита-саккизтаси «тирик». Улар ҳам эллик ёшга борганда янада камайишига заррача шубҳа қилмайман. Ҳозир қирқдан сакрашди...

Мана, сиз айтган «жараён». Айтмоқчиманки, адабиёт — истеъдодларники, адабиёт — фидойиларники! Шоир Маъданни саройга таклиф қилишганларида: «Саройга ўзим сиғсам ҳам оҳу фиғоним сиғмайди», деб борманган. Ўйлаб кўринг, нима учун бормаган, қўрқоқликданми? Йўқ!

— **Шоир шахси ҳақида нима дейсиз! Умуман, шеър ҳақида суҳбатлашсак. Давр тақозосими, кейинги пайтлар бу тўғрида кам гапириладиган бўлиб қолди...**

— Профессор Алибек Рустамовнинг хабар беришича, «шоир» сўзининг луғавий маъноси «туйғучи» бўлиб, урфий маъноси «шеърчи»дир. Дарҳақиқат, шоир, энг аввало, туйғу-сезимларга ўз таъсирини йўналтиради. Кейин фикр қўзғайди...

Шоир шахси... Кимдир айтган экан: ҳаёт — театр, инсон — актёр. Шоир ҳам бир актёр-да. Ўзига топширилган ролни ўйнаб ўтади. Лекин қатъий айтишим керак: шоир шахси унинг ёзган шеърларида барибир намоён бўлади. Яъни: юракдаги дард-алам, ғазаб-қувонч, ҳайрат кўзда акс этганидек...

Халқ ичида шоирлар ҳақида, умуман, машҳур кишилар ҳақида хилма-хил ижобий-салбий, телба-тескари, оқ ё қора гаплар кезиб юради. Бу табиий. Шахсан мен ундай-бундай гапларга бироз бепарвоман (буни лоқайдлик деб тушунмаслик керак). Аксинча, «ёзиб енгиш керак!» дея ўйлагувчиларданман. Ахир кимга... нимани исботлайсан...

Бироқ шуни биламанки, шоир ҳамиша ҳалол, донишманд, ҳақиқатпарвар, адолатпарвар, жасур, ғайратли, ватанпарвар кишилар бўлиб келган. Улар тўғрисида қаердадир ҳазиломуз гапирган эдим: шоирлар — оқимга қарши сузишни хуш кўрувчи балиқлардир! Чунки оқим келаётган томонда асл манба бор, поклик, тиниқлик бор, ҳали лойқаланиб улгурмаган умр бор.

Шеър — яратувчисининг ўзи каби қадимий. Биринчи «шеърий хиргойи» ҳам кўнгил майлидан, қалб эҳтиёжидан туғилганлигига заррача шубҳа қилмайман. У бориб-бориб ижтимоий эҳтиёжга айланган. Шеър, қўшиқ айтиб никоҳ кечалари ўтказилган, жангларга кирилган, ғалабалар нишонланган, гўдаклар бешикка беланиб, марҳумлар қабрга қўйилган. Энг кўҳна туркий Шумер давлати харобаларидан қазиб олинган «сопол китоб»ларда шеърий парчалар бор экан. Нуҳ, Гилгамиш ҳақидаги маълумотлар ҳам бизга шеърлар орқали етиб келди. Яқин йилларгача биринчи шоир Ҳомер деб юрар эдик. Бугун маълумки, Ҳомердан ҳам беш юз йил олдин ўтган катта шоир бор экан. Яъни, хетт шоири Киллас.

Ҳар бир халқ шеъриятининг ўз тарихи бор. Лекин, «шеър ёки шеърият тарихи» ҳеч бир халқда системали, мукаммал ишланган эмас. Эҳтимол, бунга эҳтиёж ҳам йўқдир. Бироқ ҳар бир давр фузалоси унга ўзича баҳо берган, назариялар яратган, амалий машғулотлар олиб борган.

Маҳмуд Кошғарий шеърий хусусиятлар ҳақида анча-мунча маълумотлар беради. Демакки, бугунги ўзбек шеъриятининг томирлари асрлар қаърига туташиб кетган. У ўша замонлардаёқ ўз қонун-қоидаларига эга бўлган, маълум шакл-шамойилларни юзага келтирган. Унинг илк ижодчиси — халқнинг ўзи. Халқ ижоди — халқ ҳаёти, тарихининг ойнасидир! Инсон — Ўтмишга суяниб, Келажакка қараб кетаверади!

Умуман, мен учун шеър ҳақида гапириш оғир. Шеър ўқилади, ҳис қилинади, ёд олинади. Назаримда, шеър ҳақидаги «тушунтириш хати» ортиқчадек...

Энди гапимни ўзимнинг қарашларимга «хосу мос» келадиган буюк сиймонинг фикрлари билан якунлайман:

Кайковус: «...шоир бўлишни истасанг, ҳаракат қилки, сўзинг осон ва фойдали бўлсин, англашилмайдиган, қийин сўзларни ишлатмагил, ўзинггина билиб, бошқалар унинг шарҳига муҳтож бўлғудек сўзни айтмагил, чунки шеърни халқ учун ёзиш керак ва ўзи учун ёзмайди. Бир хил вазн ва қофияга қаноат қилмагил, санъатсиз, тартибсиз, шеър айтмагил. Шеърда зарб ва шаклда алъал, яъни вазни тўла бўлса яхши бўлади. Шоирлик қоидасига кўра (шеър ёзишда) санъатдан ғофил бўлмагил», — дейди. Ва тағин кейинроқда «Насрда ишлатилган сўзни назмда ишлатма, негаки наср — раият, назм подшо мартабасидир. Агар бир нарса раиятга лойиқ бўлмаса, подшога ҳам лойиқ эмас».

— **Бугунги ёшлар шеъриятидан кўнглингиз тўладими!**

— Тоғларда бир манзарани жуда кўп кузатганман. Одатда катта, зилол булоқларнинг шундоқ ёнларида тип-тиниқ булоқчалар шилдираб оқиб ётади. Уларга кўп ҳам эътибор берилавермайди. Агар диққат-эътибор берилса, бу булоқчаларнинг ўзларига хос ажиб таровати, нафосати, гўзаллиги катта булоқларникидан кам эмаслиги аён бўлади ва яна қандайдир тарафлари билан кўнгилларга ўзгача сафолик, хушнудлик бахш этиш куч-қудратига, ўзгача ром қилиш салоҳиятига эга эканлигини илғаш қийин эмас. Уларнинг ўз босиб ўтар йўллари, ўз тақдирлари бор.

Абдували Қутбиддин, Эшқобил Шукур, Карим Баҳриев, Фароғат Камол, Абдул Жалил, Ойгул Маматова, Гулчеҳра Муродалиева, Амир Худойберди, Иқбол, Зебо Мирзаева, Зебо Раҳимова, Ғулом Мирзо, Қўчқор Норқобил, Саодат Пўлканова, Хуршида Эшонқулованинг вақтли матбуотда ва нашрлардаги чиқишларини изчил кузатиб келаяпман. Уларнинг бир қисми қишлоқ, туманларда яшашади, у ерларда адабий муҳит, имкониятлар мавжуд деб айтолмайман. Аммо ижодлари билан танишиб чиқсангиз, пойтахтда — «адабий муҳит»да яшаб қалам тебратаётган тенгдошларидан асло орқада қолмаётганликларининг гувоҳи бўласиз. Зеро, шоир шарт-шароит кутиб, имкон кутиб яшолмайди. У ўзига ўзи ҳар қандай муҳитдан имконият яратади!

Ёшларимизнинг барча ютуқларидан кўз юммаган ҳолда бир гапни айтиб қўйиш керак. Аргентиналик машҳур ёзувчи Хулио Кортасар «Адабиёт — энг жиддий ўйин», дейди. Бу ерда «жиддий» деган сўзга эътибор беринг. Бас, жиддий ўйинда жиддий иштирокчи бўлмоқ керак. Бизга «шеър» деб тақдим этилаётган кўпгина тизмаларни ўқиб, ҳафа бўлиб кетасан, киши. Уларда кўнгилга «жиз» этиб тегадиган бирор ташбеҳ ҳам учратолмайсан, Кўпчилиги на назм, на наср. Шеърлар изчил қонуниятлар асосида яратилиб келинган, дедик. Айниқса, Шарқ шеърияти. Шундай экан, элнинг шеърдан кўнглини қолдирмайлик, шеър шеър бўлсин-да! Бир қанча ҳорижий мамлакатларда шеърни «текст» деб атай бошлашди. Шеърнинг прозадан фарқи бўлсин, бўлмаса насрий баён қилавериш керак, уни шеър деб юрмасдан.

Ёки фавқулодда «янгилик» яратиш иштиёқидаги баъзи қаламкашлар «ғунча портлади»га ўхшаш кўп «кашфиёт» қилишди. Тушунаман, лекин бундай сўз қўлланишларини ножоиз деб биламан. Халқ ҳеч қачон «ғунча портлади» демайди. Бу зўрма-зўракилик!

Абу Райҳон Беруний «Ҳикматлар» китобида хабар беришича, «Шарава» деган қандайдир жонивор бўлган. У чақмоқли кунларда чақмоққа сакраб интилиб, беҳудага ҳалок бўларкан. Ёш ижодкор мана шундай қолатдан ҳамиша ўзини сақлай билиши керак деб ўйлайман. Аммо...

Ҳазрат Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»да имконияти бўлиб, лекин ижодда камолотга интилмаган шоирларни қаттиқ қоралаган эди... ва ўйлайманки, бундай қораловларга ёшларимиз изн бермас!

— **Мени кўпроқ ижодкор сифатида ўзбек хотин-қизларининг қисматн, бугуни, келажаги қизиқтиради. Айтайлик, кейинги пайтда биз замонавийликка интилиб, кўп урф-одатларимиздан маҳрум бўлиб қолдик, меҳр-оқибатни йўқотдик. Шарқона ибо, шарқона мардликдан ғарбона «озодлик», «эркинлик»ни афзал кўра бошладик. Бунинг сабабини сиз нимада деб ўйлайсиз!**

— Мен гапни узоқроқдан бошламоқчиман. Чор Россияси «Оқ мачит»ни эгаллагунга қадар халқимиз турмуши, яшаш тарзи, хусусан, хотин-қизларимиз ҳаёти қандай кечган? Бир кўз олдимизга келтириб кўрайлик. Деҳқон далада экинтикини билан машғул. Хотин уйда — рўзғор ишлари, болалари тарбияси билан банд. Чўпон сурувини ҳайдаб қир-адир кезади. Хотин ҳовлисини супуриб-сидиради, болаларини едириб ичиради. Қўни-қўшнилар иноқ-иттифоқ йиғилишиб, олача, гилам тўқийди, кигиз босади, урчуқ йигиради, эрини меҳмон кутгандек кутади. Сарбоз йигит — ҳарбда. Вафодор келинчак унинг ҳақига дуо қилиб, қизлар билан сўзаналар тикишиб, қўшиқлар тўқишиб, омон-эсон қайтишини худодан тилаб, йўлига кўз тутади. Тижорат аҳли «Ипак йўли» бўйлаб дунё кезади, хотин болачақалари билан бош ҳовлиларига қарайди. Оилани саранжом-саришта бошқариб, садоқатпешалик қилади.

Айтмоқчиманки, у пайтларда аёл ўз уйи, «ўлан тўшаги» билан чамбарчас боғланган эди. «Айиқ эди, сайиқ эди, эрим эди. Қинғир эди, қийшиқ эди, уйим эди», деган мақол, эҳтимол, ўша даврлардан қолгандир.

Кўп Шарқ мамлакатлари ўз тарихи, анъаналари, урф-одатлари, расм-русумларидан узилиб қолмаган ҳолда тараққиётга эришди. Аёлни уйдан — оиладан суғуриб олиб, айтайлик, пахта далаларига, завод, турли-туман қора корхоналарга отмади.

Улуғ Туркистон халқи эса шафқатсиз империя исканжасида қолди. Исмоил Ғаспирали ёзганидек, тинчгина қувонч-шодлигию, ғам-ғуссаси, ташвишлари билан ўз кунларига омон халқ асоратга солинди. Тарих гувоҳ: ҳар қандай босқинчи — мустабид ўз билганини қилади. Ўзининг мақсадини «ўлар-тирилариңга қарамай амалга оширади. Имон, диёнат, виждон бир чақа. Ҳаром-ҳаришнинг фарқига бормайди. Гул ҳидлаган тўйдим демайди, ахир!

Қат-қат китобларда ёзилганига ишонадиган бўлсак, ўзбек хотин-қизлари инқилобгача фақат «тўрт девор» ичида қолиб келган. Юртимиз босиб олингандан кейин, эҳтимол, шундай бўлгандир. Номусли эркаклар ҳамма замонларда ҳам ўз «заифа»ларини ёт кўзлардан ҳоли тутишга ҳаракат қилишган. Лекин аввалги тарихимиздан маълумки, хотин-қизларимиз ўрни эркакларникидан баланд турган бўлса тургандир, паст бўлмаган, оилада ҳам, жамиятда ҳам. Ёки улар ўйнаб-кулмаганми? Умри йиғи-ҳасратда ўтганми? Йўқ!

Хотин-қизларимиз турмуши буткул шарқона ўзликка асосланган. Керак бўлса, дунё неъматларидан ҳозиргидан кўра кўпроқ баҳраманд бўлишган. Улар жуда қадрланган. «Менга бу фоний дунёда энг севимли кўринган нарса — аёл кишидир». «Жаннат оналар қадами остидадир», «Аввало онангга, яна онангга ва яна онангга, сўнг отангга яхшилик қил», деган ҳадислар бор. Улар бежиз айтилмаган.

— **Биз етмиш йил ўз камбағаллигимиз билан мағрурланиб яшадик. Чунки бизни шундай руҳда тарбиялашди. Яратаётган моддий бойлигимиздан ўзимиз фойдаланмай, уларни узоқ йиллар мобайнида чўзилиб турган қўлларга тутдик. Моддий етишмовчиликдан жуда хунук иллатлар келиб чикди. Баъзи қизларимиз, аёлларимиз юзидан ҳаё пардаси кўтарилди. Нафақат йигитларимиз, балки аёлларимиз ўртасида ҳам жиноятлар сони кўпайди. Шоир сифатида бу ҳожна Сизни безовта қилмайдими!**

—Камбағалнинг кўрган куни қурсин, деган гап бор. Камбағаллик билан мағрурланиб бўлмайди. Камбағаллик — қанотсиз қуш, парвози йўқ. Бизни кишанга ўргатдилар, қанотсиз учиш мумкин, деган ақида билан алдаб келдилар.

Тўқ оиланинг болаларига қаранг: соғлом, бақувват, чиройли, хушбичим. Камбағал оиланинг болаларига қаранг: касалманд, камқон, камсуқум.

Турли-туман ёлғон ташвиқотлар кимга қаратилган. Халқимиз шуни англаб олиши керак. Ҳар бир сохтакорликка анграйиб ишонавериш лақмаликдир!

Жуда кўп жиноятларнинг илдизи етишмовчиликка бориб тақалади. Тўғри айтдингиз: аёлларимиз ўртасида ҳам жиноятлар кўпайди. Бизнинг жамиятимизда моддий ва маънавий инқироз, айниқса, ҳозир юзага қалқиб чиқди. Хон хонга келиб йиғлар, хон келиб хотинига йиғлар, деган ровийлар. Худди шундай замон бу! Хон қилолмаган ишни хотин қаёқдан қилсин? Дард кўп, ғам кўп, алам кўп. Бир қорнингга йиғлайсан, бир қадрингга. Топган кўрпанг бошингга етса, оёғингга етмайди, оёғингни ёпай десанг бошинг очиқ қолади... Жиноят устига жиноят. Бири ўзига ўт қўяди, бири боласини сувга отади, бири иложсизликдан телба, бири кимдандир қасд олади. Ахир аёл «жони қирқта» бўлса ҳам тош эмас-ку...

Ўтмишда аёлларимиз эрлар каби жасур, довюрак, оқила, бўлишган. Тарихимизда бунга мисоллар истаганингизча топилади. Сфаретра, Тўмарис, Зарина, Бибихоним, Зебунисо, Гулбаданбегим, Нодира, Анбар отин, Қурбонжон додхо...

Битта мисол: милоддан олдинги VI аср ўртасида Эрон шоҳи Кир I саклар билан қилган жанглардан бирида уларнинг ҳукмдори Аморгани асир олади. Воқеадан хабар топган Аморганинг хотини Сфаретра уч юз минг эркак ва икки юз минг аёлдан иборат қўшинга бошчилик қилиб Кирнинг лашкарларини тор-мор этади ва эрини тутқунликдан озод қилади.

Усома ибн Мунқизнинг «Ибратли китоб»ида эса бир шарқ аёлининг жасурлиги қуйидагича тасвирланади:

«...Матоларингиз борми? — сўради душман қаршисига тик чиққан Аёл.

— Матони нима қиласан? — масхаралаб кулишди ёвлар.

— Сизларга кафан тикаман! — деди Аёл».

Ёки оқила қиз ҳақидаги сабоқни эшитинг:

«Она ёлғиз ўғлининг раъйини қайтармай, у айтган қизни сўроқлаб унинг уйига борди, топди ва улар ўртасида қуйидаги синов савол-жавоби бўлиб ўтди:

Она: — Э, қизим, қишда кимимсан? Ёзда кимимсан? Кузда кимимсан?

Қиз: — Қишда — ўчоғингизман, ёзда — қувватингизман, кузда — файзи баракатингизни йиғиштиргувчингизман.

Она: — Э, қизим, отанг уйи нимангдур?

Қиз: — Э, онажон, туғилиб дунёни кўрган панжарамдир.

Она: — Қизим, сенинг супургинг қаерда туради?

Қиз: — Она, супургим азонда ва кун ўртасида қўлимда, кеч — оқшом оёғим остида бўлади.

Она: — Отанг қаерга кетди?

Қиз: — Отам беш сўмга беш юзни алмаштиргани кетди (изоҳ: беш сўмлик қуённи тутаман деб, беш юз сўмлик отни миниб овга кетди, эҳтимол, от ишдан чиқар деган).

Она: — Қизим, онанг қаерга кетди?

Қиз: — Онам ўликни тирилтиргани кетди (яъни азага демоқчи).

Она: — Баракалло, она сутинг, ота нонинг ҳалол, қўшганинг билан қўша қаригил, овмин!»

Шундай қилиб она ўша донишманд қизни ўғлига олиб берган экан.

Ҳозир ҳам жасур, оқила аёлларимиз жуда кўп. Улар қайноқ давримиз дарёсида гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай турли-туман жабҳаларда хизмат қилишаяпти.

Ўзимга келсак... «Аёл» деган достон устида ишлаяпман. Битиб қолар. Кўрамиз...

— **Ҳукмдор аёллар ҳақида гапириб ўтдингиз. Бизнинг асримизда ҳам Индира Ганди, Беназир Бхутто, Тэтчер каби аёллар улкан давлатларни бошқаришди. Замонамизнинг ўзбек аёллари ўртасида ҳам давлатни бемалол идора қила оладиган, халқи учун жонини фидо қила оладиган аёллар етишиб чиқишига ишонасизми!**

— Ҳа, бир пайтлар бутун бир давр — она хоқонлик деб аталган. Шарқда ҳукмдор аёллар кўп ўтганлиги ҳам рост. Лекин уларнинг барчаси барибир эркаклар тасарруфида бўлган. Аёл аёл-да... У она, кўнгилчан, шафқатли... тахт устида эса одам одамга бўри! Умуман, сиёсатда шундай!.

Замонамизда аёллар ҳукмдорлиги энг ривожланган, ўта маданиятли жамиятда бўлиши мумкин.



Яқинда бир эски танишимни учратиб қолдим. Кўп йиллар район партия қўмитасининг учинчи котиби бўлиб ишлаган. Гапдан гап чиқиб, «тушунадиган одамсиз-ку» деб юрагини ёзиб қолди.

Айтишича, ҳали институтни битирмасданоқ «ёш, чиройлисиз, аппаратга сиздек қизлар керак» деб ишга олишибди. Бирдан «катта» бўлиб кетган қиз... ундан-бундан келган совчиларни назар-писанд қилмай, қувиб солибди. Бирор йигит журъат қилиб гап қотса, муносиб кўрмабди. Бора-бора одамлар унинг қизлигини ҳам унутиб қўйишибди. Шу-шу турмушга чиқолмабди, тоқ ўтаётган экан.

«— Мана, ёшим ҳам қирқдан ошди, — дейди у чуқур уҳ тортиб, — бир оилани гуллатиб-яшнатишим мумкин эди. Болаларим бўлишини бирам истайманки, уларни фақат тушларимда кўраман...»

Ёки янада сиз айтмоқчи давлатни бемалол идора қила оладиган» ҳукмдорликка интилаверсангиз... Йўлдаёқ «улоқ» қилиб кетишади. Оила ҳароб, гап-сўздан ер силкинади. Эр — инфаркт, бола-чақанинг юзи шувут. Қариндошлар борида «ҳа-ҳа», йўғингда қорасини ҳам кўрсатишмайди.

— **Нима, сиз хотин-қизларнинг ўқиш ва хизмат қилишларига қаршимисиз!**

— Йўқ, йўқ, мени тушунмадингиз. Хотин-қизларнинг ўқиши, маърифатли бўлиши ҳам қарз, ҳам фарз. Бу ҳақда «Муошарат одоби» номли китобнинг муаллифи Олимат ул-Банот ғоят оқилона ёзади: «...Дунёда мавжуд бўлган инсонларнинг ярми хотунлардур. Оиланинг бахту саодати ҳам хотунларнинг ақллилиги-ю илмли бўлмоқларига боғланмишдир. Хотунлар яхши тарбияли болаларни етиштирурлар. Уларнинг тарбиялари орқали дунёда улуғ зотлар етишиб чиқиши муқаррардир.

Агар хотун ўқиган бўлса, ўзининг ким эканлигини, вазифаси нимадан иборат эканлигини шак-шубҳасиз билади. Болаларини эса гўзал тарбия қилади, эри билан яхши муомалада бўлади...»

Бу донишманд аёл сўзларига мен яна нима қўшимча қилишим мумкин?

Хотин-қизларимиз ўзларига муносиб ишларда хизмат қилсин. Ўзини ўтга ҳам, сувга ҳам уравермасин! У, энг аввало, Она эканлигини — алла айтишни, бешик тебратишни, боласини ювиб-тарашни, гулдай парваришлашни, уйини супуриб-сидиришни, таом тайёрлашни, қозон-товоғини... унутиб қўймасин. Бир сўз билан айтганда, оиланинг асоси — ўзи эканлигини ёдидан чиқармасин!

— **Мамлакатимизда бир йилда миллиондан ортиқ оила ажрашиб, 350 мингга яқин бола тирик етим бўлиб қолмоқда экан. 1940 йилдан 1980 йилгача Иттифоқда ажралган оилалар сони 4,5 марта, жумҳуриятимизда эса 1960 йилдан 1987 йилгача 10 мартага кўпайишини қандай изоҳлаш мумкин!**

— Бизнинг жамиятимизда оиланинг пойдевори йўқ, бузиб ташланган. У «мен сендан камми?» деган рўёга қурилган. «Тенг ҳуқуқлилик» деган гап нисбий тушунча. Эр билан хотин, умуман, инсон ҳеч қачон теппа-тенг бўлолмайди. Фақат қалбан, ўзаро муносабатда тенг бўлиши мумкин.

Юқорида келтирилган фактлар фожиаси — «тенг»лик талашишлар «самара»сидир. «Оила қуришлик — нина учида қаср қуриш билан тенг» эканлигини буткул унутишлар оқибатидир. Менинг бу шахсий фикрларим эру хотинга баббаравар тааллуқлидир.

— **Сизнинг «Улдирсанг ҳам, ўзинг ўлдир, муҳаббат!» номли жуда гўзал, мухлисларингизга ёд бўлиб кетган туркумингиз бор. Агар сир бўлмаса, унинг яратилиш тарихидан ўқувчиларни хабардор қилсангиз!**

— Мен муҳаббатга сиғинаман. Муҳаббат мен учун узоқдан кўриниб турғувчи машъал эмас, қўлимда чирок! Сиз айтган туркум — муҳаббатим маҳсули!

Суҳбатни Матлуба АЗАМАТОВА олиб борди.

Иброҳим РАҲИМ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ШИМОЛ ДЕНГИЗИДА ЎЗБЕК ТЎЙИЛАРИ

БЕШ ОКЕАН СУВИНИ ТЎЛҚИНЛАНТИРАЁТГАН ШИМОЛИЙ ҲАРБИЙ ДЕНГИЗ ФЛОТИДАН РЕПОРТАЖ

ЮРТИМИЗНИ УММОНҲАР ВА ДЕНГИЗЛАР томонидан ҳимоя қилувчи Шимолий Ҳарбий денгиз флотида беш кечакундуз ўзбеклар тўйи бўлди. Ҳарбий кемаларда, флот штабида СССР Давлат байроғи, денгизчилар жанговар тўғи қаторида Ўзбекистон ССР Давлат байроғи ҳам ҳилпираб турди, ўзбекча нутқ, ўзбек карнай ва сурнайи, торию доираси янгради. Североморск соҳилларида ўзбек паловининг лазлатли ҳиди анқиди. Бу тўй тафсилотларини бир бошдан баён қилгим келди.

Шимолий денгиз флоти қадимдан ўзбек халқи билан биродарлашган флот. Урушдан аввал, уруш даврида ва ундан кейин флот сафида минг-минглаб ўзбек йигитлари хизмат қилганлар, ҳозир ҳам унинг таркибида тўрт ярим минг ҳамюртимиз муттасил хизмат қилмоқда. Қўмондонликнинг айтишича, асосий қисмда ўзбеклар руслардан кейин иккинчи ўринда туришар, жанговар ва сиёсий тайёргарликда биринчилар қаторида эканлар.

Шу боисдан Ўзбекистон Олий Кенгаши, унинг мудофаа, давлат хавфсизлиги ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари қўмитаси олис-олисларда ҳарбий хизматини ўтаётган йигитларимиз билан юз кўришиб, ҳол-аҳвол сўраб келиш, уларга она юртларидан совға-салом етказиш учун ўз вакилларини юборди. Депутатлар, жамоатчилик вакиллари, санъаткорлару қаламкашлар Заполярьега Ўзбекистон қуёшини олиб борди. Бу сўзларда лоф йўқ. Об-ҳавонинг йиллик ўртача даражаси нулдан паст бўлган булутли Заполярьеда борган кунимиздан то қайтгунимизча қуёш кулиб, денгиз сувини илитиб, одамларга ўзбеклар қалб кўрини инъом қилиб турди.

Сафар тараддуди анча аввалдан бошланган эди. Шимолдаги йигитларимиз ҳузурига бориш дарагини эшитган жамоалар шимолда танқис бўлган, жаннат маконимизда битган ёз ноз-неъматларини — олтин ранг ҳусайни, фаришта кўзидай чарос, тил ёргудай ширали қовун, қучоқ етмас тарвуз, турли-туман олма-ю шафтолилардан совға тайёрладилар. Совғалар саломи билан денг: олисдаги ватандошларга қалб кўри билан битилган саломномалар ҳам қат-қат эди.

Флотга Ўзбекистондан меҳмон келаётганини эшитган ҳарбий мезбонлар икки ҳарбий учқични жўнатдилар. 26 июль тонгида Тошкентдаги тайёрагоҳда қўнган «пўлат қуш»ларга жойланаётган «юклар» мутлақо бошқача юклар эди. Аввал қора уйдай қорақозонларни, кейин қопларда, яшикларда алланималарни юкладилар. «Палов масаллиғи», дедилар ҳайрон бўлган лочинларга. Бир зумда ҳарбий машина ишини жаннатий ажиб хушбўй қоплади.

Ҳарбий учқичлардан ўрин олган «десант» ҳам учувчилар назарида гўё «фариштлар десанти» эди. Хипча бел, нозик бадан, узун соч, қора кўз қиз-жувонлару бугдой рангли зиёли йигитлар ўз «қуроллари» билан... Қуроллари ҳам ўзгача... яъни чолғу қуроллари.

Улар тушундиларки, шимолий флот меҳмонлари катта тўй қилгани боряптилар. Демак, бу йилги СССР Ҳарбий денгиз флоти куни Шимолий денгизчилар юртида оламшумул байналмилал тўйга айланади...

ЎЗБЕК ҲАРБИЙ ДЕНГИЗЧИЛАРИ хизмат қилаётган ҳамма кемаларда яхши гаплар эшитдик. Мўмин, аммо дадил, эгилувчан, лекин мустақил, кўринишида бўшангроқ, бироқ иши пухта ўзбек матрослари тарбиячиларни бебошлик, шўхлик қилиб унча ташвишга солмаётган эканлар.

Бизни флот адмирали Горшков номидаги замонавий крейсер каюталарига жойлаштирдилар. Матросларнинг шодлиги чексиз эди. Қувончи қалбига сиғмаган барваста, бақувват, қорача, қора кўз йигитлар ҳар биримизни қучоқлаб, ўпади, ўз жигаргўшаларини кўргандек тикилиб тўймайди, тўп бўлиб «суратга тушайлик, руҳсат этинглар», деб илтимос қиладилар. Кўпларимиз гуруҳ-гуруҳ бўлиб суратга тушишдан чарчадик. Айниқса, севимли шоиримиз Абдулла Орипов, хизмат кўрсатган артист Теша Мўминов, раққосаларни бир дақиқа ҳам холи қўйишмади. Китобларга дастхат олувчилар худди магазинлардаги навбатларни эслатарди.

Ўзбекистон кунлари шимолий денгиз флотининг «Адмирал Горшков» крейсеридан бошланди. Крейсер «дарвозаси»да ва кўзга кўринарли жойларда «Ассалому алайкум, азиз меҳмонлар!» деган ўзбекча ёзувлар кулиб турарди. Ҳар жойҳар жойда «Хуш келибсиз!» деган ўзбекча сўзлар янграрди. Крейсернинг жанговар самолётлар учириладиган палубасида кема матрослари ва Ўзбекистон кунларининг очилишига келган бошқа ҳарбий кемаларнинг экипажлари саф тортдилар. Улар орасида Ўзбекистондан ҳарбий денгиз хизматига чақирилган матрослар кўзлари чақнаб турардилар.

Крейсер командири биринчи ранг капитани Евгений Соломенцевнинг «Ўзбекистон Совет Социалистик жумҳурияти давлат байроғи кўтарилсин!» деган буйруғи янграйди. Байроқни кўтариш биринчи даражали старшина Умаров ва матрос Куликовга топширилади. Сўнгра Ўзбекистон кунлари очилишига бағишланган қисқа митинг бўлди. Унда офицер Н. Ратушняк билан Ўзбекистон вакилларининг раҳбари — жумҳурият Олий Кенгашининг мудофаа, давлат хавфсизлиги ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш қўмитаси раиси В. Ниёзматов нутқ сўзладилар.

Крейсернинг самолёту вертолётлар сақланадиган баҳайбат қўналғасида бўлиб ўтган мажлисни флот ҳарбийсиёсий бошқармасининг бошлиғи, вицеадмирал А. Селиванов очди. У сўзини ўзбекча бошлаб, охирини ҳам ўзбекча билан якунлади.

— Экипажимизда 37 миллат вакиллари хизмат қилади. Энг кўпи ўзбеклардир. 171 бугдойранг, қора кўз йигит жанговар постларда барча ўқув-жанговар вазифаларимиз муваффақиятли ҳал қилинишини таъминлаб турибдилар. Шундай баҳодирларни совға-салом билан кўргани келганларингиз, биз билан байрам қилаётганларингиз учун минг раҳмат, — деди маърузачи, иккинчи ранг капитани, крейсер командири Соломенцов — Халқингизга баралла ва қувонч билан айтинглар, ўзбеклар шундай йигитлари билан фахрлансалар арзийди.

Вилор Ниёзматов 53 офицерни қатор қилиб, ҳаммасига дўппи кийдирди. Албатта, биз ёзувчилар — мен ва Абдулла Орипов ҳам жим ўтирмадик. Юртдошларимизга ўзбек адабиёти, Ўзбекистон ёзувчиларининг бўлажак қурултойига тайёргарлик ҳақида, ўз ижодимиз ҳақида ҳисобот бердик, дастхат битилган китобларимизни инъом этдик. Учрашувларимиз кўп жойларда китобхонлар конференциясига, ҳатто адабиёт байрамига айланиб кетди.

Шимолий флотда хизмат қилаётган ўзбек матросларининг кўпчилиги комсомол аъзолари экан. Ўзбекистон Комсомоли Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби Игорь Бибиков марказқўм қарорига асосан илғор комсомол матрос, старшиналарга фахрий ёрлиқлар топширди.

Учрашувни ўзбекча рақслар, карнай-сурнай, доира, рубоб садолари янада файзли қилди. Йигитлар, офицерлар жим туролмадилар, санъаткорларга қўшилиб рақсга туша кетдилар, капитанлару адмираллар ҳам, ҳар ким билганича, қўлидан келганича, дўппи кийиб, ўзбекча рақсга тушди. Ҳарбий кема рақс майдонига айланди.

●

28 июль куни эрта тонг денгизда ҳарбий кемалар, қирғоқда ҳарбий денгизчиларнинг фахрий қоровули саф тортиб турарди. Роса соат 10 да Қизил байроқли Шимолий ҳарбий флотда жанговар намойиш бошланди. Североморск рейдида саф тортган ҳарбий кемалар томон жанговар катерлар жадал сузиб борарди. Қаршимизда ажиб манзара; сув ости кемалари, крейсерлар, эсминецлар — флотнинг қудрати салобат тўкиб турарди. Палубаларда экипажлар саф тортган. Улар ўқув машғулотларида, узоқ юришларда беш уммон сувини тўлқинлантирган ўз ишининг моҳир усталаридир. Уларни табриклаб, адмирал Громов намойиш иштирокчиларига қарата нутқ сўзлади. Шу аснода кемаларда беҳисоб юлдузлар порлади.

Ҳарбий сув спорти сайили ҳаммани ром этди.

Сувдаги томошалар қирғоққа кўчгач, матрослар ансамбли ажойиб концерт кўрсатди. Ўзбекистондан борган «Олтин водий», «Паркент гуллари» ансамбллари даврага тушганида эса қарсаклардан ҳаво ларзага келгандай бўлди...

Байрам шаҳар бошига кўчди.

Североморск шаҳар маданият ва истироҳат боғи марказидаги майдонда эрталабдан учта қирқ қулоқлик дошқозон қайнади. Уларда икки минг кишилик ўзбекча палов пишмоқда эди. Шаҳар аҳолиси қозонларни ўраб олиб, тўй оши қандай тайёрланишини томоша қиларди.

Палов дамланган, карнай жар солиб, ҳаммани ошга чорлади, сурнайчилар наво чалиб, одамларга иштаҳа тиларди. Раққосалар рақсга тушдилар. Шимолий флотда эълон қилинган Ўзбекистон кунларининг шаҳар аҳолиси иштирокидаги тантаналари бошланиб кетди.

— Ёпасига ўзбек паловига марҳамат! — деб эълон қилди Ўзбекистон ССР халқ депутати, Тошкент тумани Кенгашининг раиси Рустам Акбаров.

— Кеп қолинг, еганлар дармонда, емаганлар армонда, — деди ошпаз Жалил Қодиров. Одамлар саф тортиб ўз идишлари билан қозонлар олдига келдилар. Идишлар махсус тайёрланган эди. Ҳамманинг қўлида салафан ликоп, картон қошиқ... Ошпазларнинг қўли-қўлига тегмасди: Кеп қолинг! Ўзбек қозонида Ўзбекистон масаллиғидан пишган танга дармон паловдан еб қолинг!».

Бундай манзарани Североморск аҳолиси умрида биринчи бор кўриши эди. Ҳаммасининг юзидан табассум, лабидан кулги, оғзидан миннатдорчилик сўзлари аримасди.

Североморскликларни қўл қовуштириб паловга таклиф қилган ва ошхўрларни табассум билан хуш кўрдик, деб кутиб олган Ўзбекистон ССР халқ депутати, байналмилал жангчи А. Абдумажидов, Карл Маркс номидаги жамоа хўжалиги раисининг ўринбосари У. Раимов шаҳар фуқароларига, айниқса, болаларга таниш кишилар бўлиб қолдилар. Бу ерда чиқадиган барча рўзномалар «Заполярьени Тошкент қуёши ёритяпти ва иситяпти» деб ёздилар.

БИЗ ТЎРТ ГУРУҲГА бўлиниб, флот кемаларига йўл олдик. Ҳамма жойда Ўзбекистон кунларига оид шиорлар, ўзбек тилидаги табрик ёзувлари кўзга ташланарди. Энг қувончлиси, меҳмонларни кутиб олувчи офицерлар ҳам салом-алик ва хайр-хўш муомалаларини ўзбек тилида гапиришга уринардилар. Талаффузи унча қовушмаса ҳам, шу тилда гапиришга интилиш бизни шод қилди.

Олий Кенгаш ходими Ўткир Пўлатов, шаҳар Кенгаши раисининг ўринбосари Анна Гончарова жумҳуриятда хизмат кўсатган артист Теша Мўминов ва ўн нафар раққосалардан иборат учинчи гуруҳ, билан Шимолий флот сув ости кемаларининг манзилгоҳига бордим. Бу жанговар қайиқларда ҳам ўзбек йигитлари бошқа миллат фарзандларига қараганда анча кўп экан. Улар бизни кўриб беҳад қувониб кетдилар. Қўқонлик, қувалик, хоразмлик, қашқадарёлик матрос йигитлар билан юракдан суҳбатлашдик.

— Қуруқликда уммонга, иссиқ жойдан совуқ ерга келгансизлар, хизматлар қалай кетяпти?

— Ўрганиб қолдик. Қайиқларимизнинг ичи иссиқ,— деди қувалик Эркин Норматов.

— Ташқарида кам бўламиз-да... — деди боғотлик Ўринов. — Хизмат дастлаб қийин бўлди. Ҳозир ўрганиб кетдик.

Қўқонлик Одил Ўрмоновдан «Кўп миллатли экипажларда хизмат қиляпсизлар, сизларда ҳам миллий низолар бўлиб турадими?» деб сўрадим.

— Бошқа жойларда, эҳтимол бордир. Аммо бизда йўқ, ҳаммамиз аҳилмиз.

Наманганлик Муродулло Акбаров қўшимча қилди:

— Бизга ҳеч ким теголмайди. Журъатимиз етарли.

Суҳбатимизни тинглаб турган офицерлардан бири биздан «Сув ости қайиғининг ичига кириб кўрасизларми?» — деб сўради. «Кирамиз!» дедик. Бир киши зўрға сиғадиган люкдан торгина қувур нарвон орқали қаватма-қават пастга тушдик. Ўргимчак уясидай сим тўрлар, каваккандиклар, турли схемалар. Постларда жуфт-жуфт вахтачилар.

Жавлон Ҳайитов билан Анвар Жалилов икки йилдан буён бир нуқтада жанговар постда туришади. Иккаласи ҳам флотнинг аълочилари. Шу ерда улар билан суратга тушдик. Бироқ узоқ гаплашолмадик: ўқув режасига кўра, машқлар бошланиб қолди, кемадан ташқарига чиқдик.

Қуруқликда яна матрослар қуршовида қолдик.

— Мени танимадингиз-а, Иброҳим ака! — деди бир йигит кулиб. — Мен ҳамюртингизман. Қувага борганингизда кўришганмиз. Китобларингизни ҳам ўқиганман. Исмим Эркин, фамилиям Норматов.

Қайтадан қучоқлашиб кўришдик. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Жумҳуриятимиздаги аҳвол, қуваликлар ҳаёти хусусида суҳбатлашдик.

— Бозорларда нима арзону, нима қиммат? — деб сўради у.

— Мева-чева мўл, нархи қимматроқ.

Қиммат бўлса ҳам, бори яхши. Бу ерда эса ҳеч нарса унмайди, картошканинг ҳам қуритилганини ивитиб берадилар.

— Емак-ичмакларингиз қалай?

— Тўрт маҳал тўйиб таом еймиз. Устимиз иссиқ. Мана, Ўзбекистон мевасига ҳам оғзимиз тегди.

Денгизчилар клубига чорлаб сигнал бердилар, учрашувга кетаётиб сўрадим:

— Бу ерда қуваликлар кўпми?

— Анчагина, 120 ўзбек йигити бор, шуларнинг учдан бири фарғоналик. Тез-тез тўпланиб палов қиламиз, «Гап еймиз». Масаллиғини уйдан почта орқали оламиз. Бу ерда сабзи-пиёз ўсмайди, бозорлардан ҳам топилмайди.

Сув ости жанговар қайиқлари денгизчилари — ўзбек йигитлари клубда жам бўлишган экан, қисқа учрашувдан сўнг командирларга ўзбек сарполари кийдирилди, матросларга дастурхон ёзилди...

Бизни афсонавий қаҳрамон сув ости қайиғига таклиф этдилар. Неча уммон ва денгизлар остини кезиб чиққан, Улуғ Ватан уруши йиллари 12 жанговар юришда 17 марта ғалаба қозониб, душманнинг 13 жанговар кемасини сувга ботирган бу сув ости гиганти ҳозир музейга айлантирилган. Унинг экспонатларида жамики Шимолий денгизчилар жасорати ўз ифодасини топган.

Қаҳрамон шаҳар Мурманскда баландлиги 75 метрлик, афсонавий қаҳрамон Алёшани эслатувчи ҳайкал тикланган. Энг баланд чўққисидаги ҳайкал Заполярье ҳимоячиларига ёдгорликдир. Унинг пойига Ўзбекистондан олиб борган гулдастамизни қўйдик. Узоқ шимолда атиргул ўсмас экан. Ўзбекистон атиргулларининг хушбўй ҳиди шабадада узоқ-узоқларга таралди.

Бизни Қуёшли Ўзбекистонга яқин қилиб қўйдингиз, — дейишди Шимол денгизчилари.



Толиба—91. С. МАҲКАМОВ олган сурат

БИР ЙЎЛА ИККИ ОЛИЙГОҲГА...

Шаҳар кўчаларида одамлар яна сийраклашиб қолди. Ғалвир сувдан кўтарилиб Олий ўқув юртларида сокинлик бошланди. Кимдир хурсанд, кимдир эса «ҳақиқатнинг йўқлигидан», «ноҳақликлардан» нолиб уйларига қайтишди. Хуллас, Олийгоҳлар ҳаётида бир йилда бир марта бўладиган энг ташвишли кунлар ортда қолди.

Хўш, бу йилги қабул мавсуми қандай ўтди?

Маълумки, шу йилдан бошлаб Олий ва ўрта махсус ўқув юртларига киришда бир қанча янгиликлар жорий қилинган эди. Шулардан бири, абитуриентга бир йўла бир неча билим масканига ҳужжат топшириш ҳуқуқи берилганди. Лекин негадир бу янгилик жумҳурият тимизда яхши ташвиқот қилинмади. Шунинг учун ўз кучини икки ёки ундан кўп олийгоҳда синаб кўрганлар кам бўлди.

Шу ерда бир савол туғилади. Хўш, бу янгилик керакми? У бирор бир яхши натижа беришига ишонса бўладими? Менимча, керак. Биринчидан, ўқувчида ўз билими, савиясини синаб кўриши учун имконият яратилади. Иккинчидан, одамлардаги «Олийгоҳларга фақат пул билан кириш мумкин, минг билимли бўлсанг ҳам барибир йиқиласан», деган тушунчага зарба беради. Мен олийгоҳларда порахўрлик йўқ деган фикрдан мутлақо йироқман. Лекин билимли ўқувчи ҳам барибир йиқилиб кетади, деган гапга ҳам унча қўшилмайман. Мана бир мисол. Пахтачилик Номозова деган қиз бу йил бир йўла Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика факультетига ва Тошкент муаллимлар олийгоҳининг филология факультетига ҳужжат топширган эди. Бунн қарангки, имтиҳонларни ҳар иккаласида ҳам муваффақиятли топширди, толибаликка қабул қилинди. Энди қайси олийгоҳда ўқишни толибанинг ўзи танлаши лозим. Кўриниб турибдики, билимли ўқувчини ҳеч ким йиқитолмайди. Ҳар қандай тўғоноқлар ҳам унинг йўлига ғов бўла олмайди.

Ўтган йили мен ҳафталигимизда Олий ўқув юртларига киришда афғон уруши фахрийларига бериладиган имтиёзларга қарши эканлигимни айтган эдим. Орадан беш-олти ой ўтиб, афғон уруши иштирокчиларидан бири (исми-шарифи эсимда йўқ) «Халқ сўзи» рўзномаси орқали менинг фикримга эътироз билдирди. Лекин мен ҳали ўз фикримдан қайтганим йўқ, қайтмоқчи ҳам эмасман. Олий ўқув юртларига киришда ҳеч кимга, ҳеч қандай имтиёз берилмаслиги шарт. Бизга уруш фахрийларидан чиққан мутахассислар эмас, билимли, ақлли, ишбилармон мутахассислар керак. Менинг афғончиларга мутлақо хусуматим йўқ. Уларни ҳурмат қилайлик. Уларга моддий, маънавий ёрдам берайлик. Навбатсиз уйини таъмир қилдирайлик, ногиронларга бепул аравачалар совға қилайлик, лекин олийгоҳларга киришда имтиёз ўринли эмас. Ахир, афғонда жанг қилганларнинг ҳаммаси ҳам билимли эмас-ку? Имтиёз билан ўқишга кирган, аммо бу соҳада лаёқатсиз врач, ҳуқуқшуносга эртага қандай қилиб инсонлар тақдирини топшириш мумкин?

Рўзномаларда, радио ва ойнаи-жаҳонда бир неча бор танқид қилинишига қарамай, ҳамон кириш имтиҳонлари ёпиқ эшиклар ортида ўтказиляпти. У ерга ҳеч ким киритилмайди. Наҳотки, имтиҳонга уч-тўрт ота-она, депутат ёки журналист кириб ўтириши мумкин эмас.

Менимча, бу масалалар ўрганиб чиқиладиган, қабул қилишнинг янги низомлари ишлаб чиқиладиган вақт етди.

Б. ЭГАМҚУЛОВ

МУҲАММАД АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ СУВРАТИ ВА СИЙРАТИ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РАҲИМ

Сир эмаски, биз на атеист ва на ҳудожўй бўлиб ўсдик. Тарихни, маданиятни, илмни, хусусан, ислом илмини биладиганлар тобора камайиб борди. Ислом маданияти ва илми ҳақида эса Мец, Голдциер, Массе сингари хорижлик олимлар, айрим рус шарқшуносларн асарлари орқали хабар топдик. Ҳатто XX асрда яратилган «Ислом қомуси» каби оламшумул нашрларни ўқишдан маҳрум қилиндик. Ҳолбуки, боболаримиз жилджилд ўлмас тарихий, фалсафий, диний-ахлоқий китобларни бизга мерос қолдириб кетганлар. Бу теран маъноли китоблар Европада жуда машҳур, улар аслича ва турли тилларда қайта-қайта нашр этилиб келинмоқда. Юртимизда эса бунинг тескариси бўлди. Мана, энди-энди фикрий ҳурлик насимлари эса бошлади. Натижада маданий меросимизнинг кўплаб дурдоналари халқимизга қайтарилмоқда. Донишманд боболмиз, улуғ муҳаддис Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг «Шамоили Муҳаммадийя» асари шулардан биридир.

Имом Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн аз-Заҳҳок ас-Суламий ал-Буғий ат-Термизий мусулмон дунёсида ва жаҳонда буюк муҳаддис, мутафаккир, маърифатпарвар аллома сифатида шуҳрат қозонган. У кишининг ўлмас асарлари чет мамлакатларда кўп бора босилган. Бизда, Ўзбекистонда эса, янглишмасак, биргина асари — «Шамоили Муҳаммадийя» нашр этилган. Ана шу китоб имом ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан ўтган йили Тошкентда араб ёзувида қайта нашр қилинди. «Шамоили Муҳаммадийя»ни Саудия Арабистонида яшаган ватандошимиз Саййид Маҳмуд Тирозий Олтинхонтўра араб тилидан ўзбекчалаштирган. (Баъзи олимлар бу кишининг тахаллусини Тарозий деб ёзадилар.) Яқинда бу нодир асар «Меҳнат» нашриётида «Ижод» давлат кичик корхонасининг молиявий иштироки ва буюртмаси асосида ҳозирги ўзбек ёзувида 100 минг нусхада чоп этилди. Нашрда «аслий таржима тили сақланиб қолган бўлса-да, баъзи тушуниш қийин бўлган арабча ва форсча сўзларга изоҳ» берилган. Бу туркий таржимани асли арабча қўлёзмаларга таққослаб ҳозирги ёзувимизга кўчирган арабшунос олим Масъудали Ҳакимжоновнинг «Муқаддима»да таъкидлашича, мазкур нашрда диний бошқарма нашрида йўл қўйилган айрим нуқсонлар ҳам тузатилган. Яна шуни айтиб ўтайликки, М. Ҳакимжонов китобга ёзган мухтасар «Муқаддима»да бир эътиборли далилни келтиради. Асримизнинг 20-йилларида (тўғриси, 1923 йили) Тошкентда бир гуруҳ уламолар ўша пайтда шу ерда яшаб турган суриялик аллома, муҳаддис Саъид ибн Муҳаммад ибн Абдулвоҳид ал-Асалий раҳбарлигида Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг «Саҳиҳ ул-Бухорий» ҳадиси шарифларини ўқиб, хатм қиладилар. Улар халқ орасида ҳадислар баён этиб юрадилар. Масалан, ЎзФА Шарқшунослик институтида кўп йиллар илмий ходим бўлиб ишлаган, араб, форс ва туркий тиллар билимдони, етук таржимон Юнусхон домла Ҳакимжон ўғли шундай зотлардан эди. У кишига аллома Асалий томонидан ҳадис баён қилишлари учун ёзма равишда ҳужжат— «Иршод» ҳам берилган экан. Юнусхон домла муҳаддис сифатида турли мажлис ва йиғинларда ҳадис баён этиб юрганлар. Бу ҳодиса халқимиз шунча қатағонлар, тазйиқларга қарамасдан ҳамиша иймонини бут сақлаб қолиш учун интилганидан бир далолатдир...



Биз кўп йиллар мобайнида Фрунзе, Будённий, Дзержинский кабиларни, ўз отасини сотган Павлик Морозовни, ватанпарвар эдошларини «босмачи» атаб уларни аёвсиз қирган манқуртларни, ҳатто бутун қитъани қулликка дучор этишни бошлаб берган Христофор Колумбдек ёвузларни инсониятнинг энг асл фарзандлари сифатида улуғлаб, уларга эргашишга даъват этиб келдик. Бироқ дунё тарихида бемисл ҳодиса бўлган Ислом маданиятини, маърифатини яратган улуғ инсонларни, жумладан, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломни фақат ёмонладик. Оқибати эса маълум...

ХАЛҚИМИЗДА КОМИЛ ИНСОН деган пурмаъно тушунча бор. Муҳаммад алайҳиссалом шундай киши бўлганлар. Минг афсуски, ҳозирги авлод (катта авлод ҳамI) пайғамбаримизнинг сиймоси, қилган ишлари, хулқ-одоблари, юриш-туришлари, маънавий дунёси ҳақида жуда кам маълумотга эга. Имом ат-Термизийнинг «Шамоили Муҳаммадийя» асари бу борада китобхонга кўп маълумот беради. Асарда Муҳаммад алайҳиссаломнинг хулқ ва сифатларини тавсифловчи уч юз йигирма олти ҳадис жам этилган.

Пайғамбаримизнинг суврат лари қандай бўлган? Замондошларининг айтишларича, «Жаноб Расули аъзам саллоллоҳу алайҳи васаллам ўрта қадлик бир зот эдилар. На узун ва на паст бўйли эдилар. Жисмлари чиройли, келишган, сочлари на бураган ва на ёзилган эди. Чеҳралари буғдойранг, қачон юрсалар, олдиларига мойил бўлиброқ юрур эдилар» (ҳазрат Анас); «Икки кўзлари ниҳоятда қора ва киприклари ниҳоятда узун эди... Қачон йўл юрсалар, қадамларин ердан қувват ила узиб олур, гўёки пастликка кетиб турган каби кўринур эдилар. Қачон бир тарафга бурилсалар, бутун баданлари ила бурилур эдилар. Танҳо бўйинларини буриб қўймас эдилар. Икки кифтларини ўртасида муҳри нубувват, яъни набийлик (пайғамбарлик) муҳри бор эди. Ва ўзлари тамоми набийларнинг охирлари эдилар. Ҳаммадин зиёда, сахий диллик зот эдилар. Ва ҳаммадин зиёда рост сўзлагувчи ва мулойим табиат ва хонадони шарафлик бир зот эдилар. Кимки, Жанобни бирдан кўриб қолса, ҳайбатлари босур эди. Ва кимки яхши таниб, суҳбатларига мушарраф бўлса, дийдорларига ва суҳбатларига ошиқ бўлиб қолур эди. Маддоҳлари: «Мен бу Жанобга ўхшаган зотни на ўзларидан аввал кўрдим ва на ўзларидан кейин кўрдим», дер эди» (ҳазрат Али); «Жаноб Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам оқ юзли, малоҳатли, жисмлари мўътадил бир зот эдилар, яъни тамоми аъзолари ўзларига ярашган бир маҳбуб эдилар» (ҳазрат Абу Туфайл)...

Биз пайғамбаримиз ҳақида ҳеч нарса билмаганимиз оқибатида яқин-яқин вақтларгача ҳам мусулмон соч қўйиши мумкинми, мумкин эмасми, деб «масала» талашардик. Ваҳоланки, гап сочни озода сақлаб, вақтида ювиб-тараб, парвариш қилишда. «Шамоили Муҳаммадийя»да пайғамбаримизнинг соч қўйғанлари ҳақида ҳам ёзилган. Ҳазрат Анас шундай дейди: «Жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи васалламнинг сочлари икки қулоқларини ярмига тушур эрди»; волидамиз ҳазрат Оиша айтади: «Жанобнинг сочлари қулоқ юмшоғидан тушган ва елкаларига етмаган, яъни ўрта бир ҳолда эдим»; ҳазрат Умми Ҳонинъ эса шундай гувоҳлик беради: «Жаноб Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Маккаи мукаррамаға бир бор шул ҳайъатда келдиларки, сочлари тўртға бўлиниб ўрилиб қўйилғон кўрилур эрди»...

«Шамоили Муҳаммадийя»да пайғамбаримизнинг турмуш тарзи, одатлари, кофирларға қарши олиб борган жангларда кўрсатган жасоратлари, яроғлари, кийиб юрган либослари, муҳри ва у улуғ зотнинг ҳаётига тегишли кўпгина далиллар, воқеалар ҳикоя қилинади, булар бари тасаввуримизни бойитади, дилимизни чароғон этади.

Айниқса, у кишининг ҳамиша умматлари ғамини еганн таҳсинга лойиқдир. Имом ат-Термизий бу хусусда шундай деб ёзади: «...ҳамиша умматҳақида фикр қилур эрдилар. Алар ғамларин ер эрдилар».

Пайғамбаримиз жуда қаноатли инсон бўлган эканлар. У кишининг «вафотларига қадар хонадон аҳли ва аёллари арпа унидан бўлган нонга қоринлари тўймаган» экан. Ҳазрати ибни Аббос айтади: «Ўзлари ва волидаларимиз ҳамалари бир-икки кеча оч қолишур эрдилар. Кечқурун егани бир нарса топмас эрдилар. Кўпинча тановул қиладурғон ғизолари арпа нони эрди». Муҳаммад алайҳиссалом шу тарзда камтарона, содда ҳаёт кечирган эканлар.

Саҳобий ҳазрати Анас шундай дейди: «Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам эрта куни учун ҳеч бир нарсани захира қилиб олиб қўймас эрдилар. Балки Аллоҳ Таолога таваккул қилур эрдилар. Яъни, шу бугун нима мавжуд бўлса, еб-едириб тамом қилур эрдилар. Эртага зарурат бўлиб қолур деган ҳаёл ила олиб қўймас эрдилар. Бу ҳол ўз хусусларида эрди. Аммо волидаларимиз нафақаларини ўз-ўзларига топшириб берур эрдилар. Ўз ҳақларига ўзлари озод ва ўзларимри мухтор эрдилар. Хоҳланганларидек тасарруф қила олур эрдилар, хоҳласалар сақлаб қўяр эрдилар, хоҳласалар тақсим қилиб хайрос қилур эрдилар...». Шу сатрларни ўқир эканман, отам раҳматлининг «Борини баҳам кўраверинглар, эртага худо пошшодир», деган сўзларини эсладим. Бу қирқинчи йилларнинг охирлари, бир бурда нон топиш маҳол бўлган пайтлар эди. Жуда камбағал бўлсак ҳам отамнинг бирор марта нолиганини эслаёлмайман. Энди билсам, диёнатли одамлар, мусулмонлар ҳамиша худога шукр қилиб яшарканлар, бу сабр-қаноат уларга қувват берар, умид бағишлар экан, қийинчиликларни мардона енгиб чиқишда кўмаклашаркан... Демак, ота-боболаримиз Ислом маърифатидан баҳраманд бўлганликлари туфайли ҳам инсоний фазилатларини сақлаб қололганлар. Шу маънода «Шамоили Муҳаммадийя» сингари нодир асарларнинг халқимизга қайтарилиши жуда савоб иш.

Муҳаммад пайғамбар ҳаёти билан бобма-боб танишар эканмиз, у кишининг умри, қилган ишлари барча инсонлар учун намуна эканига иқрор бўлиб борамиз. Чунки пайғамбаримиз барча ҳаттиҳаракатларида ўзини сира ўйламаганлар, умматларини, инсонларни ўйлаганлар, инсонликка зид бирор ҳаракатга йўл қўймаганлар.

Пайғамбаримиз доимо чеҳралари кулиб турган, шеър ўқишни ва эшитишни, қисса айтишни, кулги-ҳазилни хуш кўрадиган, «ҳамиша сўзлари либослари, муҳри ва у улуғ зотнинг ҳаётига тегишли кўпгина далиллар, воқеалар ҳикоя қилинади, булар бари тасаввуримизни бойитади, дилимизни чароғон этади.

Айниқса, у кишининг ҳамиша умматлари ғамини еганн таҳсинга лойиқдир. Имом ат-Термизий бу хусусда шундай деб ёзади: «...ҳамиша умматҳақида фикр қилур эрдилар. Алар ғамларин ер эрдилар».

Пайғамбаримиз жуда қаноатли инсон бўлган эканлар. У кишининг «вафотларига қадар хонадон аҳли ва аёллари арпа унидан бўлган нонга қоринлари тўймаган» экан. Ҳазрати ибни Аббос айтади: «Ўзлари ва волидаларимиз ҳамалари бир-икки кеча оч қолишур эрдилар. Кечқурун егани бир нарса топмас эрдилар. Кўпинча тановул қиладурғон ғизолари арпа нони эрди». Муҳаммад алайҳиссалом шу тарзда камтарона, содда ҳаёт кечирган эканлар.

Саҳобий ҳазрати Анас шундай дейди: «Жаноби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам эрта куни учун ҳеч бир нарсани захира қилиб олиб қўймас эрдилар. Балки Аллоҳ Таолога таваккул қилур эрдилар. Яъни, шу бугун нима мавжуд бўлса, еб-едириб тамом қилур эрдилар. Эртага зарурат бўлиб қолур деган ҳаёл ила олиб қўймас эрдилар. Бу ҳол ўз хусусларида эрди. Аммо волидаларимиз нафақаларини ўз-ўзларига топшириб берур эрдилар. Ўз ҳақларига ўзлари озод ва ўзларимри мухтор эрдилар. Хоҳланганларидек тасарруф қила олур эрдилар, хоҳласалар сақлаб қўяр эрдилар, хоҳласалар тақсим қилиб хайрос қилур эрдилар...». Шу сатрларни ўқир эканман, отам раҳматлининг «Борини баҳам кўраверинглар, эртага худо пошшодир», деган сўзларини эсладим. Бу қирқинчи йилларнинг охирлари, бир бурда нон топиш маҳол бўлган пайтлар эди. Жуда камбағал бўлсак ҳам отамнинг бирор марта нолиганини эслаёлмайман. Энди билсам, диёнатли одамлар, мусулмонлар ҳамиша худога шукр қилиб яшарканлар, бу сабр-қаноат уларга қувват берар, умид бағишлар экан, қийинчиликларни мардона енгиб чиқишда кўмаклашаркан... Демак, ота-боболаримиз Ислом маърифатидан баҳраманд бўлганликлари туфайли ҳам инсоний фазилатларини сақлаб қололганлар. Шу маънода «Шамоили Муҳаммадийя» сингари нодир асарларнинг халқимизга қайтарилиши жуда савоб иш.

Муҳаммад пайғамбар ҳаёти билан бобма-боб танишар эканмиз, у кишининг умри, қилган ишлари барча инсонлар учун намуна эканига иқрор бўлиб борамиз. Чунки пайғамбаримиз барча ҳаттиҳаракатларида ўзини сира ўйламаганлар, умматларини, инсонларни ўйлаганлар, инсонликка зид бирор ҳаракатга йўл қўймаганлар.

Пайғамбаримиз доимо чеҳралари кулиб турган, шеър

ЕТТИ ЎЛЧА — БИР КЕС

АЛИФ—КАЛТАК ЭМАС

Тилга ихтиёрсиз — эътиборсиз, деганлар ҳазрат Алишер Навоий. Азалий ҳикматнинг моҳиятини эндигина идрок этиб, дурустроқ тушуниб бормоқдамиз. Ҳозирги маданият майдонида ўзимиз-ўзимизга «баҳо» бериб юргандан кўра анчагина қолоқ эканлигимиз сезилиб қолди. Қайта қуриш шабадаси жамиятимиздаги мавжуд хатокамчиликларни ошкор этмоқда. Энг масъулиятли жабҳалардан бири — ёшлар тарбияси вазифаси турибди. Таълим-тарбия соҳасида нуқсонлар жуда кўп, педагогика эса формализм ва догматизм исканжасида қийналаётгани ҳаммага маълум. Янгиланиш жараёнида жузъий эмас, ҳатто жиддий хатолар ҳам содир бўлмоқдаки, уларнинг олдини олиш, уларга йўл қўймаслик шу куннинг долзарб талабларидан ҳисобланади.

Бир вақтлар мавлоно Саид Аҳмад бозордан бир мардикорни чақириб, унга ганчкорлик сувоқ ишларини топширган экан. Уста кўрмаган нощуд мардикор кетмон билан ганч қоришгириб, оқибатда анчагина озор чекибди. Лоф тарзидаги бу ҳангомадан мириқиб кулганмиз. Худди шу ўринда ўша чала уста шарманда бўлмаслиги учун нима керак, деган савол туғилади. Албатта, бирор дарслик. қўлланма ёки изоҳли луғат бўлса айни муддао. Худди ана шундай яхши ният билан ўтган йили икки китоб чоп этилди. Лекин бу китобларга амал қилиб «ишга» киришмоқчи бўлган ёш устакорлар янада қалтис ҳолатга тушиб қолмасликлари учун бироз огоҳлантириб қўймоқчимиз.

Донолар айтганидек, ўқиш бошқа, уқиш бошқа. Ўқитиш эса ниҳоятда масъулиятли. Шу нуқтаи назардан С. Булатовнинг «Ганчкорлик» («Ўқитувчи», 1990) ва Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлар жумҳурият илмий-методик маркази томонидан чоп этилган «Ўзбек халқ амалий безак санъати атамаларининг луғати» китобларини варақлаб кўрайлик.

Ганч нима? Ганч—гипснинг маҳаллий номи, русчаси гипс, деб изоҳлайди луғат, кейинроқ ганч—гипс билан тупроқнинг аралашмаси дейилган. Ахир, бундай аралашмани усталар ганчхок (хоктупроқ) дейишади-ку. Муаллиф эса ганч билан тупроқнинг сувда аралашганини «Хоҳ-ганч» (72), деб таърифлайди. Ваҳоланки, усталар таомилида бундай атама йўқ. Ганчхок эса алебастр, қум ва соз тупроқдан тайёрланган қоришма сифатида (18) изоҳланади.

Ганч таърифида ҳам баъзи чалкаш, нотўғри даъволарга дуч келамиз. «Ганч намгарчиликни кам ўтказади (15), у намга чидамас» (16), деган тўғри хулоса қаторида ўша саҳифадаёқ тескари фикрни айтади: сув ҳовузларининг дарз кетган ёриқлари сут билан қоришган ганч билан сувалган (16) эмиш. Муаллиф бундай сувоқлар жуда намгарчиликка узоқ чидаган (16—17), деб ёзади. «Ҳаттоки ҳаммомларни ички қисмини ганч билан суваганлар» (16) деб уқтиради. Чамаси, муаллиф ганч—гипс—алебастр атамалари аслида бир хил бўлиб, номи билан фарқланиши, сифатига кўра турли соҳада фойдаланилиши мумкинлигининг фарқига бормаган бўлса керак.

Луғатда «ганчнинг секин қотиши учун қорилган ганчга сув қўшилган» (16) дейилса, дарсликда «ганчнинг секин қотиши учун унга ариқ (?) суви қўшилган» (50) деб аниқлик киритилади. Агар булоқ ёки қудуқ суви қўшилса-чи? Унда ганч қандай қотади? Аслида ганчнинг секин қотиши сабабини бошқача тушунтириш керак эди.

Дарсликда яна ҳам кулгили даъволарни кўплаб учратамиз. Муаллиф «ганчнинг мустаҳкамлигини оширишда тухум оқи, зиғир ёғи, декстрин, стеарин, казеин қоришмаси ва мум қўшганлар» (50), дейди. Ахир, зиғир ёғи қўшилган ганч мутлақо ола-була ва чангтортар бўлиб қолади-ку? Юқорида санаб ўтилган материаллар аслида ганчкорликда қолип тайёрлаш ва унинг ганч билан ёпишиб қолмаслиги учун зарур ёрдамчи нарсалардир, холос.

Мусаввада — лойхонанинг хомаки плани (48) деб нотўғри изоҳланган. Лойхона учун ҳам лойиҳа зарурми, деб ўйларсиз. Аслида гап лойиҳа қораламаси ҳақида бормоқда. Обигардон—форсча сув ва тожикча бўйин (51) деб изоҳланган: аслида ўша икки сўз тожикча ҳам, форсча ҳам бир хил эмасми?

«Шарафа... муқарнас шаклидаги карниз» (76) дейилган. Бу тўғри. Энди давомига эътибор беринг: шарафа билан муқарнасни қўшиб ишлатилиши Имом Қозихона шарафа дейилади (77). Аслида Қозихона эмас, Қозихон. Имом Қозихон яратган безак шарафа эмас, балки ироқидир.

«Ароқи (?) шарафа — тақсимларни (?) тўғри чизиқ бўйича бир-бирига уланиб кетган шарафа» (10). Шу каби изоҳларни ўқиганда тажрибали уста ҳам ҳайратга тушса керак. Кейинги мисол эса ҳеч бир мантиқ доирасига сиғмайди. Гулдаста — муқарнасли шарафанинг бир тури (21) эмиш. Бинокорликда гулдаста деб бино ташқи бурчагидаги бурж, минора каби меъморий шаклга айтилади. Меъморий гулдасталарнинг муқарнасга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Хуллас, кўриниб турибдики, муаллиф ўзи билмаган нарсани ўқувчига тушунтириб бериши анча мушкул вазифа.

КИТОБ САВИЯСИ ҚАЙ ДАРАЖАДА эканлигини қуйидаги оддий мисоллар ҳам кўрсатиб турибди; дарслик бошланишида ранг-дор чиройли расм берилган. Тагида «Самарқанднинг архитектура ёдгорликлари» (5) деб икки тилда ёзилган. Ажабо, тасвирда кўҳна Бухоро шаҳри марказидаги меъморий манзара келтирилган! Наҳотки, муаллиф Самарқанд билан Бухоронинг фарқига бормаса? Худди шунга ўхшаш бошқа бир расм тагига «Бухоро шаҳридаги қадимий дарвоза ва деворлар» (16) деб ёзилган. Аслида Хива шаҳридаги Қўш дарвоза тасвирини кўрамиз. Машҳур Шоҳизинда меъморий ансамблидаги бир мақбара Шодимулк ака мақбараси (15) деб эълон қилинган. Малика аёл «ака» деб аталганини қандай тушуниш керак?

«Паргар—русча (?) учи шарнирли бириктирилган икки ёқли чизмачилик асбоби» (55) деб изоҳланган. Паргар атамаси нима учун русча бўларкан. «Пилпоя — русча пилок» (57) эмиш. Муаллиф пилон демоқчи бўлса керак. «Арк — кўҳандиз, қаср...» (9). Бу тўғри. Лекин улкан кўҳандиз — қалъани устун кўтариб турганини кўрганмисиз? Муаллифнинг таъкидлашича, баъзан арк (?) ва гумбазларга устун, яъни колонна тиргаклик вазифасини (34) ўтар эмиш.

Хуллас, биз юқорида тилга олган китобларда буларга ўхшаш «қовун тушириш» қабилидаги маълумот, тушунтириш, изоҳлар кўплаб топилади. Албатта, китоблар бундай хатолардан ҳоли бўлиши мумкин эди. Лекин хом-хатала, бадҳазм таом ёшларга тортилган, минглаб нусхада кўпайтирилган. Хатоларга тўлиб-тошган дастур ва луғатнинг фойдасидан зарари кўпроқ бўлишини изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Бизни мазкур мақолани ёзишга мажбур этган сабаб бор. Муаллифга «Ганчкорлик» китобидаги камчиликлар шахсан айтилган эди. Кейинроқ «Луғат» қўлёзмасининг қусур-хатолари ҳақида ҳам сўзма-сўз айтилган. Афсуски, муаллиф хатоларни қисман тузатган, қолганларига эътибор бермаган. Яна бир ажабланарли томони шундаки, ўша китобларни чоп этишга оқ йўл тилаганлар қаторида ганчкорликнинг пири, устоз Маҳмуд Усмонов номлари зикр этилган. Чамаси, муаллиф тақризчини ҳам чалғитганга ўхшайди.

Муаллиф ва ноширлар, ҳеч шубҳасиз, яхши ният билан хайрли ишга ҳисса қўшмоқчи бўлганлар. Лекин ёшларга бирор нарсани тавсия этишдан олдин, уни дурустроқ ўқиб олиш керак эди. Акс ҳолда зикр қилинган дастур — луғат мисолида «Домланинг айтганини қил!» дейишга ҳам истиҳола қилиб қолиш мумкин.

Пўлат ЗОҲИДОВ

ЮРАК ДАРДИ

САНЪАТНИ МЎЪЖИЗА ДЕБ БЕЖИЗ АЙТМАГАНЛАР. Чунки кўпинча, ўзингиз кутмаган ҳолда, сиз оддий бир ҳодиса деб ҳисоблаб юрган воқеа кашфиётга айланиб қолади. Мен ҳозир газетхонларимизга таништирмоқчи бўлган хонандани шу тариқа кашф этдим. Аслида у ва унинг ижоди билан радио-телевидение орқали анчадан танишман. Унинг қўшиқларини санъатимизда бўй кўрсатган ва кўрсатаётган кўплаб ёш истеъдодлар қатори тингладим келардим. Лекин яқинда телевидение орқали берилган кўрсатувлардан бири фикримни остин-устин қилиб юборди. Шу куни унинг ижросида «Сегоҳ»ни тингладим. Очиғи, қўшиқни тингламадим, балки у қалбимга оқиб кириб, бутун вужудимни ўзининг сеҳрли оғушига қамраб олди. Ҳа, бу сафар Гулбаҳор мен учун оддий хонандаларнинг биридан мўъжизага айланди. У куйламасди, балки бор вужуди билан оҳанг бағрига сингиб кетганди. «Сегоҳ»ни кўп хонандалар ижросида тинглаганман, лекин Гулбаҳор, назаримда, олам ичра ўзига хос олам яратган эди. Хуллас. шу қўшиқ сабаб менда Гулбаҳор Эрқулова билан танишишга иштиёқ кучайди. Учрашганда эса дастлабки саволим «Сегоҳ» ҳақида бўлди.

— Мен бу қўшиқни кўп хонандалар ижросида тинглаганман, — дейди у. — Айниқса, Карим Зокиров ва Ҳасан Ражабий ижроси мени ўзига мафтун қилиб келарди. Аввало, қўшиқ куйини, қолаверса, сўзларидаги соддалик ва бир вақтнинг ўзида киши юрагига яқинлигини севиб қолдим. Бир йилча такрорлаб ҳиргойи қилиб юрдим. Дастлаб «бу аёл кишининг қўшиғи эмас», дейишди. Лекин мендаги иштиёқ ва интилишни сезган устозим Қаҳрамон Комилов «Келинг, ёзиб кўрамиз», дедилар. Шундан сўнг қўшиқ ёзилиб, бадиий кенгашга тақдим этилди. Кенгашга маъқул бўлди ва репертуарим яна бир классик қўшиқ ҳисобига бойиди.

— Гулбаҳор, мана, сиз республика радиоси ва телевидениесининг Мақомчилар ансамблида ишлар экансиз. Айтинг-чи, нима учун мақомни танладингиз? Бу тасодифми ёки...

— Аввало, ўзбек қўшиқчилигининг отаси — мақом. Ўзбек бўлганимиз учун ҳам мақом ҳар биримизнинг қон томиримизга туташиб кетган. Қолаверса, қўшиқчиликдаги озми-кўпми фаолиятим давомида ҳаммасидан мақом устун туришига имоним комил бўлди. Аслида, жуда ёшлигимдан мақом оҳанглари мени ўзига тортиб келади. У вақтларда мақом нима эканини тушунмаганман, лекин фақат ўзбек халқ ва классик қўшиқларини жон қулоғим билан эшитардим. Берта Довидова, Барно Исҳоқова, Коммуна Исмоилова, Ҳабиба Охунова қўшиқларини тинглаганимда борлиқни унутиб, оҳанг оғушига сингиб кетардим. Мусиқали драмаларни қолдирмасдан кўрардим. Айниқса, «Нурхон», «Гулсара», «Паранжи сирлари»ни кўришдан чарчамасдим. Кези келганда бир нарсани айтиб ўтай: қўшиқда куй биринчи ўринда туради. Масалан, бетакрор бастакорларимиз Тўхтасин Жалилов, Саиджон Калонов, Фахриддин Содиқов шундай яхши асарлар яратиб қўйишганки, уларни ким ижро этишидан қатъи назар, барча вақт учун бирдек, оҳори тўкилмай тураверади.

Мақом ансамблидаги фаолиятимга келсам, 1988 йилдан буён шу ердаман. Ансамбль хонандалигига эълон қилинган конкурсдан ўтиб, ишга қабул қилинганман. Очиғи, санъатдаги ҳақиқий йўлим ҳам шу ердан бошланган. Чунки қўшиқчиликдаги фаолиятимни мақомсиз тасаввур қилолмайман.

— Мана, шу кунларда мақомларни ёзиб олиш ишлари давом эттириляпти. Айтишларича, бу сафар мақом чолғу йўлларига ансамбль раҳбари Абдуҳошим Исмоилов баъзи ўзгартишлар киритган экан. Шубҳасиз, мақом ижрочиларининг ҳар бир авлоди бунга ўзига хос муносабатда бўлади. Шу соҳанинг энг ёш вакилларидан бири сифатида Сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим.

— Тўғри, ашула йўлларига баъзи жузъий ўзгартишлар, яъни қочиримлар, нолалар киритилган. Менимча, буларнинг зарари йўқ. Бу билан мақомнинг мазмуни, усулига путур етмайди, балки айтилиш йўллари бироз чиройли бўлади.

— Гапнинг ҳақига кўчганда, бизнинг ва сизнинг авлод қадим меросимизни, эски ўзбек тилини деярли билмай ўсганларданмиз. Демак, қадим дурдоналаримиздан бўлган мақомлар тили ҳам биз учун мураккаб ҳисобланади. Шу маънода, мақом айтиш қийин эмасми?

— Албатта, мақомни тўлалигича тушуниб, сўзларининг мағзини чақиб айтиш ғоят мушкул вазифа. Лекин бир нарсани айтиб қўяй: ҳақиқатан ҳам мақомни санъатдаги ўз йўли



деб тушунган, уни яхши кўрган одамга қийин эмас. Абдуҳошим ака Исмоилов бошлиқ ансамблимиз аъзолари бир-биримизга ҳамиша ёрдам берамиз. Айниқса, чангчимиз Темур Маҳмудов, хонанда Маҳмуд Тожибоев бу борада яхши маслаҳатчи. Улардан билмаган, тушунмаган сўзларим борасида ҳамиша маслаҳат олиб тураман. Умуман, хонанда ўз ҳамкасбларидан, бастакорлардан қанчалик кўп йўл-йўриқ олиб турса, шунчалик фойдалидир.

Гулбаҳор ўзининг бу гапларига тўлиқ амал қилади. Яъни бастакорлар Тельман Ҳасанов, Қаҳрамон Комилов, Аҳмаджон Дадаев, Салоҳиддин Тўхтасиновдан олган сабоқлари унга ҳамиша қўл келмоқда. Ана шу ҳамкорликнинг самараси сифатида «Сегоҳ» /Хуршид/, «Талқини баёт», «Шитоб айлаб», «Талқини рост» /Навоий/, «Галдир» /Фурқат/, «Тановар», «Алла»/М. Қориев/, «Афсона эмас», «Аҳли вафога» /Б. Исроил/, «Аёл фиғони» /Нилуфар/, «Келмади» /Ф. Усмонова/, «Баҳор бўлиб боғларда юрсам» /Анвар Ҳожи/, «Бугун дўстлар» /Қ. Саидмуродов/ каби қўшиқлар хонанда репертуаридан мустаҳкам ўрин олди.

Бошқаларни билмадиму, мен Гулбаҳорнинг қўшиқларини тинглар эканман, овозининг аллақаеридаги нафис тебранишлари, авж пардаларидаги нолалар, қочиримлар ажойиб хонанда Ҳабиба Охунованы эслатади. Бу фикримни эшитган Гулбаҳор шундай деди:

— Ҳақиқатан, мен Ҳабиба опани қўшиқчиликдаги устозим сифатида ниҳоятда ҳурмат қиламан. Ҳатто, «Алла» қўшиғини айтаётганимда унга ўхшашга ҳаракат қилганман. Лекин мен «Алла»ни Гулбаҳор бўлиб, ўз юрагим билан айтганман. Умуман, ҳамиша ҳар бир қўшиққа ўзимча ёндашишга, нимадир янгилик топишга ҳаракат қиламан. Шу маънода ҳар бир қўшиғим, қайси жанрда бўлишидан қатъи назар, мен учун қадрли. Мана бу қўшиғим жуда яхши чиққан, у ижодий услубимни белгилайди, деб айтолмайман. Чунки ҳар биттасига бутун имкониятимни сарфлашга, дардимни қўшишга ҳаракат қиламан. Агар одамларга айтадиган гапинг, дарднинг бўлмаса, куйламаган маъқул.

Яқинда телевидение орқали намойиш этилган Гулбаҳор Эрқулова ижодига бағишланган видеоконцертни кўриб, хонанданинг галларида жон борлигига ишондим. Аввало, видеоконцертнинг дид билан суратга олинганини таъкидлаш жоиз. Қолаверса, Гулбаҳор айтган ҳар бир қўшиқда тингловчи юрагининг аллақаерини «жиз» эттирувчи дард, ўзига хос услуб борлиги кишини қувонтиради.

Мени яна бир нарса қувонтиради. У ҳам бўлса, Гулбаҳордаги оддий ўзбек аёлига хос самимият, тўғрилик. Албатта, у биринчи навбатда қўшиқни севади, бор вақтини унга бағишлайди. Лекин аёл сифатида ўз бурчини ҳам унутмайди: тикиш-бичишни, уйларни саранжом-саришта тутишни яхши кўради. Хуллас, бирор дақиқанинг ҳам бекор кетишига йўл қўймайди. Менимча, Гулбаҳор ишторикидаги видеоконцертни кўрган томошабинлар ҳам бунга ишонч ҳосил қилган бўлсалар керак. Биз ана шу ишонч кучининг янада мустаҳкамланишини, Гулбаҳорнинг юрак дардлари бўлган ўз қўшиқлари янада. кўпайишини ва мухлислари бисёр бўлишини тилаб қоламиз.

Гулчеҳра УМАРОВА

«ТУҒЁНЛАР ҒАЛАЁНИ»

Ҳафталикнинг 31 май сонида босилган «Туғёнлар ғалаёни» номли мақолани ўқигандан сўнг сизларга мактуб йўллашни лозим топдим. Ўшбу мақолада бастакор Икром Акбаров мусиқа санъатимизнинг ҳозирги аҳволи ҳақида ўз мулоҳазаларини айтиб ўтибдилар.

Ўзим Наманган туманидаги 8-ўрта мактабда 7 йилдан буён мусиқадан сабоқ бериб келаман. Мақола юзасидан баъзи фикрларимни газета орқали Икром Акбаровга йўлламоқчиман.

Аввало, ҳамма мусиқа ўқитувчилари ҳам у киши ўйлаганчалик «ўта савияси паст», қолоқ эмас. Менимча, ҳозирги ёшларимизга симфоник поэма, кантата, увертюра, оратория кабилар эмас, миллий куй қўшиқлар кўпроқ зарур ва уларни ҳурматли бастакорларимиз каби таниқли санъаткорлар яратиб беришлари керак. Мусиқа фанидан дарслик кўп йиллардан буён чоп этилмаяпти. Ундан фойдаланиш ўқувчилар учун ҳозирча орзу. Агарда дарслик ва қўлланмалар етарли бўлса, мусиқа дарслари ҳафтасига 1 соат эмас, 2—3 соатдан қўйилса, мусиқа тарбияси бастакоримиз айтганидек амалга ошириларди.

Комилжон ВАЛИЕВ

санъат оламида

Яқинда СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Зикир Муҳаммаджонов Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги жамоаси билан ижодий учрашув ўтказди.

Таниқли актёр ички ишлар ходимларига яқинда Наманган, Фарғона, Андижон ва Тошкент вилояти меҳнаткашлари билан ўтган учрашувлар ҳақида гапириб берди. Ҳозирги кунда Амир Темур образи устида қизғин иш олиб бораётганини, бундан буён ҳам бор куч-имкониятини халқимиз учун севимли образлар яратишга қаратишини, кинода милиция ходимлари тўғрисида биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимовга ўхшаш ролларни яратишга ҳаракат қилишини айтди. Учрашув охирида «Генерал Раҳимов» бадиий фильми намойиш этилди.

●

Куни кеча Ўзбекистон бўйлаб қувончли хабар тарқалди. Совет Иттифоқи мусиқа санъати ривожига қўшган катта ҳиссаси ҳамда юксак ижрочилик маҳорати учун XII Жаҳон ёшлари ва студентлари фестивали дипломанти Т. Жалилов номидаги Ўзбек давлат халқ чолғу оркестрига СССР Маданият вазири Н. Н. Губенконинг 15 июль 216-сон буйруғига биноан «Академик оркестр» деган фахрли унвон берилди. Ҳозирги вақтда жумҳуриятимизда учта коллектив ана шундай академик деган унвонга эга. Булар Навоий, Ҳамза, Горький номидаги театрлар эди. Мана энди улар қаторига Т. Жалилов номидаги оркестр ҳам қўшилди. Концерт ижрочилик фаолияти учун академик унвонига эга бўлган бу биринчи коллектив ўзининг 50 йиллик тўйини нишонлаш арафасида турибди. Биз Ўзбек давлат академик халқ чолғу оркестрини юксак унвон билан табриклаб, ижодий баркамоллик тилаймиз.

Шуҳрат ЗИЕЕВ,
Тошкент давлат консерваторияси ўқитувчиси

●

Санъаткорлар айни кунларда меҳнаткашларнинг маданий дам олишлари учун қулай шароитлар яратиш мақсадида, ўз ишхоналарини улар ҳузурларига кўчирганлар. Жумладан Ҳамза номидаги академик драма театри артистлари шу кунларда Андижон вилоятининг бир қанча туманларда ўз санъатларини намойиш этмоқдалар.

Яқинда бир гуруҳ санъаткорлар Андижон вилоятининг Жалолқудуқ тумани меҳнаткашлари ҳузурида бўлдилар. СССР халқ артистлари Наби Раҳимов. Зикир Муҳаммаджонов, Ўзбекистон халқ артистлари Толиб Каримов, Турғун Азизов, Ёқуб Аҳмедов, артистлар Теша Мўминов, Жамшид Зокиров, Муҳаммадали Абдуқундузов, Абдуваҳоб Султонов, Қаҳрамон Абдураҳимов, Рустам Каримов ва Равшан Жўраев ижросида қатор театр, спектакль ва комедиялардан парчалар томоша қилдилар.

М. МИРЗАЕВА

КУМУШБИБИНИ КЎРГАНДАЙ БЎЛДИМ

ТАНИҚЛИ РАССОМ АЛИШЕР МИРЗАЕВ КЎРГАЗМАСИДА

БУ ДУНЁДА НИМА АБАДИЙ? Оний шон-шуҳратми ёки бир ҳовуч бойликми? Ахир, истеъдодини шон-шуҳрату бойлик манбаи деб биладиганлар камми? Бундай ўйдан йироқ кишилар эса камида Абдулла Қодирийдек ҳақиқатнинг кўзларига тик қараб ўтиши керакдек назаримда. Улуғ ёзувчининг асарларини билмаган, ўқимаган, Отабек ва Анвар, Кумушбиби ва Раънобонуга ҳавас қилмаган, уларга ўхшашни истамаган ўзбек йигит-қизи камдан-кам топилса керак. Бироқ ўқиган бошқа, кўрган бошқа, дейдилар. Мабодо, Абдулла Қодирий рассом бўлганида бу қаҳрамонларини қандай бўёқларда тасвирлаган бўларди?

«Мен рассом эмасман, — деб ёзган эди Абдулла Қодирий «Меҳробдан чаён» саҳифаларида. — Агар менда шу фазилат бўлганида эди, сўз билан билжираб ўлтирмас, сизга Раънонинг сувратини тортиб кўрсатардим, қўярдим. Фақат менга раъно гулининг сувигина кўпроқ керак бўларди, холос».

Бу сўзларни ўқигач, рассом Алишер Мирзаев қандай масъулиятни зиммасига олганини ҳис этамиз. Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодига бағишланган расмлар кўргазмаси бўйлаб айланар эканмиз, Ҳамза мукофоти совриндори, ёзувчи Шукур Холмирзаев кўзлари ёшга тўлиб шундай деб қолди: «Мен бугун ҳам хурсандман, ҳам ғамгинман. Хурсандлигимга сабаб ҳақиқий санъат асарларини кўрганлигим бўлса, ғамгинлигимга Абдулла Қодирий фожиасини кўрганлигим сабаб бўлди. Иккинчи марта айланиб чиқишга тоқат қилолмадим». Оқ-қора тасвирдаги мўъжазгина, ёруғ ғуссага йўғрилган «Отабек қабристонда», «Сиз — қочоқсиз!», «Мажнуна Зайнаб», «Унутмайсизми?» деб маҳзун боқаётган Кумушбиби расмларини томоша қилиб Алишер Мирзаевнинг ўзбек адабиётига юксак меҳри, бугунги сўз санъатига беҳад яқинлиги ҳамда сеҳрли қалам соҳиби эканлигига имон келтирасиз. Ёзувчи Эркин Аъзамдан кўргазмадан олган таассуротлари билан ўртоқлашишни сўрадим.

— Бу туркум расмлар Абдулла Қодирий ҳаёти, асарларига жўн шарҳ эмас. Мусаввир «Ўтган кунлар» мавзуи асосида ўша давр турмушини ёритишга санъаткорона ёндашган. Диққат қилсангиз, Отабек ва Кумуш бир расмда бир хил, бошқасида бошқа хил тасвирланган. Бунинг сабабини рассомнинг ўзидан сўраганимда, шундай деди: «Ҳар кимнинг дилида ўзининг Отабеги, ўз Кумуши бўлади. Менинг шунга даҳл қилгим келмади. Бу ёрқин адабий сиймоларни турли хилда чизганимнинг сабаби шу».

«Ҳар кимнинг дилида ўз Кумуши бўлади». Бунга жавобан шоир Мирпўлат Мирзаев шундай дейди: «Бу кўргазмада энг севимли қаҳрамонларимни, «Ҳижрон» картинасини томоша қилиб, тасаввуримдаги Кумушбибини кўргандай бўлдим...»

Бу сўзлар кўргазма очилиш маросимида қатнашганларнинг ҳам дилидан ўтди.

Мабодо сизни ишончларингиз алдаса, қандай аҳволга тушасиз? Шуни биласизми? «Мен Шарқ озодлигини ва унинг мазлум пролетариати саодатини фақат ленинизм орқасида вужудга чиқишига ишонган бир кишиман» деган Абдулла Қодирий бундай ҳолни бошидан кечирган. Буни эса истеъдодли мусаввир Алишер Мирзаев ишонарли тасвирлай олган. Энг муҳими ҳам шу!

Б. НОРБОЕВ





МИР АЛИШЕР БОҒИ

Боши биринчи бетда.

рига эса бетон қопламалар ётқизилиб, атрофида кичик йўлкалар қурилмоқда турфа тўсинлар ўрнатилмоқда. Бу ишларни Ўзбекистон ССЖ Сув хўжалиги вазирлигининг қурилиш бўлинмалари олиб бормоқда. Биз бу ердаги бунёдкорлик ишларини кузатиб юрган жумҳурият Сув хўжалиги вазири ўринбосари Мусо Муродовни суҳбатга тортдик.

— Биз ҳашар йўли билан қурилаётган Навоий ёдгорлик боғидан ўтадиган Анҳор каналининг 300 метрлик қисмини ободонлаштириш, унга чиройли қиёфа бахш этишни ўз зиммамизга олдик, — деди у. — Ҳозиргача ишнинг ярмидан кўпини битказиб бўлдик. Вазирлигимиз бу боғда ўз ҳисобидан юз минг сўмлик иш бажариб, 25 августгача иншоотдаги ишларни тугаллаш ниятида.

Анҳор устига қурилган учта мўъжаз кўприк сизни баланд қуббали шийпонга йўллайди. Гранит қопланган зиналардан оҳиста кўтарилиб боракансиз, беихтиёр Навоий бобомизнинг ўзи ҳам буюк шоир бўлиш билан бирга ажойиб боғбон ва меъмор ҳам эканлигини, қанчадан қанча роботу мадрасалар, шифохоналар, сардобалар қурдиргани, гўзал боғлар, кўприклар бунёд эттирганини эсга оласиз. Не тонгки, бугун унинг набиралари, шоир маънавий меросининг ворислари ўзлари бунёд этаётган ажойиб боғни, келгусида шеърият мухлисларининг сўлим гўшасига, ошиқлар масканига айланажак ёдгорликни унинг номи билан боғламоқдалар. Эҳтимол, шунинг учун ҳамдирки, пойтахтимиздаги метросозлар, кўприк қурувчилар, йўлсозлар, суғориш иншоотларини қуришга ихтисослашган бошқарма ва трестлар, самолётсозлик бирлашмаси ва яна ўнлаб ташкилотларнинг бунёдкорлари бир ёқадан бош чиқариб катта иштиёқ билан, ғайрат-шижоат кўрсатиб ёдгорлик комплексини қурмоқдалар.

Улар бу боғ Навоий бобомизнинг улкан тўйига ўзбек қурувчиларининг муносиб совғаси бўлаётганидан мамнун. Шу ўринда турли қурилиш бўлинмаларининг ишини мувофиқлаштириб, муаммоларни ўз вақтида ҳал этиб бораётган Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Рўзи Ҳикматуллаевнинг сўзини эслаб ўтиш жоиздир: «Навоий бобомиз ўз асарларида умуминсоний туйғуларни, байналмилал қадриятларни улуғлаган. Бу боғни ҳам Навоий даҳосидан баҳраманд бўлган турфа халқларнинг вакиллари бунёд этмоқдалар». Бу сўзни боғ комплексининг меъмори Дилшод Латипов ҳам алоҳида таъкидлади ва лойиҳачиларнинг ижодий ташаббуслари, улар яратган ҳар бир меъморий шаклнинг бетакрор ва халқимизнинг қадимий меъморчилиги, боғ яратиш анъаналарига уйғунлиги, чинакам шарқона услуб ва ўзбекона файзу фазилати билан ажралиб туриши ҳақида мароқланиб сўзлади. Бугун бунёд этилаётган мўъжаз боғнинг умумий саҳни олти гектардан сал кўпроқ майдонни эгалласа, келгусида у Халқлар Дўстлиги майдони ва Комсомол кўли атрофидаги сўлим хиёбонлар, ҳордиқ масканлари билан биргаликда 120 гектардан кўпроқ майдонни ишғол этади. Лойиҳа устахоналарида бу улкан халқ боғининг турли меъморий тархлари тайёрланмоқда. Улар ижодий конкурслар йўли билан танлаб олинади. Шубҳасиз, бундай кўп йилларга мўлжалланган кенг кўламдаги бунёдкорлик ишларига Ўзбекистоннинг барча вилоятлари ўз ҳиссасини қўшади. Ҳозир қурилаётган 22,5 метр баландликдаги шийпон — шеърият қасри эса ана шу улкан боғ ўртасидаги энг асосий зиёратгоҳ вазифасини ўтайди. Унинг мовий рангли гумбази ичкари томондан ажойиб ганч ўймакорлиги нақшлари билан сайқал топмоқда. Бу ишни «Усто» бирлашмаси санъаткорлари бажармоқда.

Шоирнинг улкан ҳайкали олдида эса қора мармардан ишланган кичик ҳовузча бўлиб, олтин тусдаги бронзадан ишланадиган «Алишер Навоий — 1441 — 1501» ёзувлари сув тагида нафис товланиб туради. Гумбаз тагидаги ўйма нақшлар орасига Навоий бобомизнинг шоҳона байтлари ҳам нафис қилиб ёзилади. Бу ерга келувчи зиёратчилар, Навоий шеъриятининг мухлислари гумбазлар остидан вақти-вақти билан таралиб турадиган нафис оҳанглар, улуғ шоирнинг ғазаллари, ва улар асосидаги энг латиф қўшиқларни тинглайдилар.

Деярли битай деб қолган ана шу қасрдан атрофга назар солсангиз, кўзингиз қувонади. Ҳайкалтарошлар Эйнулла Алиев, Василий Дегтярев ва Нодар Бандуладзелар яратган олти ярим метр баландликдаги Навоий ҳайкали ёдгорлик боғи ва унинг марказидаги шеърият қасрига узукка кўз қўйгандай ярашган. Ҳайкалнинг олд томонида анҳор, ҳовузчалар, фавворалар, гулзорлар, рангли мусиқий фаввора, СССР Халқлари дўстлиги саройи кўзга ташланади. Орқа томонда эса Комсомол қўлининг зилол сувлари мавжланиб ётибди. Сувга эгилган мажнунтоллар, анвойи гуллар бу сўлим гўшанинг чинакам шеърият боғи, мангуликка даҳлдор шеъриятга, унинг буюк даҳосига халқ эҳтироми тимсоли эканлигини ёдга солади. Руҳингизда ғурур ва сурур жўшади. Шундай бетимсол даҳога ватандош, шундай буюк халққа мансуб эканлигингдан ҳушёр тортасан. Ҳаёт ва абадият ҳақида, буюк шоиримизнинг 550 йил нарида туриб бугунги авлодларга бераётган сабоғи, асрий ўгитлари ҳақида ўйлайсан. Беихтиёр кўнглингга шу мисралар қуйилиб келади:

Нидо тингла, бу кун,
юртинг тарафдан,
Эй, йироқ Ҳиротда
маскан топган эр!
Огоҳ бўл, Алишер,
сен ушбу гапдан:
Ҳар икки набиранг —
бири Алишер.
Байтингга бир бора
қовушган ҳар лаб
Такрорлаб кетгуси
Маҳшаргача то.
Қаратиб турибсан бу ён,
не ажаб,
Миллиард мартабали
жаҳонни ҳатто.

М. ЭШМУРОДОВ

ИХТИЁР МЕНДА БЎЛСА...

Жумҳуриятда автомобиллар, уларга эҳтиёт қисмлари, турли велосипедлар ва кичик тракторлар ишлаб чиқаришни йўлга қўярдим.

Деҳқонларга жамики зарур нарсаларни ўз вақтида етказиб берган, мева, сабзавот сақлайдиган ва консерва лайдиган энг замонавий заводлар қурардим.

Вилоят ва районларда чиқиндиларни қайта ишлайдиган корхоналар бино қилардим.

Оҳангарон **Фазлиддин ПАРДАЕВ**

Шу жамиятда яшаб туриб, унинг ютуқ ва ташвишларига бефарқ қараб туролмайман. Нарх-наво тобора юқорилаб бормоқда. Мен нарх-наво тутқичини қўлимдан чиқармаган, уни муттасил назоратда тутган, ҳозиргидай ўта ноёбдан ошишларга сира йўл қўймаган бўлардим.

Қўрғонтепа **Холмирза МАТКАРИМОВ**

Дўконларда ҳатто гугурт, туз, чой, оқ ёғнинг ўзбошимчалик билан нархига нарх қўшиб сотиш авж оляпти. Қандай нархга амал қилинаётганини халқ билмай қолди. Камёб молларни-ку, айтмай қўя қолай. Назорат идоралари ўз бурчлари, вазифаларини ўтолмай қолганга ўхшайдилар. Менга қолса, уларни тугатиб, ҳар кимдан қонунга кўра жавобгарлик талаб қилардим.

Узун **Шомурод ҚУРБОНОВ**

Жумҳуриятдаги ҳар бир фуқаро ўз халқини ҳозирги қийин аҳволдан қутқаришни орзу қилади. Менга қолса, Қўқонда қанд заводи қурардим. Шаҳар атрофидаги туманлардан бирини қандлавлаги экишга ихтисослаштирардим. Ахир, 1942 йилда Украинадан кўчириб келтирилган қанд заводи аҳолини қанд билан бемалол таъминлаб турган эди-ку!

Ўзбекистон тумани **Раҳматулла МЕЛИБОЕВ**

Аэропорт, темир йўл кассаларини йўқотиб, ўрнига ҳалол ишлайдиган автомат-кассаларни қўярдим. Барча ғирромликлар барҳам топарди.

Қиргули **С. СОДИҚОВ**

Оқсоқолимиз А. Каримовнинг халқ манфаати йўлида чиқараётган яхши қарорларини ҳам ўқимай, фақат ўз атрофига суянчиқ, сандиғига бойлик, соғлигига шифо шарбату, кўнгил хушига айш-ишрат излаётганларнинг ҳақиқий башараларини халққа кўрсатардим.

Фарғона **С. ҚИРОНОВ**

ЎЗБЕКИСТОН—ҲИНДИСТОН: ҲАМКОРЛИК КУНДАЛИГИ

ДЎСТЛИК ТИМСОЛИ

ҲИНДИСТОННИНГ «ТАТА ПРОЖЕКТС ЛИМИТЕД» КОМПАНИЯСИ ТОШКЕНТДА ОЛТИ ЮЗ ЎРИНЛИ МЕҲМОНХОНА ҚУРМОҚДА

Ўн тўрт қаватдан иборат бу муҳташам бино ҳозирча шартли равишда «Тож-Бобур» деб номланган. Бу сўзни талаффуз этишингиз билан беихтиёр Ҳиндистонда улуғ шоиримиз Бобур авлодлари бунёд этган афсонавий Тожмаҳал эсга тушади. Ўрта Осиё ва Ҳиндистон меъморий санъати ажойиб бир тарзда уйғунлашган бу обида ўз гўзаллиги билан ҳамон одамларни ҳайратга солиб келмоқда.



Тошкентдаги тураржой ва жамоат биноларини экспериментал лойиҳалаш илмий-тадқиқот институти ҳамда «ТАТА» компаниясининг ижодкорлари пойтахтимизнинг 1 МАЙ шохкўчасида қад кўтараётган меҳмонхонани лойиҳалашда ҳам ана шундай муштарак қадимий меъморчилик санъатини, айни пайтда XX асрнинг модерн услубларини уйғунлаштиришга ҳаракат қилдилар. Бу компания билан «Внешстройимпорт» бошқармаси ўртасида 1987 йили тузилган контрактга биноан ҳиндистонликлар валюта ҳисобида йигирма миллион сўмлик, Тошкентдаги баланд бинолар қуришга ихтисослашган 11-трестнинг 17-қурилиш бошқармаси эса ўн олти миллион сўмлик бунёдкорлик ишларини бажаришни ўз зиммаларига олишган. Ҳозир қурилишдаги ишларнинг 70 фоиздан кўпроғи адо этиб бўлинди. Унда дўст мамлакатдан ташриф буюрган 500 дан ортиқ бинокор ва 60 нафар инженер-техник ходим иштирок этмоқда.

Келишувга биноан иншоотга цемент, қум-шағал, тахта-ёғоч, пўлат арматуралар, мармар ва гранит Ўзбекистон томонидан етказиб берилмоқда. Юкларни ортиб-тушириш, транспорт хизмати, инженерлик тармоқларини улаш, телефон ва фин лифтларини ўрнатиш ҳам тошкентликлар зиммасида. Асосий қурилиш техникасини денгиз ва темир йўл орқали Ҳиндистондан олиб келган «ТАТА» компанияси эса қолган барча асосий ишларни узукка кўз қўйгандек амалга оширмоқда. Хусусан, бинонинг барча деворлари улар томонидан тўла монолит бетондан қуйма ҳолда тикланмоқда. Пардозлаш учун мўлжалланган нақшин плиталар, линолиумлар, палос-гиламлар, турли инженерлик жиҳозлари ҳам Ҳиндистондан келтирилмоқда.

— Мармар ва гранитнинг ўз вақтида етказиб берилмаётганлиги ҳинд бинокорларининг қўлини боғлаб қўйяпти, — дейди буюртмачи ташкилот қурилиш дирекцияси раҳбари Вадим Порфиров.— Шу боис меҳмонхонани фойдаланишга топшириш муддати келгуси йилнинг 1 апрелига қадар чўзилиши мумкин...

Шуни айтиш керакки, ҳиндистонлик бинокорлар Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида ҳам 530 ва 430 ўринли ажойиб меҳмонхоналар бунёд этишмоқда. Уларнинг ҳаммаси чет эл туризми бўйича собиқ давлат комитети ва ҳукумат маблағларидан қурилаётган эди. Эндиликда жумҳуриятлар халқаро туризмдан келаётган даромадларни ўз тасарруфига олишга ҳаракат қилмоқда. Демак, Иттифоқ шартномаси имзолангач, бу меҳмонхоналардан фойдаланиш ҳам жумҳуриятнинг ўз ихтиёрида бўлади.

Мадраслик таржимон йигит Ганеш Гованд Раж бизни пардоз ишларини олиб бораётган моҳир қурувчилар билан таништирди. Деҳлидик Рави Кумар, мадраслик Мангал Сингх, бомбейлик Қутти Найр ва бошқалар ўзлари амалга ошираётган бунёдкорлик ишларидан мамнун.

— Баланд қаватларда жойлашадиган ёзлик айвонлар, ҳовузлар, ер ости гаражлари, осиёча чойхоналари бўладиган биринчи даражали халқаро классдаги бу меҳмонхона ҳинд ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстлик ришталарини боғлаб турувчи ўзига хос ёдгорлик бўлади, — дейди қурилиш бошқарувчиси В. Кхандикар.

Дарҳақиқат, халқларимиз дўстлиги, ўзаро меҳр-муҳаббати ифодаси бўлган бундай обидалар кўп. Уларнинг ҳар бири кўп асрлик тарихга эга. Бугун ўз мустақиллик ҳуқуқларини қўлга киритаётган жумҳуриятимиз Ҳиндистон сингари буюк мамлакатлар билан алоқаларини мустаҳкамлаш, қўшма корхоналар қуриш, ўзаро олди-берди ва борди-келдиларни ривожлантиришдан ҳар жиҳатдан манфаатдордир. Шу маънода ўзбек ва ҳинд қурувчилари биргаликда ажойиб меъморий иншоотлар, муҳташам меҳмонхоналар бунёд этаётганлиги ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйишда муҳим қадамдир.

ХОРИЖГА КИМ БОРАДИ?

Ошкоралик шарофати туфайли жумҳуриятимиз билан хорижий мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликлар учун йўллар очила бошлади. Борди-келдилар кўпаймоқда. Иқтисодий, савдо-сотиқ, маданий жабҳадаги алоқаларни янада кучайтириш йўллари изланмоқда. Хўш, бу жараёнда ижодий ташкилотлар, бевосита шоирлар ва адиблар ўртасидаги ҳамкорликлар қандай кечмоқда! Мухбиримизнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси чет эллар билан адабий алоқалар комиссиясининг масъул котиби Раъно НОСИРОВА билан суҳбати ана шу хусусда борди:

— Комиссиямиз 1958 йилда Тошкентда ўтган Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг анжумани муносабати билан ташкил этилган. Дастлаб у жумҳурият Ёзувчилар уюшмаси қошидаги Осиё ва Африка ёзувчилари билан алоқа боғловчи Ўзбекистон қўмитаси деб аталган. Шу ном остида ўлкамизга Осиё ва Африка мамлакатларидан келган ижодкорларга, айни пайтда, юртимиздан ўша хорижий мамлакатларга бормоқчи бўлган адибларга хизмат кўрсатган.

Кейинчалик унинг фаолият доираси кенгайиб, чет эл давлатлари ёзувчиларининг ҳаммаси билан ҳамкорлик қила бошлади. Сўзим аниқ бўлиши учун баъзи бир фактларни келтириб ўтаман. Масалан, 1988 йилда ССЖИ Ёзувчилар уюшмаси таклифига мувофиқ жумҳуриятимизга 20 дан ошиқ мамлакатдан 150 га яқин ижодкорлар келишган. 1989 йилда 16 давлатдан 100 га яқин адиблар меҳмон бўлган. Ўтган йили эса 11 мамлакатдан 60 ёзувчи келган. Шу билан бирга ижодкорларимиз мамлакатимиз Ёзувчилар уюшмасининг турли делегациялари таркибида хорижий ўлкаларда бўлдилар. Масалан, 1988 йилда 12 адиб 10 мамлакатда, 1989 йилда 10 ёзувчи 10 яқин давлатда, ўтган йили 10 га яқин ижодкор 6 мамлакатда меҳмон бўлдилар.

— Бу рақамлардан кўриниб турибдики, кейинги йилларда бир қадар эркинлик, демократия шароитида ижодкорларнинг четга чиқиши ҳам, бизга келиши ҳам кўпайиш ўрнига камайиб кетган. Бунинг сабаблари нимада!

— Аҳволимизни тўғри пайқабсиз. Бунинг сабаблари эса кўп: юртимизда нарх-навонинг кескин ошиши, ҳар бир ташкилот ва корхонанинг ўз-ўзини молиявий таъминлашга ўтиши, қолаверса, жумҳуриятларнинг ўз суверенлиги... Бу сўзлар оғизни тўлдириб айтишга яхши, лекин бирор ташкилотнинг чўнтагини қаппайтирмайди. Маблағи бўлмаган одам эса меҳмон ҳам кутолмайди, меҳмонга ҳам боролмайди. Энг асосийси, ССЖИ Ёзувчилар уюшмаси юртимизда бозор иқтисодига ўтиш муносабати билан илгаригидек ўз ҳисобидан ёзувчилар делегацияларини хорижга юборолмайдиган бўлди. Хусусан, кейинги икки йил ичида бирорта ижодкор марказдаги уюшмамиздан чет давлатга бориш учун таклифнома олгани йўқ. Ўзимизнинг уюшмамизга келсак, бировга таклифнома берадиган даражада моддий маблағимиз етишмайди.

— Лекин шунга қарамай ўтган йил ҳам, бу йил ҳам кўплаб ижодкорлар чет элларга бориб келишди-ку. Баъзи бировлари эса бундай имкониятга икки-уч марта сазовор бўлишди. Ахир уларнинг ҳужжатларини ҳам Ёзувчилар уюшмамиз тўғрилаб беряпти-ку!

— Саволингиз тўғри, 1990 йил ҳам, бу йил (ҳозиргача) ҳам, ҳар йили ўнтадан ошиқ ижодкор чет элда бўлиб қайтишди. Уларнинг ҳужжатларини бизлар расмийлаштирганимиз ҳам рост. Лекин бу адибларнинг бирортаси ҳам хорижга уюшмамиз ҳисобига ёки унинг раҳбарияти хоҳиш-истаги туфайли боргани йўқ. Ҳозир ким хорижий мамлакатга бораётган бўлса, бу ўша мамлакатдаги бирор жамоат ташкилотининг ёки маданий, ижодий, диний уюшманинг ёзувчиларимиз номига махсус йўлланган таклифномаси орқали амалга оширилмоқда. Ҳатто уларнинг сафар харажатлари ҳам уюшмамиз ҳисобидан эмас, ё ижодкорнинг ўз, ё ўша хориждаги таклифнома йўлланган ташкилот ҳисобидан бўлмоқда.

Баъзи ижодкорларнинг чет элга икки-уч бор бориб келаётганлари сабаби ҳам хорижий ташкилотларнинг бу ижодкорларга қизиқиши сабаблидир. Масалан, М. Солиҳ ўтган йил АҚШга икки бор, Германияга бир марта бориб келди. Т. Пўлат эса АҚШ, Франция, Швецияда бўлди. Табиийки, бу ижодкорлар шахсига ва асарларига ўша мамлакатларда қизиқиш катта экан, юртларига таклиф қилган экан, уларга эътироз билдиришимиз адолатсизлик бўларди.

— Хорижий мамлакатлардаги ташкилотлар нега кўпроқ бир хил ижодкорларни таклиф қилишмоқда!

— Аслида бу савол билан ўша ташкилотлар ва муассасаларга, ижодий, маданий ва диний уюшмаларнинг масъул кишиларига мурожаат қилинганда айни муддао бўлар эди. Бироқ, начора, бу саволни менга бераётган экансиз, унга бажонидил жавоб бераман. Билишимча, бу ташкилотлар кўпроқ нафақат жумҳуриятимизда, балки ўз мамлакатларида ҳам номлари чиққан, асарлари чоп этилган, хуллас ўз китобхонларига яхши таниш етук ижодкорларни таклиф этмоқдаларки, менимча, бунда бошқа сир йўқ. Фурсатдан фойдаланиб, шуни айтмоқчиманки, ёзувчи хорижий мамлакатга ошна-оғайнигарчилик ёки шунга ўхшаш бошқа йўллар билан эмас, балки ижодий ютуқлари, инсоний, гражданлик бурчини адо этиш воситасида ўзига йўл очиши керак.

Қолаверса, жумҳуриятимиз Ёзувчилар уюшмамиз келгусида моддий жиҳатдан янада бойиб, ўз имкониятларига эга бўлса, ўйлайманки, ижодкорларимизнинг хорижий мамлакатлар билан бевосита боғланиши учун қулай шароитлар пайдо бўлади.

ДЕРАЗА ОРТИДАГИ БАҲОР

ЁДНОМА

Домла сал ҳадиксираган ҳолда отасининг ёнида одоб билан қўл қовуштириб турган болага тикилар экан, кўнглидан «Жуссаси кичкина-ю, ҳали ёш эмасмикан?» деган ўй кечди. Домланинг кўнглини сезган Расул ака сал жилмайганча, тавозеъ билан унга мурожаат қилди:

— Домла, ўғлим Холмуҳаммад катта йигит бўлиб қолди. Худо хоҳласа, бу йил етти ёшга тўлади. Унга ўзингиз таълим бериб, илм ўргатсангиз деб, бу ерга олиб келдим. Эти — сизники, суяги — меники.

Ўша куни, очиғини айтганда, домла Расул аканинг қўлидаги катта тугуннинг баҳридан ўта олмай, болани мактабда олиб қолди.

Орадан бир неча йил ўтгач, домла Расул акани мактабга йўқлатди. «Мактаби жадидия»нинг русумига кўра ўша куни мактабда толиблар имтиҳони бўлди. Баъзи болалар кўпчилик олдида ўзларини йўқотиб, саволларга тутилиб-тутилиб жавоб бердилар. Жиккаккина Холмуҳаммад эса, ҳамма саволларга баланд овозда бийрон-бийрон жавоб қайтарарди. Ҳаммадан ҳам у Фузулийнинг:

Шифойи васл қадрин
ҳажр ила бемор ўландан
сўр,
Зулоли завқ-шавқин
ташнан диндор ўландан
сўр

байти билан бошланувчи ғазалини ёд ўқиб, барчанинг таҳсинига сазовор бўлди. Шунда домла Расул акага мурожаат қилиб: «Мулла Расул, сиз Холмуҳаммаддек фарзанди азизнинг падари сифатида беқиёс бахтга мушаррафсиз. Мана, жамоат гувоҳ, худо хоҳласа, бизнинг шогирдимиз, сизнинг эса фарзандингиз Холмуҳаммад келгусида кўп билимли ва айни замонда миллат учун керакли инсон бўлиб етишгай!» — деди ва қўлини фотиҳага очиб дуо қилди. Жамоат эса домланинг ҳар бир тилагига «Илоҳо омин!», деб қўшилиб турди. Ёлғизгина ўғлининг бу қадар эҳтиромга сазовор бўлганини кўрган Расул ака ўша куни кечқурун уйдаги сигирини олиб бориб, домланинг норозилигига қарамай, унинг ҳовлисидаги ўрикка боғлаб келди.

Буни қарангки, домланинг дуоси мустажоб бўлиб, у бутун умрини маърифат ва санъату маданиятга бағишлади.

●

Қўлимда «Совет адабиёти» ойномасининг 1936 йил 5-сони... Унда эълон қилинган «Ой тепада» сарлавҳали шеърнинг муаллифи Холид Расул. (Бу ўша Расул аканинг фарзанди Холмуҳаммад, ўз шеърларини илк бор шу имзода эълон қилган экан. Аммо бу имзо тахаллус сифатида бир умр сақланиб колди...)

Холид Расулнинг бу шеъри ойномада Шайхзоданинг «Тингла, эй кўнгил!», «Баҳорда ёмғур», «Дайди шамол», Восит Саъдулланинг «Соғиндим...», Лермонтовнинг «Демон» (Усмон Носир таржимаси), Абдулла Қодирийнинг «Ғирвонли Маллабой ака», Зулфиянинг «Ҳожар», Жалил Қодирийнинг «Ижодим менинг», М. Абдуллаевнинг «Поляк қизи Таняга» сингари асарлари қаторида чоп қилинган.

Шу билан бирга, айни ойномада А. Луначарскийнинг «Ленин ва адабиёт билими», Ҳамид Олимжоннинг «Фитрат адабий ижоди ҳақида», Ж. Шарифийнинг «Тозагул» ҳақида» (Элбек асари) сингари мақолалари ҳам эълон қилинган. Ойномани варақлаб чиқдиму, бир воқеа ёдимга тушди.

Ётмишинчи йилларда Адабиёт музейи профессор Ҳ. Расулнинг рангли сувратига буюртма берди. Бу буюртмани Шарқ санъати ва адабиётидан хабардор бўлган рассом Павел Воронкин адо этадиган бўлди. У Холид Расул билан кўп учрашди, шеърларини ўқиди. Ниҳоят, суврат тайёр бўлди. Унда Холид Расул шинамгина хонадаги ёзув столи ёнида кенг дераза орқали кўриниб турган баҳор манзарасига ўйчан тикилиб ўтирибди. Унинг қўлида бир тутам лола... Бу деталь билан рассом Холид Расул ижодининг ҳаёт билан алоқадорлиги ва у кишиларни ҳаёт нафосатидан баҳраманд этувчи ижодкор эканини ифодаламоқчи бўлган эди. Расмдаги бу деталь Ҳ. Сулаймонга ҳам маъқул келди. Бироқ бу суврат бадиий кенгаш аъзоларига намойиш қилинганда, уларга нечундир ёқмади. Оқибатда, рассомнинг қаттиқ норозилигига қарамай, сувратга ўзгартишлар киритилди ва ижодкор Холид Расул дераза сиз уйда қўлига қалам тутиб турган ҳолда тасвирланди. Ҳозир ўз-ўзимга савол бераман. Ўша йиллари Холид Расул ҳам рассом Павел Воронкин аҳволига тушмаган деб ким кафолат бера олади?!

Холид Расул шеърларида баҳорни кўплаб ўтди. Тақдирнинг ҳукмини қарангки, Холид Расул айни баҳор фаслида вафот этди. Аммо ажабланарлиси шундаки, ўша куни ҳавони қўрғошин тус булутлар қоплаб, баданни тешиб юборгудек изғирин турди. Жанозага келган айрим тобуткашлар уйларидан иссиқроқ кийиниб чиқишар экан, менинг хаёлимни бошқа бир ўй чулғаган эди. Гўё Холид Расул ўз ўлими билан баҳордан кейин қиш келмаслиги лозимлигини исботлаётгандек ва одамларни бундай тескари ҳаракатга энди йўл қўймасликка даъват этаётгандек эди.

●

Бу дунёда халқни, илм-фанни ўйлаб, ҳалол яшаб ўтган инсон насларга яхши мерос қолдиради. Мен бу табаррук инсон лоақал ўз умрининг сўнгги йилларида амалга оширган ишларидан иккитасинигина санаб ўтсам дедим:

Холид Расул томонидан Аваз Ўтар шеърий меросининг танқидий матни тузиб чиқилди ва ўз қўли билан араб алифбосида кўчирилди.

Зокиржон Фурқатнинг мавжуд шеърий меросининг танқидий матни икки томда тузиб чиқилди ва араб алифбосида қоидали қилиб кўчирилди.

Ҳақиқатан ҳам, бундан кейин қачон бўлмасин, Аваз Ўтар ўғли ёки Зокиржон Фурқат шеърияти нашр қилинар экан, Холид Расул тайёрлаган матнга мурожаат этмай иложимиз йўқ. Бундан кўринадики, Холид Расулнинг жисмоний умри якун топган бўлса-да, унинг халқига манфаат келтирувчи маънавий умри энди бошланди.

Тўхтамурод ЗУФАРОВ

Доимий ҳамроҳ

«НАВОИЙ ДАВРИ ТАБОБАТИ»

«Халқимиз ҳақиқий олим ёки буюк шоирларни офтобга, шамга қиёс қилади. Офтоб ҳаммага баравар нур сочади, шам эса ўзи ёниб, эриб, атрофдагиларга зиё бағишлайди. Алишер Навоий ҳам ана шундай даҳолардан биридир», деб ёзишади муқаддимада китоб муаллифлари Маҳмуд Ҳасаний ва Сурайё Каримова. Ушбу рисолада XV—XVI асрда Мовароуннаҳр, Хуросон, Эронда яшаган табиблар ва уларнинг тиббий асарлари хусусида маълумотлар берилади, Улуғ Навоий асос солган Дорушшифо (Даволаш уйи)да ишлаган табиблар бирма-бир таништирилади. Шу билан бирга, Навоийнинг тиббий ҳикматлари, шоир яшаган даврдаги ҳозиқ табиблар асарларидан намуналар ҳам китобчадан ўрин олган.



Китоб Шарқ миниатюраси услубида ишланган. Аммо бир «нозик қусури шундаки, бошқа камёб китоблар қаторида «Навоий даври табобати» рисоласи юпқа муқовада босилди, у матбаа ижроси нодурустлигидан қўлма-қўл мутолаага чидаш беролмайди.

«Навоий даври табобати» Ибн Сино номидаги нашриётда (Ўзбекистон ССР Давлат матбуот қўмитаси қошидаги «Ижод» давлат кичик корхонаси билан ҳамкорликда) чоп этилди. Масъул муҳаррир У. А. Каримов, тақризчи И. Абдуллаев, бўлим мудири М. Орифжонова, нашриёт муҳаррири А. Қодирова. Муқовани Абдумажид Қаҳҳоров, ички безакларни Неъмат Ҳаким ишлаган. Нусхаси 150 минг, баҳоси 4 сўм.

«ЭЛ ДЕСА НАВОЙИНИ»

Мажмуага ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳақида халқ яратган ривоятлар тўпланган. «Алишер ва булбўл», «Алишер билан шайх», «Мир Алишер рати», «Ҳаддингдан ошсанг мозорга бор!», «Доно Алишер» каби ривоятлар сарлавҳасиданоқ гап нималигини уқиб олиш мумкин.



Тўплам сўнгида ривоятлар манбалари кўрсатилган. «Эл деса Навоийни» китоби «Чўлпон» нашриётида босмадан чиқди. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи филология фанлари номзоди Маматқул Жўраев. Мусаввир Л. Иброҳимов, муҳаррир Чори Аваз. Нусхаси 50 минг, баҳоси 1 сўм 40 тийин.

«ҚИЗИҚ ҲИКОЯТЛАР»

Ўн икки ҳикоятдан иборат ушбу китобча кичик мактаб ёшидаги болаларга мўлжалланган. Унда танбал, қаллоб, очофат, девона, золим подшо ҳамда қаландарлар ҳақидаги ибратомуз ҳаётий ҳикоялар ўрин олган. Китобча А. Гуломовнинг чиройли безаклари билан ишланган. Муҳаррир Ҳ. Имонбердиев, «Чўлпон» нашриётида чоп этилган мўъжаз китобчанинг баҳоси 45 тийин. У 100 минг нусхада босилди.

Бахтиёр ОМОН



«ТОШ КИТОБ»

Сўнгги йилларда ўзбек ва тожик ижодкорларининг ўзаро алоқалари яна ҳам кучайди. Тожикистонда ўзбек, ўзбекистонда тожик ёзувчи ва шоирларининг китоблари тез-тез нашр этиб турилибди. Таржимачилик ҳам жонланди. Яқинда Душанбедаги «Адиб» нашриёти ўзбек тилида «Тош китоб» деб номланган тўпламни босмадан чиқарди. Китобдан Мўмин Қаноат, Лойиқ Шерали, Бозор Собир, Гулрухсор Сафиева, Қутби Киром, Мавжуда Ҳакимова, Озод Аминова, Али Бобожон, Салимшо Ҳалимшо, Наимжон Назирий, Ҳақназар Ғойиб каби кўплаб тожик шоирларининг шеърлари ўрин олган. Тўпламни Жамшид таржима қилган. У шеърларнинг аслига яқин бўлишига, улардаги поэтик мазмунни, ранг ва оҳангларни сақлаб қолишга, шоирларнинг эстетик принципларини бузмасликка интилган.



Китобга филология фанлари доктори Атохон Сайфуллоев сўзбоши ёзган. Тўплам муҳаррири Садри Умар.

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

Андижон вилоятининг Асака шаҳридаги Муҳиддин Қориёқубов номидаги санъат мактабида қизиқарли учрашувлар туркумидан Ўзбекистон ССР халқ шоири, СССР Халқ депутати Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон ССР Халқ артисти, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти совриндори Қизлархон Дўстмуҳаммедова, хонанда Шуҳрат Ҳошимов, Сайфиддин Назиров, актёр Матёқуб Матчонов билан учрашув бўлиб ўтди. Абдулла Орипов янги ёзган шеърларидан ўқиб берди, келгуси ижодий режалари ҳақида сўзлади. Адабиёт ихлосмандларининг кўплаб саволларига жавоблар қайтарди.

Шундан сўнг, мусиқий тароналар янграб истеъдодли раққоса Қизлархон Дўстмуҳаммедова ўзбек ва Шарқ халқларининг рақсларидан тузилган гулдастасини намойиш этди. Таниқли раққоснинг рақслари Шуҳрат Ҳошимов, Сайфиддин Назировнинг кўнгилочар қўшиқларига, шўх яллаларига уланиб кетди. Иқтидорли актёр Матёқуб Матчонов ижро этган кулгуга бой ҳангомалар, қизиқчилик чиқишлари эса учрашув қатнашчиларига яхши кайфият, руҳий кўтаринкилик бағишлади.

Муҳиддин ҲАКИМОВ

ШАХСИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

УЗОҚДАН КЕЛАЁТГАН ИҒВОЛАР

● УЛАР РОСТДАН ҲАМ БИЗ УЧУН ҚАЙҒУРИШАДИМИ ЁКИ ЎЗ «ҒАМ»ЛАРИ ҲАМ БОРМИ! ● ҚАНД ИЧИДАГИ ЗАҲАР.
● НАЙРАНГЛАРГА ЧУВ ТУШИБ ҚОЛАВЕРАМИЗМИ!

БИЗ ТУРҒУНЛИК ДЕБ АТАГАН ЙИЛЛАР ОРТДА ҚОЛДИ. Янги даврнинг илк босқичларига баҳоли қудрат баҳо бериш имконимиз бор. Зеро, биз истаймизми, йўқми бу жараён матбуот саҳифаларида тарих учун абадий муҳрланиб қолган. Ошкоралик эпкинлари эсиб, марказий нашрлар 20, 30, 50 йиллардаги ғирромликлар ҳақида ёза бошлаганда «хайрият-е, ҳақиқат бор экан», деб суюндик. Сўнг бу матбуот миллий жумҳуриятлардаги кўзбўямачиликларни фош этишга енг шимариб киришиб кетди. Дастлаб «Қойил!» дедик. У бир томондан гўё ҳақиқатни очгандай бўлиб, аста-секин халқимизни бадном қилаётгани, ор-номусимиз, миллий қадриятларимизни ерга уриб, бизни бутун жаҳонга ёмонотлиқ қилаётганини эса сезмай қолдик.

Оқибатда бундай жазава ғайри табиий кампания сифатида кенг қулоч ёйиб кетди. Бирортамиз бу ҳақда Москва матбуотидан чиқиб иғволарга қарши жавоб бера олмадик. Чунки улар бизни яқинларига ҳам йўлатмасдилар.

Айнан ўша кезлари бутун жаҳонга дўмбира қилинган «Аҳмаджон Одилов иши» нима бўлди? У пайтдаги марказий газеталарнинг қулоч-қулоч мақолалари қаёқда қолдию, қилни қирқ ёрадиган юксак вақолатли ҳуқуқий идоралар олти йилдан бери бир одамнинг бўйнига «қилган айблари»ни қўйиб бера олмаганликлари қаерда қолди? Қонуншуносларнинг ўзи қонунни юз бор бузиб бир маҳбусни шунча йил ҳисбда ушлаб туришлари нимани англатади? Тўғри, ҳозир А. Одилов устидан суд жараёни кетаяпти. Бир вақтлар жазавага тушиб бу иш ҳақида ёзганларнинг негадир попуги пасайиб қолганга ўхшайди. Ё улар подадан олдин чанг чиқариб, Одилов баҳонасида ўзбек халқини бадном этиб бўлдиларми?

Одиловни қўя турайлик, бизнинг кундалик турмушимиздаги энг майда нарсалар ҳам марказнинг қитмирликлари учун катта иш бериб қолганига неча бор гувоҳмиз-ку!

Таниқли адабиётшунос Норбой Худойберганов яқинда шундай бир гапни айтди. «Литературная газета»нинг Ўзбекистондаги мухбири ҳузурига чорлаб давлат тили ҳақидаги Қонуни муносабати билан мақола ёзиб беришни таклиф этибди: хусусан, Тошкентдаги бирорта ўзбек яшамайдиган қандайдир бир кўчадаги (шундай кўчаларимиз ҳам оз эмас!) номлар Қонунда кўрсатилганидек, ўзбек тилида ёзилганлиги шу кўчада яшовчи русий забон одамларнинг норозилигини кўзғаган экан. Шуни айтиш, яъни навбатдаги иғвогарлик учун Норбой аканинг А. Кружилинга «маъқул тушгани»ни қаранг. Ҳайриятки, Норбой ака таклиф тагидаги мақсадни тушуниб уни рад этибди. Ҳатто, Қонунни мана шундай нотўғри талқин этиб, одамлар орасида тушунмовчилик келтириб чиқаришнинг ўзи ғирромлик эканини айтиб мухбирни шаштидан туширибди...

Бундай иғволар бизнинг қайноқ қонимизни гупиртириб, эҳтиросларни алангалата бошлаганида баногоҳ ҳушёр тортдик, иғволарга учмаслик йўлини ахтара бошладик. Лекин улар ўзининг мараз ишини қилиб бўлган эди: Фарғонада олов чиқди. Устомонлар сунъий равишда тайёрланган ур-йиқитдан яна ўзбек халқининг юзини қора қилиш учун фойдаландилар. «Литературная газета»дан бошқа барча нашрлар жазавага тушиб, Ўзбекистондаги экстремистлар ҳақида оғиз кўпиртира бошлашди. Қулай пайтдан фойдаланиб, халқимиз бошига мағзава ағдаравердилар. Ҳатто энг ҳақиқатгўй деб ном қозонган В. Коротич бошлиқ «Огонёк» ҳам шармандали фисқу-фасодга йўл қўйиб берди. А. Головков деган кимса ўзбекларни эринмай бутун жаҳонга ёмонотлиқ қилиб довруқ қозонди.

Ўзбекистон журналистларининг норозилик митинги, бу нашр адресига юборилган ўнлаб номалар «Огоонёк»ка мутлақо таъсир қилмади. Бу нашрнинг раҳбарияти норозилик туйғуларини заррача инобатга олмай нуқул туҳматдан иборат шу мақола учун унинг авторига мукофот берди. Буни қандай тушуниш керак? Бизнинг келиб-келиб энг ишонган нашримиз шундай қилиб ўтирса, Москва нашрларининг яна қайси бирига ишонамиз? Умуман, уларнинг бирортасига шу нашр ҳақиқатни ёзади, деб умид боғлаб бўладими. Бир қаламкаш сифатида мени шу ўйлар қийнайди.

«Комсомольская правда» демократларнинг ёнини олаётганидан суюнамиз, тан берамиз. Бироқ бошқаларни билмадиму менинг кўнглимда бу нашрга нисбатан ҳам хадик-хавотир бор. У истаган пайтда сенсациянинг изидан қувиб, бизлаги арзимаган нарсани дўмбира қилиши мумкин. Болтиқбўйидаги, Грузия ва Озорбойжондаги воқеалар хусусида марказий матбуот нималарни ёзмади. У жойлардаги русий забон халқларнинг «аҳволи чатоқ» бўлаётганию экстремистлар жазавасидан бошқа яна нимани ўқидик. Қаердаки, ким тўғри гапни айтган, ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб чиққан бўлса миллатчи ва экстремист деб баҳоланди. Тилимизни ўрганинг, туз тотган жойингизга ҳурматда бўлишни ўрганинг, дейишса, «дод, бошқа халқларга зуғум ўтказишяпти», деб ёзишди.

ФАҚАТ КЕЙИНГИ ПАЙТЛАРДАГИНА Болтиқбўйида иш олиб бораётган айрим марказий газеталарнинг мухбирлари ОМОНчиларнинг ҳаддан ошишларини қоралай бошлашди. Шунда ҳам уларнинг ичида қитмирлари истаганча топилади. Улар туб жой халқнинг миллий манфаатларини, ҳақ-ҳуқуқларини эмас, у жойдаги русий забон халқнинг манфаатларини ҳимоя қилишни асосий мақсад қилиб олган кўринадилар. Бундай позицияда туриб адолатли гап айтиш мумкинми? Йўқ!

Биргина ўша А. Головковнинг Фарғона фожиалари хусусидаги нуқул туҳматдан иборат мақоласини эсланг. У бизнинг халқимиз бошига не-не маломатлар бўлиб ёғилмади. Шу мақоладан сўнг ўзбекларга нисбатан душманлик кайфиятлари авж олиб кетди. Армияда хизмат қилаётган аскар йигитларимиз озмунча азоб тортишдими! Тинч замонда уларнинг баъзи бирлари уйларига тобут бўлиб қайтдилар. Бу мусибатга чидаш мумкинми? Жумҳурият ҳукумати армияда юз бериб турган фожиаларнинг олдини олиш учун халқ депутатларимиз билан биргаликда саъй-ҳаракат кўрсатмоқда. Бироқ бу кўргуликлар тўхтади, деб айтолмаймиз. Иғво ҳамон ўзининг мараз ишини давом эттирмоқда.

Миллий жумҳуриятлар ишига, уларда кечаётган жараёнларга аралашувлар марказий матбуот саҳифаларидан истаганча вайсаш учун кенг имконият бериб қўйиш билан рағбатлантириб келинди. Наҳотки, марказдаги газеталарнинг мухбирлари Ўзбекистон ҳаётида бирор арзирли воқеа, муҳим ўзгаришни кўрмаётган бўлсалар. Тўғри, биз қийин шарт-шароитларда, танг иқтисодий вазиятларда яшаяпмиз. Аммо жумҳуриятдаги қатор корхоналар, хўжаликлар иқтисодий мустақилликнинг янгича муносабатларини дадил ўзлаштирмоқдалар. Энди иложи борича халқнинг тарқатади, жаҳон мусулмонлари кўзи ўнгида бизни ёмонотлиқ қилишга шошилишади. Кўнгли тўғри одам ҳеч вақт бундай қилмайди. Буларни эшитиб «Ё, фалак!» деб юборасиз. Беихтиёр шоирнинг ушбу мисралари ёдга тушади:

Дейдилар, ит ҳурар — ўтади карвон,
Ранжу балолардан ёнмасин жонинг,
Лекин алам қилар, бир умр гирён
Итлар орасидан ўтса карвонинг.

Биз Фарғона, Қўқон, Паркент ва Ўш воқеалари талқинида халқимизга нисбатан носамимий муносабатларнинг гувоҳи бўлдик. Умуман, одамларни бир-бирига қайраб, «портлаш» мумкин бўлган адоват ўчоқлари яратиш айрим марказий матбуот ходимлари учун одатий касбга айланганлиги эндиликда ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Бироқ хом сут эмган банда деганларидек, ҳали ҳам биз барча ҳақиқатни Москва айта олади, деган янглиш тасаввур билан яшаяпмиз. Узимизча мухолифларимизга Москва матбуоти орқали зарба беришга ҳаракат қиламиз. Йўқ, мен асло уйдаги гапни кўчага чиқармаслик керак, демоқчи эмасман. Уйдаги гапимиз кимнинг кўчасига бориб айтилаётганини унутмайлик демоқчиман.

бемалол баҳона қилиб кўрсатаверадилар. Бизнинг ҳурматли марказлик ҳамкасбларимиз эса муаммонинг бу томони билан асло қизиқмайдилар.

Шу кунларда ҳам бир томондан ойна жаҳон орқали самолётсозлик бирлашмасига ишчиларни жалб этиш тўғрисида тарғибу ташвиқ бўлаётган бўлса, иккинчи томондан эса ҳамон марказдан ишчи жалб этиш тўхтагани йўқ. Қайтанга корхона раҳбарлари бу борада ўз бирлашмалари учун алоҳида имтиёзлар яратиб олганлар. Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасида бўлиб ўтган матбуот конференциясида айтиб ўтилганидай, бу бирлашмада чиқарилаётган «Руслан», «Мрия» типидаги янги самолётлар асосан Ўзбекистон ресурслари, бойликлари ҳисобига дунёга келаётган бўлса-да бирон жойда бу ҳақда гапирилмайди. Ахир, бу корхонада ишлаган одамда ўз ишидан маънавий қониқиш, фахр-ифтихор туйғуси ҳам бўлиши керак-ку! Наҳотки, Ўзбекистоннинг ер-суви, ҳудудида танг экологик вазиятларни келтириб чиқариб, бу ернинг бойликлари билан яралаётган ҳаво кемаларидан ҳеч бўлмаса бирортасини рамзий қолда ўзбек, Ўзбекистон, Туркистон, Осиё ёки Шарқ комлари билан аташ мумкин бўлмаса!

Тўғри, марказий матбуот баъзан биз айтолмаган, айтишга андиша қилган гапларни ҳам айтаяпти. Лекин у буни бизга қайишганидан, чин кўнгилдан қилаётгани йўқ. Ҳаётимиздаги ғаламларнидир масхара қилиш, кимгадир заҳар нишини ботириб олиш, кимнингдир обрўсини тўкиш, кўп ҳолларда эса «бир ўқ билан иккала қуённи уриш» учун шундай қилади ва гўё шу билан «ҳақиқатни айтдик» дейди. Биз эса коса тагидаги нимкосадан бехабар хўрозқанд теккан боладай суюнамиз.

НАҲОТКИ, ШУ ЧОҚҚА ҚАДАР ЎЗБЕКИСТОНДА ноаҳилликни туғдириши мумкин бўлган ҳар қандай нарсага марказлик мухбирлар ўчлиги боисини тушуниб етмаган бўлсак?! Наҳотки, буни тушунмасдан «бургага аччиқ қилиб кўрпага ўт қўяётган»имизни англамасак! Биз буни айрим тоифалар «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да босилган «Рашидов ҳақида сўз» мақоласига нисбатан қарши фикр айтиш учун Москва матбуотидан фойдаланганида кўрдик. Бугун ҳам баъзилар ўша марказий матбуот соясидан паноҳ топишга уринмоқдалар. Ахир бу мантиқсизлик эмасми?

Марказий матбуот чиндан ҳам ҳақиқат ойнаси бўладиган бўлса, нега айнан ўша марказ орқали ўзбек халқи шаънига таънаю маломатлар ёғдирилганида ҳеч бўлмаса уларнинг бирорта мухбири «йўқ, оғайнилар ундай эмас, биз ўзбек халқининг ичида яшаб, унинг нон-тузини еб юрибмиз, шу нон-туз ҳаққи-ҳурмати бундай демайлик», деб чиқмади? Аскарларимиз шубҳали сабаблар билан уйларига тобут бўлиб қайтаётганида бирорта марказий газета бизга ачиндими ё ҳамдардлик билдирдими? Ҳатто ўша газеталарнинг Ўзбекистондаги мухбирлари ҳам бу ҳақда оғиз очмадилар. Ахир улар вазиятни ўз кўзлари билан кўриб туришган эдилар-ку. Нега Москва газеталарининг бирортаси армиядаги ноҳақликлар ҳақида лом-мим демади? Ёки биз Иттифоқ шартномаси лойиҳасидаги тутурқисизликларни айтганимизда бирорта марказий нашр қувватлаб чиқдими? Йўқ! Улар фақат Москвадаги, марказдаги аввалги ҳокиму мутлоқликни сақлаб қолиш умидида ҳеч нарсадан, ҳар қандай ғирромликдан қайтмаётган консерватив кучларнинг манфаатларинигина ҳимоя қиляптилар. Шундай экан уларга ишониб, бизлаги демократияни ҳимоя қилади, деб умид боғлаб бўладими? Йўқ!

Мана, оддий бир мисол. Марказий матбуот Ўзбекистонда мана бунча одам ишсиз, бироқ кўпгина саноат корхоналарида ишчи кучи етишмайди. Ўзбеклар завод-фабрикаларда ишлашни хуш кўришмайди, улар савдо-сотиқ соҳасида ишлашни афзал кўрадилар, деб ёзиб чиқади. Бу билан ўзбек ишчи синфини шакллантиришга эътибор бермай марказдан ишчи кучлари жалб этилишини ёқлаб чиқади. Ҳолбуки, ўзбеклар ҳам барча халқларнинг фарзандлари каби саноат корхоналарида ишлаб катта-катта маош олишни жон-дилидан истайдилар. Бироқ ўша марказий вазирликларга қарашли саноат корхоналарида уларнинг йўлига қатор тўсиқлар қўйилган. Аввало, бу корхоналар уларнинг она тилига менсимай қарайдилар. Малака эгаллаш учун рус тилини пухта билиш, шунда ҳам ўзини бу ернинг ҳўжайинидай тутадиган «устоз»лардан минг бир дакки эшитиб ишлаши керак. Шундай бўлгач, ким ҳам бундай корхоналарга бориб ишлашни хуш кўради? Корхоналарнинг раҳбарлари шарт-шароитларни атайин шундай қилиб қўядилар-да, сўнг марказдан ишчи куч жалб этиш учун буни

Эсга олайлик, марказий матбуот Грузия халқидан ўз туҳматлари учун неча бор кечирим сўради. Биз бирор марта уларни кечирим сўрата олдикми? Йўқ. Биз аҳил бўлганимизда кечирим ҳам сўратардик, иккинчи бор туҳмат тошини отиш ёки отмаслик ҳақида ўйлаб кўришга мажбур ҳам қилган бўлардик. Бу иш бизнинг қўлимиздан келмаганидан сўнг улар хоҳлаган гапини айтаверади-да!

Менинг ушбу шахсий мулоҳазаларим баъзиларга эриш туюлиши мумкиндир. Лекин биз ҳеч бўлмаса ўз-ўзимизга савол бериб кўрайлик: нега марказий матбуот бу ерда ноаҳилликка йўл очиши, қайсидир тарафнинг обрўсини тўкиши мумкин бўлган нарсаларни тез бериб юборадию бошқа нарсаларга келганда мум тишлаб қолади?

МАНА ИККИ-УЧ ЙИЛДИРКИ, МИЛЛИЙ ЖУМҲУРИЯТЛАРНИНГ суверен ҳуқуқлари, миллий мустақиллиги энг кескин масала бўлиб турибди. Бу хусусда баҳс-мунозаралар давом этмоқда. Марказдаги ўнлаб вазирликлар миллий жумҳуриятлардаги қазилма бойликларни ўз ихтиёрича тасарруф этаётгани, ўша жумҳуриятларнинг манфаатларини назар-писанд этмасдан олтин, кумуш ва бошқа нодир бойликларни асл эгаларига урвоғини ҳам қолдирмасдан ташиб кетаётганлиги ҳақли равишда норозилик уйғотмоқда. Бироқ, марказий матбуот саҳифаларида шу масалага ойдинлик киритувчи биронта мақола ўқидикми? Йўқ. Марказдан келган бирорта мухбир нега Иттифоқ вазирликлари бу халқнинг иқтисодини хонавайрон этиб, ўзларининг хом ашё базасига айлантириб қўйган, деб ёздими? Нега бу ўлканинг бойликлари худди Чор ҳукумати даврида-гидек талон-торож қилинмоқда, деган биронта ҳақиқатгўй топилдими? Ўтган 125 йил мобайнида бу ердан ташиб кетилган нодир маданий ёдгорликлар Москва ва Ленинград музейларидан Ўзбекистон музейларига қайтарилиши керак, деб масала кўтариб чиққан биронта марказий газета мухбирининг номини биламизми? Йўқ! Хўш, улар чиндан ҳам бизга қайишсалар, ғамимизни ейишса, нега булар ҳақида лом-мим демайдилар, ўзларининг ҳақиқатчи эканликларини амалда исботламайдилар!

Қайтанга «Ўзбекистонда етиштирилаётган нознеъматларнинг турли қаллобликлар туфайли Шимол ва Шарққа ташиб кетилишига тўсиқ қўйилганда эса «Ўзбекистон мева-чевангинг йўлига гов солди», деб айюҳаннос солдилар. Ҳолбуки, шундай қарор чиққан пайтда бу ноз-неъматларни етиштирувчи халқнинг фарзандлари уларга тўйишмас, бозор нархлари осмонга чиқиб кетган эди. Ахир, биз ўз халқимиз манфаатини ўйлашимиз керакми ёки йўқми?

Пахтамиз марказдаги корхоналарга сув текинга етказиб берилаётганда жумҳурият раҳбарлари «Биродарлар, энди олди-бердининг бир қисмини жаҳон нархлари бўйича қилайлик» деб таклиф этдилар. Шунда «Время» программаси пададан аввал чанг чиқарди: «Мана кўриб қўйинглар, Иванова корхоналари хом ашё йўқлигидан тўхтаб ётибди. Ўзбекистон пахтасига катта нарх қўйяпти. Бизнинг фалон минг тўқувчимиз энди ишсиз қолади», деб жар солди. Ҳолбуки, Ўзбекистон пахта бермайман, демаган, бор-йўғи пахтанинг фалон фоизини келишилган нархда сотамиз, деган. Шунга шунчалик... Арзон пахтамизга мазахўрак бўлган ўша Иванова тўқимачиларининг вакили эса СССР халқ депутатларининг қурултойида бизнинг Президентимизга қарата «Йўқ, ўртоқ Каримов, бунақаси кетмайди, биз корхоналаримизни сизнинг қиммат нархдаги пахтангизга маҳтал қилиб қўя олмаймиз. Бунга кўнмаймиз», деб очиқдан-очиқ юзсизлик қилди. Шунда ҳам биз овозимизни баландлатганимиз йўқ. Вазминлик билан қатъий фикримизни айтдик. Ваҳоланки, бундай иғволарга нисбатан ўз пайтида жавоб бериб, ғирромларни кечирим сўратишга мажбур қилаётган грузин ёки озорбойжондан ўзбекнинг бирор кам жойи йўқ эди.

Марказий газеталарнинг мухбирларигина эмас, ўнлаб институтларнинг олимлари, вазирликларнинг мутахассислари ҳам бизда мустақиллик йўлида қўйилаётган қадамлардан негадир безовта. Улар ўзларини шу чоққача хўжайин сифатида тутиб келганлари етмайдими? Келганида оёғи остига қўйлар сўйилиб, борганимизда қўша-қўша қовун кўтариб юришларимизнинг ҳам вақти ўтди, чоғи... Негаки, биз марказдаги айрим кимсаларнинг кўнгли тўғри эмаслигини, истаган фурсатдан фойдаланиб халқимизни бадном этишга тайёр турганликларини ўз кўзимиз билан кўрдик. Абдулла Орипов бир шеърида ёзганидек, «бир жойга ўт кетса, чумчуқ хас келтирармиш, қалдирғоч эса сув!» Марказдаги айрим мухбирларнинг кирдикорлари ҳам ана шу чумчуқнинг ишини эслатади. Улар чумчуққа ўхшаб ёнаётган оловнинг янада баттар аланга олишидан мамнунга ўхшайди...

Мен марказий матбуотнинг ҳамма нашрлари, ҳамма мухбирларини бирдай ёмонотлиққа чиқармоқчи эмасман. Зотан бизнинг ижтимоий ҳаётимизда воқеа сифатида кутиб олинган Одил Ёқубовнинг «Қишлоқдаги фожиа», Чингиз Айтматовнинг ўзбек пахтакорига ачиниб ёзган мақолалари, В. Соколов ва А. Минкинларнинг заҳри қотил моддалар ҳақида юксак ҳаққоният билан ёзган мақолалари марказий матбуот саҳифаларидан эълон қилинганини ҳамон мамнуният билан эслаймиз. Биз ҳеч қачон улардан кўз юмолмаймиз. Москвадаги демократик матбуот эски ҳокиму мутлоқлик ақидаларига ёпишиб олган консерваторларни фош этаётгани, ҳақиқий қайта қуриш талафдорлари, тараққийпарвар кучларни қўллаб-қувватлаётганидан хурсандмиз.

Бироқ очиғини айтиш керак, бундай соғлом кучлар марказнинг ўзида ҳам мададга муҳтож. Улар ҳамма гапни, бор ҳақиқатни бемалол айтади, деб умид боғлаш гўллик бўлур эди. Россияда казаклар полклари тузилаётганда уни қарсак билан олқишлаётганлар ким? Миллий жумҳуриятларнинг йигитлари хизматни ўз юртида ўташи ёки миллий қўшинлар тузиш масаласи кескин муаммо бўлиб турган бир пайтда нега казак аталарини билан олий даражадаги учрашувлар ташкил этилмоқда. Буни қандай баҳоламоқ керак? Умуман Россияда казаклар ҳаракатини авж олдиришга бирор зарурат бормиди? Улар қандай мақсадни кўзлаган ўзи? Эрта бир кун келиб ОМОНчилар билан казаклар полклари қўшилиб кетмайдиларми? Биз яна ғафлатда қолмаймизми?

Хўш айтингчи, Москвадаги демократлар, ҳақиқат жарчиси бўлган матбуот нашрлари бу ҳодисага ўзининг ҳолис муносабатини билдирдими? Казаклар бошқа халқлар кўнглига ғулғула солиб, ташвиш уйғотаётганини рўй-рост айтган бирор мардни топиб кўрингчи?

БУНДАЙ ОҒИР ВА МУРАККАБ ШАРОИТДА биз узоқдан келаётган иғволарнинг қулига айланиб қолмаслигимиз керак. Шунинг учун ҳам бизнинг ҳаётимиз ҳақида ёзмоқчи бўлган ҳар бир мухбирга ўз талабимизни қўйишга ҳақимиз бор деб ўйлайман. Негаки, эндиликда вазият ўзгармоқда. Мустақил Давлатлар Иттифоқи тўғрисида янги шартнома имзоланиши арафасида турибмиз. Ҳар миллий жумҳурият мустақил давлат сифатида ўз мақомига эга бўлмоқда. Демак, бундай мустақил давлат ҳудудига келаётган, у ерда иш олиб бораётган ҳар бир мухбир шу жойнинг қонун-қоидасини ҳурмат қилиши шарт. Биз учун энди Москва матбуотининг сўзи аввалгидек қонун бўлмаслиги керак. Биз ҳам ўз ҳудудимизда халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя этилишини талаб қилишга ҳақлимиз.

Шу боис кимки Ўзбекистон ҳақида ёзмоқчи бўлса марҳамат қилиб бу жумҳуриятнинг талабларини, ҳалқларининг яшаш тарзи, урф-одатларини тан олсинлар. Лозим бўлса тилини ҳам билсин. Бунга риоя этмайдиганлар Ўзбекистон ҳудудидан чиқариб юборилиши айни муддаодир.

А. Головковни аллақачон судга беришимиз лозим эди. Лекин серандишалигимиз устун келди, бундай қилмадик. Энди эса узоқдан келаётган иғволарга жим қараб ўтиришга виждонимиз йўл қўймаслиги керак. Шаҳар Советининг раҳбарлари фақат мухбирларнигина тергаб қолмасдан самолёту поездларга осилиб келаётган ашаддий жиноятчилар, енгил нон топиш умидида келаётган такасалтанглар, ёшу-қари фоҳишаларга ҳам дарвозани кенг очиб қўймаслигини истардик. Ҳуқуқ идораларимиз бундай жиноий тўдаларни ортларига қайтариб юборишга ҳам эндиликда ўзларида куч ва ирода топишлари керак. Шаҳар бедарвоза эмас, деган гап бор. Ўзбекистоннинг шу чоққа қадар бедарвоза бўлиб келгани етар.

Биз мустақил давлат йўлини тутаётирмиз. Демак, чегараларимизга посбонлик қилишимиз, турли мақсадда юртимизга келаётган ёки олисдан туриб иғво тарқатаётганларга ҳам ўз сўзимизни айтишимиз, жумҳуриятнинг дахлсизлигини ҳимоя қилишимиз керак. Улкан бир мамлакат иқтисодий ва сиёсий тангликни бошидан кечираётган, миллий жумҳуриятлар ўз мустақиллик қадамларини мустаҳкамлаётган шу кунларда ҳеч кимнинг иғвога кўзи учиб тургани йўқ.

Буни дўстларимиз ҳам, душманларимиз ҳам билиб қўйсинлар.

Мурод АБДУЛЛАЕВ

МУХАРРИРГА
мактублар

БИР МАЙИЗНИ...

Ҳазратишоҳ қишлоғида Хонхўжа ота Ғаффоровни катта-кичик бирдек ҳурмат қилади. У кишининг сўзлари менга ибратдек туюлди. Кўпчилик нолиб яшаётган ҳозирги даврга шукрона билдиришлари кўнглимни кўтарди. Отахоннинг тилаклари балки баъзи безовта дилларга оз бўлса-да, қаноат бахш этар.

— Қиличдек йигит эдим, далада кексайдим, — дейди у. — Йўқчиликни ҳам, серобчиликни ҳам кўрдим. Лекин ҳеч вақт ҳалол меҳнатим ерда қолмади. Меҳнатдан қочмаган одамнинг дастурхони ҳамма вақт бут бўлишига ишонч ҳосил қилдим. Энг оғир йилларда ҳам одамларни очарчилик ва қимматчиликдан осмонга қараб нолиниш эмас, кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлаш қутқазган. Мана яна қимматчиликка юзма-юз келдик. Тўғри, кўпчиликка оғир бўлди. Бироқ бу қора кун келди, дегани эмас. Ҳозирги кунларга ҳам минг шукур қилса бўлади. Ҳайронман, одамлар негадир бесабр бўлиб қолишган. Уларнинг гапига ишонсангиз ваҳимага тушасиз. Ҳолбуки, бундай вайсақиларнинг аксарияти оз ишлаб кўп топишга, оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юришга ўрганиб қолишган. Аллақачон қўллари кетмондан чиқиб кетган. Агар суриштириб кўрсангиз уларнинг аксарияти уйида ҳатто товуқ ҳам боқмайди. Мол-ҳол асрашга, ер тимдалаб ноз-неъмат етиштиришга бўйни ёр бермайди. Биз сўнгги йигирма-ўттиз йил ичида «берсанг ейман, урсанг ўламан» қабилида фикрловчи такасалтанглар авлодини тарбиялаганга ўхшаймиз. Бугунги ёшларимизнинг анча-мунчаси мана шундай текинтомоқ бўлиб ўсганлари мени таажжубга солади. Уларнинг орасида ҳатто уйланиб икки-уч фарзанди бўлган биноийдек йигитлар ҳам бор, фақат қари ота-онасининг елкасига юк бўлиб топганини совуриб ялло қилиб юришади. Эрта бир кун қийин бўлади. Ахир ишлаган одам тишласин-да!

Бугунги оғир кунларда ҳамма нарса қиммат бўлиб кетди деб айтаверганнинг фойдаси йўқ. Борини исроф қилмай ишлатишнинг ўзи ҳам ярим давлат. Менинг ўнта фарзандим бор. Кенжамиздан ташқари барисини уйли-жойли қилдим. Ўттизга яқин невара-чеварамга бош-қошман. Фикримча, ҳамма нарса оиладан бошланади. Оилада ҳамжиҳатлик, борига шукур қилиш, оқибат бўлмас экан бундан эл жабр кўраверади. Ҳамма бир бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб, бир-бирига оғирини ортмай ишласа юки ерда қолмайди, бири икки бўлади.

Буни ўз оилам мисолидан, кўп йиллик ҳаётий тажрибаларимдан яхши биламан. Биз ҳозир ҳам оиламиз билан «ЎзССЖ 50 йиллиги» давлат хўжалигидан икки гектар ер олиб ишлаяпмиз. Олма ва узум етиштирамиз. Ўтган йили режамизни ортиғи билан бажариб, 3 минг сўмдан зиёд даромад олдик. Ҳар қалай етиб турибди. Тотув бўлса, «Бир майизни қирқ киши ейди», деган ажойиб нақл бор. Тотувлик йўқ жойда барака бўлмайди. Мен ҳаммага тотувлик тилайман.

Адашбой АСРОРОВ

Чортоқ

ЭЪЛОН

ҚУТЛУҒ САНАЛАР — АТОҚЛИ ЎЗБЕК МУТАФАККИРИ ВА ШОИРИ АЛИШЕР НАВОИЙ туғилган куннинг 550 йиллиги, улуғ шоир ва давлат арбоби ЗАҲИРИДДИН БОБУРнинг 510 йиллиги (1993) ва таниқли ўзбек олими, мутафаккир, инсонпарвар олим МИРЗО УЛУҒБЕКнинг 600 йиллиги (1994 йил) муносабати билан.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КИНЕМАТОГРАФЧИЛАР УЮШМАСИ АЛИШЕР НАВОИЙ, ЗАҲИРИДДИН БОБУР ВА МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИНГ ЭНГ ЯХШИ КИНОСЦЕНАРИЙСИ УЧУН

РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ҲАР БИР НОМ БЎЙИЧА ЭНГ ЯХШИ КИНОСЦЕНАРИЙЛАРГА ҚЎЙИДАГИ МУКОФОТЛАР БЕРИЛАДИ:

Биринчи мукофот — 50 МИНГ СЎМ.
Иккинчи мукофот — 25 МИНГ СЎМ.
Биринчи мукофотга сазовор бўлган киносценарийлар келгусида «ЎЗБЕКФИЛЬМ» давлат ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бўлимларидан бирида, ишлаб чиқаришга тавсия этилади.
Иккинчи нусхадаги киносценарийлар ўзбек ёки рус тилларида қуйидаги манзилга тақдим этилиши мумкин: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН КИНЕМАТОГРАФЧИЛАР УЮШМАСИ

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИ ВА ЖУМҲУРИЯТ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ

НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН КП МҚ НАШРИЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»
Издается на узбекском языке

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди.

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Ҳафиз АБДУСАМАТОВ, Усмон АЗИМОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Рамз БОБОЖОН, Одил ЁҚУБОВ, Аҳмад ЖАББОРОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Асқад МУХТОР, Абдулла ОРИПОВ, Тоҳир ШАМСИЕВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Тўлапберган ҚАЙИПБЕРГАНОВ, Малик ҚАЮМОВ, Тўлқиной ҚОДИРОВА, Пиримқул ҚОДИРОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ, Саъдулла ҲАКИМ (масъул котиб)

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: Тошкент — 700083, Ленинградкўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: бош муҳаррир — 33-52-91, 32-57-42; бош муҳаррир ўринбосари — 33-43-65, 32-54-66; масъул котиб — 33-49-93; котибот — 32-58-49, БЎЛИМЛАР: ижтимоий-сиёсий — 32-56-50; танқид ва адабиётшунослик — 32-55-98; назм ва наср — 32-55-78; санъат — 32-56-48, 32-54-56, хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-49; шум боланинг чойхонаси — 32-54-71.

Навбатчи муҳаррир — Ашурали ЖЎРАЕВ
Босишга топшириш вақти — 20.00 Босишга топширилди — 19.45.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БАҲОСИ 25 ТИЙИН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

индекс 64593. Буюртма 5829. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12